

Саид-Абдулазиз ЮСУПОВ,  
"Камолот" ЁИХ Марказий Кенгаши  
матбуот котиби

# ЖАСОРАТ- ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ



2006 йилнинг 10 октябрь куни мамлакатимиз Президентининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Қарорда Ҳаракатнинг амалга оширган ижобий ишлари ва эришган ютуқлари баробарида ташкилот томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳам таъкидланган.

Президентимизнинг қарори нафақат Ҳаракат фаолиятига берилган баҳо, балки унга берилган яна бир имконият демакдир. Бу имконият эса улкан масъулият эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозим. Бу ишончни оқлаш йўлида Ҳаракат ўз буюк келажаги сари ўз юртбошиси атрофида бирлашган мана шу халқ иродасига суяниб иш қўрса таъкидланган ишларни амалга ошириши муқаррар!

Ватанимизнинг раванқ топиши, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатимизнинг ривожланаётган давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлиши ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш вазифаси қай йўсинда амалга оширилаётганига боғлиқ, албатта. "Камолот ЁИХ ташкил этилганига беш йил тўлганлигини инobatта олган ҳолда, ҳаракат томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишларга назар ташлаб қўлга киритилган ютуқлар баробарида баъзи бир камчиликларга йўл қўйилганлигининг ҳам гувоҳи бўлаемиз.

Бугунги кунда Ҳаракат таркибида салкам 17 000 дан зиёд бошланғич ташкилотлар фаолият юритмоқда, 7 млн. 200 мингдан ортиқроқ ёшларнинг 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган салкам 5 млн. нафари Ҳаракатга аъзо. Ҳаракат ҳомийлигидаги "Камалак" болалар ташкилоти 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшларни қамраб олган. Республика Сардорлар Кенгашидан бошлаб вилоят, туман, мактаб ва синф сардорлари тизимида фаолият юритаётган, элимизга, юртимизга, Президентимизга садоқат руҳида тарбияланган 300 000 дан ортиқроқ сардорлар ушбу ташкилот атрофида бирлашганлар. "Камалак" болалар ташкилоти 14 ёшгача бўлган ёшларни бугун Ҳаракат атрофида ёшларни бирлаштирди, уларнинг Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланишларида ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ёшлар учун Ҳаракат муассислигида ўнга яқин нашрлар чоп этилмоқда. Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд Ёшлар маркази", Жиззах шаҳридаги "Ёшлар маркази", Фарғона шаҳридаги "Ёшлар маданият ва спорт маркази", Наманган шаҳридаги "Ёшлар спорт мажмуаси", Паркент туманидаги "Ёшлар салоҳият маркази" каби қатор муҳташам иншоотларда ёшлар бирлаштирилиб, уларнинг янгидан-янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, турли тўғарақларга жалб этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Амалга оширилган ишлар хусусида тинмай гапириш мумкин.

Аммо амалга оширилмай қолиб кетаётган ишларимиз ҳам талайгина.

Куни кеча юртбошимиз Андижон вилояти Халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, куюнчаклик билан гапирганликларининг гувоҳи бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб биз нафақат Андижон, балки бутун водий ёшлари муаммоларидан бирига тўхталсак.

2004 йилга қадар Қирғизистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олаётган Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан бўлган талабалар сони беш мингга яқин бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ОўЮларида 2004 йилдан бошлаб сиртқи таълимнинг кескин қисқартириб ташланиши натижасида Қирғизистонга бориб таҳсил олаётган талабалар сони олти маротабага ошган. Бугунги кунда Ўш шаҳрида жойлашган Қирғиз-Ўзбек Университети ва унинг Жалолобод, Қизил-қия ва Олабуқа шаҳарларидаги филиалларида таҳсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар сони 12 500га етган. Бундан ташқари ўзбекистонлик 10 000га яқин талабалар Ўш Давлат Университетида, 1 000 га яқини Ўш Техника Университетида, 500га яқини Москва Юридик Академиясининг Ўш филиалида, 5000 га яқини Жалолобод Давлат Университетида, 1000 га яқини эса Батиров номидаги хусусий Университетда таҳсил олмақдалар.

Қирғизистон Республикаси жанубий вилоятларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 30 000 дан ошиқни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчаси шартнома асосида таҳсил олишади. Қирғизистон Республикасида таълим учун тўланадиган шартнома пули 2500 қирғиз сомидан, 6000 қирғиз сомгача, яъни 75 мингдан 180 минггача бўлган ўзбек сўмини ташкил этади.

Агар ўзбекистонлик талабалардан шартнома пули фақат нақд пулларда қабул қилинишини ва шартнома пулини ўртача 100 000 сўм деб оладиган бўлсак, мана шу йилнинг ўзидаёқ 30 000 ўзбекистонлик талабаларнинг тўлаган шартнома пуллари 3 млрд. нақд пулни ташкил этиши маълум бўлади.

Муаммони ўрганиш мобайнида, Қирғизистон Республикаси ОўЮларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг 90% сиртқи бўлимда таҳсил олиши аниқланди. Сиртқи бўлим бир йилда 3 семестрдан иборат бўлиб, ҳар бир семестр ўртача 10-15 кунни ташкил этади. Ҳар бир семестр ҳар бир талаба учун у семестрда қатнашиши ёки қатнашмаслигидан қатъи назар ўртача 50 000 сўм харажатни талаб этади. Жами ҳисоблаганда эса ўзбекистонлик талабалар томонидан бир семестрда 1,5 млрд. , бир йилда эса 4,5 млрд. сўм нақд пул Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетилади. Бу пуллар асосан йўл харажатлари, турар жой ва кунлик харажатларига ёки семестрда

қатнашмаслик учун тўланадиган пора сифатида тўланади. 2005-2006 ўқув йили давомида Ўзбекистондан Қирғизистон Республикасига 7 млрд. сўмдан зиёдрок нақд пул олиб чиқиб кетилган.

Булардан ташқари, Қирғизистон Республикаси ОўЮларига ҳужжат қабул қилиш сентябр ойининг охиригача чўзилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси ОўЮларига киролмаган ва сиртқи бўлимда ўқишни истовчи 15-20 мингга яқин ўзбекистонлик талабалар Қирғизистон ОўЮларига кириши кўтиломқда. Қирғизистон республикаси ОўЮларида ўзбекистонлик талабалар сонининг ортишига яна бир сабаб — 2005 йилдан бошлаб Қирғизистон ОўЮларида берилган дипломларнинг Ўзбекистонда кенг қўламда ноострификация қилина бошлангани бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида Қирғизистонда олинган дипломни ноострификация қилиш учун олинадиган Давлат божи 15 654 сўмни ташкил этади. 2005-2006 йилларда фақатгина Андижон вилоятидан 1 500га диплом ноострификация қилиниши учун ариза тушган бўлиб, улардан 500га яқини ноострификация қилинган.

Қирғизистонда таълим олаётган талабалар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбат давомида, Қирғизистон ОўЮларида таҳсил олишга иштиёқнинг баландлигини улар қуйидаги омилларга боғлашди:

— шартнома асосида таҳсил олишда шартнома пулининг арзонлиги;

— кўп мутахассисликлар бўйича сиртқи таълимнинг мавжудлиги;

— сиртқи бўлимга мактабни тамомлагандан сўнг иш стажисиз кира олиш имкониятининг мавжудлиги;

— мутахассисликлар бўйича ўқув дастурлари Ўзбекистон ўқув дастурлари билан бир хилда эканлиги (Қирғизистон ОўЮлари талабалар сонини ўзбекистонлик талабалар ҳисобидан кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон ОўЮлари дастурларини ўзгартирмасдан кўчириб амалиётга талбиқ этишади).

Ўзбекистон ОўЮларининг баъзиларида сиртқи таълим тизими сақланиб қолган бўлсада, бу Фарғона водийсидаги аҳволга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Яъни Фарғона водийсида жойлашган сиртқи таълим тизими сақланиб қолган Қўқон педагогика институти 7млн.лик водий аҳолиси эҳтиёжларини қондира олмайди.

Мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, Қирғизистон Республикасида таълим олиш ниятида бўлган Ўзбекистон фуқаролари сони аввалгидек ўсиб боради ва олиб чиқиладиган нақд миллий валюта ҳажми 2-3 баробар ошиб, тахминан 10-15млрд.ни ташкил этади. Келгусида эса олиб чиқиб кетиладиган миллий валютамиз ҳажми янада ошади, чунки Қирғизистон Республикаси ОўЮларида сиртқи таълим олти йиллик бўлиб, ўзбекистонлик талабаларнинг асосий қисми 1-2 ва 3 курсларда таҳсил олмоқдалар.

Аммо бу асосий муаммо эмас. Фикримизча, асосий катта эътибор талаб муаммо, бу — ўзбекистонлик минглаб талабалар оммасининг сиёсий тузуми барқарор бўлмаган, аҳолиси турли хил экстремистик ва ислом фундаментализми мафқурасига дуч келаётган Республикада таҳсил олаётганлигидир. Бундан ташқари олинаётган билим даражаси ҳам пастлигича қолаётганлиги эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Айтиб ўтилган фуқароларимиз тоифаси — ёшларимиз, бузғунчи гуруҳлар ва Ўзбекистонга бугунги кунда фақат ёмонлик истовчи ғаламис оқимларга Ўзбекистонга қарши тарбиялаш учун дастак бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Ушбу муаммонинг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

— ўзбекистон Республикаси ОўЮлари имиджини кўтариш мақсадида ОАВлар орқали кучли тарғибот ташкил этиш ва Ўзбекистон ОўЮлари афзалликлари ва уларнинг имкониятларини аҳоли онгига етказиш;

— Ўзбекистон ОўЮларидаги шартнома пулларини имкониятдан ва аҳоли реал даромадларидан келиб чиққан ҳолда камайтириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

— шартнома пулларини тўлаш шартларини е.пгиллик яратиш мақсадида ҳар квартал ёки ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўланиши учун шароит яратиш;

— сиртқи таълим тизими ёпилганлиги боис, Фарғона водийсида жойлашган кундузги таълимга ўқишга қабул қилиш сонини янада кўпайтириш;

— пойтахтда жойлашган таълим муассасаларининг Фарғона водийсида филиалларини очиш;

— Фарғона водийсидаги ОўЮларида коллеж битирувчилари учун сиртқи таълим тизимини очиш;

Фарғона водийсида жойлашган ОўЮларида коллеж битирувчилари учун сиртқи таълимнинг очилиши бу Ҳаракатнинг жамият ижтимоий ҳаётида тутган ўрнининг янада мустақкамланишига, ёшларнинг ташкилотимизга бўлган ишончининг ошишига, четга олиб чиқиб кетиладиган миллий валютамиз ҳажмини камайтиришга, энг асосийси ёшларимизни турли бузғунчи ғоялардан асрашга имкон яратган бўлар эди.

"Яхши уста ҳеч қачон бозорга харидор излаб бормайди. Аксинча харидорнинг ўзи келади", деган экан донишмандлардан бири. Ўзбек давлатчилиги шакллантириладиган бир даврда мамлакатимиз ёшларининг Ватан тараққиёти йўлида ўз касбларининг устаси бўлиб етишишларида ушбу муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Тан олиб айтиш керак, Президентимизнинг Ҳаракат тўғрисидаги Қарорларида қайд этилган камчиликларга йўл қўйилишида бизнинг ҳам айбимиз катта бўлган. Биз юқорида қайд этган муаммоларни аввал ҳам кўтариб чиққанмиз. Аммо уларни ҳимоя қилишда етарлича жонбозлик кўрсатолмадик.

Ваганга эътиқод инсонда эртанги кунга ишончини, ишонч эса бугунги кундаги баъзи иқтисодий (ўтиш даврига хос бўлган) қийинчиликларга нисбатан сабрни, сабр эса Ватан манфаатига қаратилган ғояни амалга оширадиган матонатни, матонат эса ҳурфикр инсонларга хос бўлган жасоратни шакллантиради. Тараққиёт эса Президентимиз таъкидлаганларидек, фақат жасорат туфайлигина рўй беради.

Ишончимиз комилки, Ҳаракатимиз, умуман ёшлар муаммолари билан шуғулланадиган, уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган барча ташкилотларнинг устувор йўналиши ва мақсади — она ЎЗБЕКИСТОН тараққиёти йўлидаги чигаллик, ташвиш, изтироблардан қўрқмай ўз юртига муҳаббат қўядиган фидоий ёшларни тарбиялаш бўлиб қолади.



## Келинг, оқ йўл тилайлик

Камола ШАРАФИДДИНОВА

Бундан қарийб эллик йил муқаддам университет талабалиги вақтимда бир даста шеърларимни журъат қилиб, устоз адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновга олиб борган эдим. Айрим шеърларим домлага маъқул бўлди шекилли, Озод ака "Шарқ юлдузи" журнали саҳифаларида оқ йўл тилаб, нашр эттирганлар.

Воажаб, орадан шунча йиллар ўтиб, унутилмас устозимизнинг севикли набираси Камола Шарафиддинова бир даста машқларини менга ҳавола қилди. Ҳаёлимдан жуда кўп гаплар кечди. Озод Шарафиддиновдек зукко инсоннинг хонадонидан, ўн минглаб китоблар йиғилган бу табаррук даргоҳдан албатта яна бир истеъдоднинг пайдо бўлиши қандайдир даражада табиий ва қонуний ҳол каби туюлди менга.

Қизимиз Камолахоннинг қалами чархланиб бораётир. У ҳали ижодкор сифатида ҳам навниҳол. Лекин катта ижодлар ҳам ниҳолликдан бошланган-ку! Унинг машқларини ўқиб кўринг. Келинг, Камолага биргаликда оқ йўл тилайлик!

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.



# Бобомнинг боқий дунёси

## КИТОБЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

*Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда.  
Кўп эртақ эшитардим,  
Сўзлаб берарди бувим.  
Бувимнинг ҳар эртаги,  
Ҳар бир айтган қиссаси,  
Фикримни тортар эди,  
Ҳавасим ортар эди.*

Мен эртақлар оламига, китоблар оламига саёҳатни сеvimли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг ушбу шеъри билан бошламоқчиман. Болалигимда анчагина қайсар қизалоқ бўлган эканман. У, бу деб хархаша қилаверсам, Шарофатхон бувим мени Камолахон, сенга бир эртақ айтиб берай, деб ётоғимга бошлар эдилар. Гоҳида ўзлари тўқиб, гоҳида эса китобдан эртақ ўқиб берар эдилар. Менга кўпроқ ўзлари айтган эртақлари ёқар эди. Чунки уларда доимо ака-опаларим ва мен иштирок этар эдик.

"Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замондамас, жуда олис томондамас, Тошкент деган шаҳарда бир малика яшар экан. Ўша маликанинг исми Камола экан" деганларида мен ўша эртақда ўзимнинг исминни эшитиб хурсандлигимдан кўзларим порлаб, зўр бериб бувимни тинглар эдим. Эртақда маликанинг яхши хислатлари гапирилар: уйқудан туриши, овқатланиши, уй юмушларига

қарашишлари каби вазифаларни маликаи олам аъло даражада бажарар эди. Мен ҳам қайсарликларимни бир амаллаб енгиб, ўша маликага ўхшашга ҳаракат қилар эдим. Агар қаҳрамонимиз гапга кирмай тўполон қилиб, овқат емай кўйса дарров бобо-бувиси хафа бўлиб, касал бўлиб қолишар экан. Кейин маликанинг ўзи ҳам бадбашара, хунук бўлиб қолар эди. Шунда малика хато иш қилганини тушуниб, хулқини тўғрилашга ҳаракат қилар эди.

Бувимнинг ҳар бир эртаги мени яхшиликка етаклар эди. Ўқишни, ёзишни ўрганиб олганимдан сўнг, ўзим эртақ китобларни ўқий бошладим.

Масалан, "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи", "Нўхот устидаги малика", "Зумрад ва Қиммат", "Бахил паҳлавон" каби эртақ ва "Том Сойернинг саргузаштлари" каби китоблар менда жуда катта таассурот қолдирар эди.

Бошлангич синфни битириб, юқори синфга қадам кўйганимда устозларимнинг кўрсатмасига кўра, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи, Ойбекнинг "Болалигим", Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртақлар" қиссаларини, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Саид Аҳмаднинг "Уфқ" трилогиясини, Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари", "Баҳор қайтмайди", Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема", "Асрга татигулик кун", Алберт Кейннинг "Золотой Фараон", Уляям Шекспирнинг "Гамлет" асарларини зўр қизиқиш

билан ўқиб чиқдим. Бу китобларни номма-ном санашимнинг сабаби, тенгдошларим ҳам бу китобларни ўқиб чиқишса, олам-олам қизиқағли таассуротлар олишларига аминман.

Китобларни излаб топиб, ўқишда менда ҳеч бир қийинчилик тугилмаган, чунки уйимизни бемалъл китоблар олами деб аташимиз мумкин.

Бобом Озод Шарафиддиновнинг энг қизиқарли машғулоти китоб ўқиш ва уларни йиғиш бўлган. Айтишларича, тахминан 10-12 ёшларидан бошлаб тўплаган эканлар. Улар "Китоб, бу — бебаҳо бойлик, уни ўқиб асраган киши энг донишманд, ақлли инсон саналади. Китоблар оламига саёҳат қилсанг, сени қизиқтирган барча саволларга жавоб топасан" дер эдилар. Бобом мактабларда фақат ўзбек адабиётини эмас, жаҳон адабиётини, айниқса, рус адабиётини ўқитишни ҳам йўлга қўйиш керак, шу билан бирга мактаб болаларни китоб билан дўстлашувига кўприк бўлиши керак, дер эдилар. Болалар ким бўлишларидан, қандай касбни (хоҳ у магазинда ишласин, хоҳ у бозорда, хоҳ далада) танлашидан қатъи назар, китоб унга яхши ҳамроҳ, маслаҳатчи бўлади.

Беҳбудий бобомиз ўз вақтида айтганларидек, ҳар бир мусулмон бола камида бешта тилни билиши шарт, бу она тили, форс тили, араб тили ва бирор-бир Европа тиллари, айниқса рус тилидаги жуда кўп китобларни ўқиш имконияти бизда шаклланиб, базаси яратилган. Ундан унумли фойдаланиш керак.

Кунлардан бир кун, Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" китобини уйдан ҳам, кутубхонадан ҳам топа олмай қолдим. Албатта, бувамга мурожаат қилдим. Улар эса кимгадир бериб юборганликларини эсладилар-да, "Қизим, ён дафтарчамни олиб бери" дедилар. Пиримқул Қодировга кўнғироқ қилиб, соғлиқларини суриштириб, баъзи бир маълумотлар билан фикр алмашиб бўлишгач, бир китобсевар набирам бор. Шу "Юлдузли тунлар" романини ўқиши учун бериб турсангиз, деб сўрадилар. Эртаси кунни машҳур ёзувчи уйимизга келиб, "Озод, яхшиям набирангиз бор экан, шу қизалоқ баҳона сиз билан дийдор кўришдим" деб, анча ўтириб меҳмон бўлиб, суҳбатлашиб, чигилларини ёзиб, кета туриб, китобларини менга совға қилиб бердилар. Китобни очиб ўқимоқчи бўлиб варақласам, "Озод дўстимнинг китобсевар набирасига" деб ёзилган битикка кўзим тушди. Албатта, бу китобдан жуда қизиқ маълумотлар олдим, билимимни бойитдим. Мени лол қолдирган нарса — икки забардаст олим ва ёзувчининг мендек бир ёш болага бўлган эътибори бўлди.

Китоб ўқишга қониқмасдан бувамга нима, қанақа, қачон деган саволларни кўп берар эдим. Бувам олдидаги ишларини четга суриб, эринмай жавоб беришга киришар эдилар. Уларнинг кўп нарсаларни билишларига қойил қолар эдим. Ҳар доимги "Бобожон, сизни китоб ёзишингизга нима илҳом беради?" деган саволимга "менимча табиатнинг ўзи ва албатта китоблар" деб жавоб берар эдилар. Ёки "Қаҳрамон бўлиш учун нима қилиш керак?" деган саволимга "сенга топширилган вазифани сидқидилдан бажаришингни ўзи кифоя" деб жавоб берар эдилар. Ва ниҳоят "Бобожон, бола бўлиб қолсангиз нима қилган бўлардингиз?" деб сўрасам, улар шундай жавоб берар эдилар: "Ҳали-ҳануз ёш

бола бўлиб, эртақ эшитгим келади, китоблар оламига саёҳат қилгим келади!"

## ҲОВЛИМИЗГА БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди. Ҳовлимизда биринчи бўлиб бодом, кейин эса бошқа дарахтлар гуллади. Майсалар кўм-кўк гилам каби ерни қоплади. Ҳар баҳорнинг илк элчиларини буважоним бир энтиқиш, ҳаяжон билан кутардилар. "Хайрият, баҳор ҳам келди, энди бирорта адашган қор-мор ёғмаса меваларни совуқ уриб кетмай, яхши ҳосил беради" деб хурсанд бўлардилар. Баҳор бувамнинг қалбига кириб келганда ёш боладай қувонардилар.

Бир куни бувам мени чақириб, "қани, бир сизларни лола сайлига обориб келай" дедилар. Бир оёқлари йўқ, ногиронлар аравачасида бўлсалар ҳам, бувамнинг бундай ташаббусларига қойил қолдим. Тезда сафарга ҳозирликка киришиб кетдик. Хурсандлигимдан дарров йўлга керак бўладиган у-бу нарсаларни халтачамга солиб ҳаммадан биринчи тайёр бўлиб тургандим. Шундай қилиб, (апрел ойида) биз оиламиз билан лола сайлига йўл олдик.

Мен беихтиёр йўллар ҳақида ўйлайман. Йўллар узунлигидан худди бу йўлларнинг охири йўқдай туюлади менга. Ҳаёл суриб ўтирганимда бувам сўз бошладилар. "Йўл ҳар қандай юртнинг бебаҳо бойлигидир, унинг фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим омил. Мен кўрганман — баъзи бир мамлакатлар йўлларининг норасолигидан, жиндай ёмғир ёсса, юриб бўлмайдиган аҳволга келишидан одамлар кўп азият чекканлар. Шулар эсимга тушганида ўзимча юртимиз учун, унинг йўллари учун гердаийб қўяман" дея юзларида кулгу ёришарди. Бир соат ичида кўп янгиликларни бувамдан билиб олдик. Янги йўллар, кўприклар қурилиши муносабати билан юртбошимизнинг "Кўприк қурган кам бўлмайди, тўғри йўлда ҳам бўлмайди" деган сўзлари ҳам беихтиёр хотираларига келаверар эди.

Мана манзилга ҳам етиб келдик. Машинадан тушганимда қип-қизил лолалар кўзимга чиройли кўриниб кетди. Худди кўк гиламнинг қизил гунчаларига ўхшайди. Дарров ойим билан Динара келиноним жой тайёрлашни бошлашди. Дилдора билан мен варрак учириниб, лолаларни теришга киришиб кетдик. Узоқдан бувим билан бувамнинг бизларни томоша қилишаётганига кўзим тушди. Кўзларидан билиниб турардики, улар ўғил-қизлари, келинлари, неваралари, эваралари бағрида бахтиёр эдилар. Ёнларига борсак, бизни огоҳлантирдилар: лолаларни кўп узманглар, табиатга зарар етказманглар. Сизлардан кейин ҳам бошқалар келиб завқланишсин. Тоza ҳаводан мириқиб нафас олинглар. Кўзиқоринларни териб, доривор ўсимликларни йиғиб, табиатни ўрганинглар. Сизлар табиатни асрасаларинг, у сизларга минг чандон яхшилик билан қайтаради.

Шу куни пешинда давлат ишлари билан банд бўлган дадам ҳам биз дам олаётган жойни топиб, етиб келдилар. Озгина тамадди қилганларидан кейин юмшоқ ўт-ўланлар устига ётиб маза қилиб уйқута кетдилар. Уларга халақит бермаслик учун нарироқда ўйинимизни давом эттирдик. Куёш уфққа бош қўя бошлаганда йиғиштириниб, ўзимиздан кейин ҳар хил чиқинди, ахлатларни пакетларга йиғиб, уйга



қайтишга ҳозирлик кўра бошладик. Олам-олам таасуротлар билан уйга қайтдик.

Бу йилги баҳорни бувам ҳар доимгидек энтикиб кутиб олдилар-у, лекин баҳор уларни жудаям яхши кўрар экан. Бувам биринчи мартда тугилганлар, шу куни қабрларини зиёрат қилишга борсак, бойчечаклар, лолаю, нарғизлар бувамнинг қабрлари устида чамандек очилиб ётганини кўриб роса хурсанд бўлдик. Ўша ерда ишлаб юрган фаррош аёллар ҳам ҳар йили гулламаётган ўрик дарахти бу йил илк нишона бериб гуллаганини айтишди. Охиратлари ҳам обод бўлгур буважоним қаерда бўлмасинлар, бари бир ўша ерни гуллашиб, яшнатиб юборишга қодир эканлар. Ҳовлимизга баҳор келди. Бувам биз билан бирга эканликларини бутун вужудим билан ҳис қилдим.

### БОЛАЛИКНИ СОҒИНИБ ЯШАШ

Болалик даври деганда беғубор, ғам-ташвиши йўқ, ўт-оташ давр кўз олдимизга келади. Менинг фикримча, ҳамма катта ёшдаги инсонлар болалигини соғиниб яшаса керак. Негадир ҳамма катталар "мен болалигимда ақли бола бўлганман, аъло баҳоларга ўқиганман, тўполончи бўлмаганман" деб айтишади. Баъзан, ўша даврда ҳеч ёмон бола бўлмаган экан-да, деб ўйланиб қоламан. Шунинг учун мухтарам буважоним, таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов "буважон, болалигингиз ҳақида сўзлаб беринг" деб сўрасам, "эх, болалик" деб юзларида муғомбирона бир кулгу ёришарди. "Ҳамма болалар ҳам бола, улар дарс қилмасдан, шаталоқ отиб мазза қилиб ўйнаб юришни яхши кўришади. Менинг болалигим уруш даврига тўғри келган. Мен ёшлигимда тиниб-тинчимайдиган шўх бола бўлганман. Шўхлигим шу даражага етиб борардики, бир сафар катта анҳорда сузиб юрган болаларни кўриб, сузишни биламанми-йўқми, ўйлаб ўтирмасдан ўзимни сувга отибман. Яхшиямки бахтимга, ўша ердаги йигитлар мени қутқариб олишганди. Далаларга чиққанимизда от борми, йиқилиб тушаманми деб ўйламасдан миниб олаверардим. Неча марта йиқилиб таъзимимни еганимдан кейин ўқиб, ўрганмасдан туриб бир ишга қўл урмаслик керак эканлигини англаб етдим. Мактабга борганимдан сўнг, мана шу ерда кўп нарсаларни ўрганиш мумкин экан, деб дарсларга қизиқиб кетдим. Айниқса, адабиёт дарсини қизиқиб ўқидим. Етти ёшлигимда Марк Твеннинг "Том Сойернинг саргузаштлари" китобини мазза қилиб ўқиб чиқдим. Ия, Том Сойер ўзимга ўхшаган бола экан-ку. Худди узоқ Америкада ўзимни тенгдошимни топгандай бўлдим.

Китоб қаҳрамони Том Сойернинг саргузаштларга қизиқиши, саёҳатни яхши кўриши, зийраклиги мени қойил қолдирганди. Бир куни Томга холаси бир қатор узун деворни оқлаб чиқишни топширади. Ишини тамомлагандан кейингина овқатланиб, ўйнашга рухсат беради. Атрофида бой-бадавлат оилаларнинг болалари мазза қилиб олма, тешик кулча еб ўйнаб юргандан кейин унинг ҳам ўйнагиси келади. Шунда у бир ҳийла ишлатиб ўзидаги дангасаликни енгиб, зўр иштиёқ билан деворни оқлай бошлайди. Болаларнинг қий-чув ўйнашига ҳам эътибор бермай, жуда бир жиддий қиёфада ишини давом эттиради. Томнинг жуда бир қизиқ иш билан

шуғулланаётганини кўрган болаларнинг ҳам девор бўяғиси келиб қолади. Шунда у бу жуда бир муҳим иш эканлигини айтиб, бундай масъулиятли ишни уларга ишониб топшира олмаслигини айтади. Болаларнинг қизиқиши шу даражага етиб борадики, қўлларидagi ўйинчоқларини, еб турган олмаю конфетларини Томга беришиб, уларнинг эвазига чўткаю оҳакка эга бўлишади. Шундай қилиб кун пешин бўлмасдан бутун бир девор оқлаб бўлинади. Том эса мазза қилиб дам олиб, қорни тўйиб уларни бошқариб ўтиради. Ва холасидан ишни бажарганлиги учун раҳмат ва ўйнашга рухсат олади. Шундан кейин Томнинг ақлига, шумлигига қойил қолмай бўладими? Мен ҳам дарров ўқиб, уқиб олишга ҳаракат қилардим. Дунёда бундай китоблар кўплигини, ҳар бирини ўқиб чиқишга вақтим етармикан, деб ўйлар эдим. Болалик даврининг поёни қисқа экан. Катта бўлгандан сўнг иш, ташвишлар анчагина чалғитар экан.

Ҳозир яшаётган давримизда телевизор, компьютер, интернетлар жуда кўп ахборот беришади. Лекин китобнинг ўрни бошқача, чунки у ҳар бир нарсани чуқур англашингга ёрдам беради. Ҳозирги болаларни китобга бўлган қизиқишлари анча камайиб кетди. "Олдиндан оққан сувни қадри йўқ" деганларидек кутубхонада китобларни текинга олиб ўқиш мумкин. Дўконларда, кўчаларда китоблар кўп. Нега шу китобларни болалар олиб ўқимади. Енгил-елпи, олди-қочди ўйинларга қизиқишади.

Севимли шоиримиз, бувамнинг устозлари Фафур Фуломнинг бир шеърини мисол келтирмақчиман.

*Ғунча очилгунча ўтган фурсатни,  
Капалак умрига қиёс этгулик.  
Баъзидан бир нафас олгулик муддат,  
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.*

Бу мисраларда болаликнинг тез ўтиб кетиши капалак умрига қиёсланган. Шунинг учун, келинлар, болалар, қимматли вақтимизни бекор ўтказмайлик.

Буважоним ҳар доим келажакда катта инсон бўлишга, обрў-эътиборга сазовор бўлишга болаликдан пойдевор қуриш керак, деб таъкидлардилар. Ўтган давримизга ачинмайлик. Болаликда қилган ишларимизни сарҳисоб қилиб, болаликни соғиниб яшайлик.

### ХИЗР НАЗАР СОЛГАН ЮРТ

Наврўз айёми муносабати билан Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида олтита боланинг суннат тўйи ўтказилди. Ойижоним билан мен ҳам унда қатнашдим. Тўй болалар шоҳона кийинтирилиб, уларга совға-саломлар улашилди. Болаларнинг қувончини кўрсангиз эди.

Энтикишиб, теварак-атрофга қарашади. Кейин билсам улар Янгийўл шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари экан. Ёш бўлсам-да, қалбим эзилди. Баъзи ота-оналар қандай қилиб шундай ширин болалардан воз кечишар экан? Шунда Сабоатхон бувижонимни эсладим.

Одамлар энг оғир дамларда Хизр бобо йўлиқиб, бахт йўлини кўрсатишлари ҳақида кўп гапиришади. Китобларни ўқиб кўрсам, Хизр — авлиё бўлиб,

мангулик сувини ичиб, абадий умр кўрувчи кишига айланган эканлар. У киши қалби тоза ва яхши ахлоқли кишиларга йўлиқар экан. Раҳматли Сабоатхон бувижоним шундай ҳикоя қилгандилар: "Мен тўрт фарзандимни дадалари Деҳқонбой Мадалиев вафот этгач, ўзим қатта қилишимга тўғри келган, энг оғир дамларда ҳам нолимаганман. Уларни яхши одамлар қилиб ўстиришга ҳаракат қилдим, эл-юрт учун фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбияладим.

Наманган вилоят Норин туман Ички ишлар бошлиғи лавозимида ишлаб турган милиция капитани Деҳқонбой Мадалиевни фожиали ҳалок бўлиши мени тамоман довдиратиб қўйди. Ўзим эндигина 25 баҳорни кўрган, болаларимнинг каттаси Шуҳратбек 6 ёшда, энг кичик Дилшодбек эса эндигина 1 ёшга тўлганда бошимга тушган бу мусибат олдида тамоман довдираб қолдим, рўзгор тебратиш, 4 мурғак болаларнинг тарбиясини эплармиканман деган ўй-хаёллар қийнади. Идоранинг ишлари билан бирга 1-2 та қўшниларимиз ҳамкорликда, темир йўлнинг нариги ёғида қаровсиз бўлган ерларни рухсат сўраб олиб, тозалаб шоли эдик.

Ҳар куни эрта тонгда туриб, кетмонимни қўлимга олиб шолипояга бораман. У ерга сув очиб қўйиб, даланинг этагига тутатиб кетган қабристонга йўл оламан, болаларимнинг раҳматли отасининг қабрини зиёрат қилиб, Куръон тиловат қиламан. Ва йўлма-йўл Худодан менга бардош, сабр беришини сўрайман.

Кунлардан бир кун шолипояга сув очиб, ҳар кунги амалларимни бажариб қайтаётсам, темир йўлда секин-аста ҳассасига таяниб келаётган оппоқ соқоли отахонни учратдим.

Ассалому алайкум деб салом бердим. Отахон алик олгач, ҳол-аҳвол сўраб, суриштирдилар, мен ҳам ўз навбатида тўлиб турган эканман, ҳаётимни сўзлаб бердим. Биламан болам, дедилар-да, ҳассасини менга тутқазиб, узун дуо қилдилар. Ҳассаларини қайтариб бераётиб, бу нуроний отахонни бармоқлари жуда юмшоқ эканини сездим. Шунча уйга кириб, чой ичиб, нонушта қилиб кетинг десам ҳам, кўнмай хайрлашиб, йўлга тушдилар. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, эътиборимни шолипоядаги сувнинг қаттиқ шалоплаши тортди. Энгашиб қарасам, эндигина осмонга кўтарилаётган куёш нурида, қумушдек товланиб, катталиги 1 метрдан зиёдроқ балиқ думи билан сувни сачратар эди. Отахон, балиқ-балиқ дея қичқириб ортимга қараб чақирмоқчи бўлсам, улар темир йўл устида ҳам, атрофдаги йўлларда ҳам йўқ эдилар. Ҳаяжонланганимдан лол бўлиб қолибман. Ҳушимни йигиб олганимда ўзимда бир энгилик ҳис этдим. Ҳалигача у нуроний ким эканлигини билмайман, балки Хизр бувадир".

Бувижонимнинг бу ҳикояси ҳамон қулоғимда жаранглайди. Сўзларини мушоҳада қиларканман, кароматгами, дуоларгами ёки ўз меҳнатларига камтарона баҳо берган, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвонига биринчилардан бўлиб сазовор бўлган, бу унвонни Юртбошимиз қўлларидан олиш бахтига муяссар бўлганликлари, фарзандларини юрт учун керакли инсонлар қилиб тарбиялаб вояга етказганликларини эслаб, уларнинг ҳар қанча хурмат-иззатга сазовор эканликларига амин бўламан.

Наврўз байрамларида кам таъминланган оилаларнинг болалари суннат тўйларини, ёш йигит-қизларнинг никоҳ тўйларини тантанали равишда ташкиллаштириб ўтказиб бериш, қариялар ҳолидан хабар олиш, бирор-бир йил йўқ эдики, қолиб кетса.

Бувижоним ўз фаолиятлари давомида 80112 нафар чақалоққа туғилиш гувоҳномасини, ёш оилаларга никоҳ гувоҳномаси берганликлари ва 19237 нафар кишининг фуқаролигини тиклашда фаол иштирок этганлиги билан фахрланар эдилар.

Умрларининг охириг палласида исломнинг фарзларидан бўлган ҳаж сафарини амалга ошириб, бир дунё таассурот билан, шундай шароитларни яратиб қўйган Юртбошимизнинг ҳақларига, оғир бетоб бўлиб ётган Озод бобомнинг ҳақларига, эл-юрт тинчлиги учун дуо қилиб қайтдилар.

Сабоатхон бувижонимни эслаганимга сабаб, юқорида айтганим, Меҳрибонлик уйларига ўз жигаргўшаларини ташлаб кетаётган баъзи оналарга мана шундай меҳридарё оналар кўплигини эслатиб ўтмоқчи эдим. Шулар туфайли юртимизда соғлом, баркамол авлод вояга етмоқда. Ана шу маънода Академия суннат тўйини ўтказиб берган олти бола ҳам ёлғиз эмаслигини ҳис қилишди. Уларнинг бошини силайдиган меҳрибон қўллар борлиги мени қувонтирди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр нури", "Аёллар кенгаши" каби кўплаб жамғармалар борлиги ҳақида эшитиб, қалбинг қувончга тўлади. Уларнинг болаларни тарбиялаб вояга етказиш учун, оналар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ўзбек юрти фарзандларининг қобилияти, илми, дунёқараши ва санъатини дунёга танитишга кўшаётган ҳиссалари таҳсинга лойиқ.

Агар мен ҳам Хизр бобони учратсам, ундан доимо ота-онам соғ-саломат бўлишларини, барча инсонлар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишини, бирорта ҳам бола етим бўлмаслигини тилаган бўлардим, чунки мана шундай тадбиркор, саҳоватли, бағри кенг инсонлар кўпайишини, Ўзбекистонимиз эса Хизр назар солган, жаннатмакон ўлка бўлиб қолишини истаيمان!





# Ватан, қалблардасен, қароқлардасен....

## ОНА ЎЗБЕКИСТОН

Юртга мақтов эмас, муҳаббат керак,  
Яна ўз сўзимга қайтдим, гумон йўқ:  
"Ўзбек кўп бутун ер юзида, аммо  
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!"

Азизлар исмига ватандир нисбат,  
Елгай юрт номида суворий бўлиб:  
Бежизми, Исмоил ўғли Муҳаммад  
Жаҳонга танилди Бухорий бўлиб!

Жаҳолат нажотга бўлолмас гаров,  
Гарчи дунё иши бўлур нисбатан.  
Ватанни юксакка кўтарса биров,  
Бировни юксакка кўтаргай Ватан!

Маҳшар талошида иймондан бўлак  
Нима бор жонингга киргувчи ора? -  
Термизий бермаса маънодан дарак,  
Термизни танирди қайси бечора?

Пайғамбар боғида туш кўриб озод,  
Фақиҳ деб аталди, бўлди юртга зеб:  
Дунёни ғафлатдан уйғотган бу зот  
Аталди Абулайс-Самарқандий деб!

Адолат измида гуркирар ҳаёт,  
Бўлмас муҳаббатсиз шижоат, азм.  
Ошиқ Хоразмийлар қоқмаса қанот,  
Қайга ҳам учарди ўтроқ Хоразм?!

Ёзувсиз харита қитъаларидек,  
Юракка ёзилур Бистомий, Шомий.  
Туғилиш ва ўлим нуқталаридек,  
Мавлоно аталмиш Балхий ва Румий!

Азиз Ўзбекистон! Сени ким севмас,  
Азизлар бешиги, эй шонли юрак!  
Эл бахти сен билан бўлса чамбарчас,  
Сенинг ҳам эл билан бахтинг муштарак.

Йўлинг пок, сафаринг беҳатар бўлсин,  
Абадият сари талтин, елиб уч!  
Ким асли Ватандан беҳабар бўлса,  
Умри пуч, сўзи пуч, ғоялари пуч!

Қайтсанг, яхшиликка қайтгил, эй дунё!  
Мен ҳам ўз сўзимга қайтдим, гумон йўқ:  
Ўзбек кўп бутун ер юзида, аммо  
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ.

## ВАТАН

Ватан, қалблардасен, қароқлардасен,  
Қодирийлар билан қамоқлардасен.

Ватан, диллардасен, иймонлардасен,  
Шаҳидларинг билан майдонлардасен.

Ватан, нафасларда — ҳаволардасен,  
Осмон аҳли билан фазолардасен.

Ватан, жонлардасен, толалардасен,  
Заҳматкаш жон билан далалардасен.

Ватан, кўнгилдасен, масдарлардасен,  
Мусофирлар билан сафарлардасен.

Мени ҳайрон этар гап берувчилар,  
Ҳар қандай замонга чап берувчилар.

Мени ҳайрон этар, суҳан сотурлар,  
Ватани оғзида бўлган ботирлар.

Ватан, жонлардасен, вужудлардасен,  
Дунёларга сиғмас худудлардасен!..

## ФИЛДИРАК

—Сулхондалёга кетайлик, дада.  
—Нима қиласан, ўғлим?  
—Филдилак ҳайдайман!..

### Ўзимизнинг суҳбат

Қилтириқмиз: овулнинг  
Кулар хотин-халожки.  
Ҳар биримиз биттадан -  
Филдиракнинг ёғочи!

Мис каби, биринж каби  
Куйиб қотгандир танлар:  
Машиқ камон тегизса,  
Тиринглайди баданлар.

Биздек беш-ўн болани,  
Кўшиб, берилса сайқал,  
Энг озғин бир шоирга  
Кўйса бўлади ҳайкал!

Тузон ичра ҳайкалнинг  
Кўзлари ялтирайди.  
Филдирак филдирайди...

Қувнаймиз. Акам келиб,  
Филдирагинг зўр! — дейди.

Қўлимга хат тутқазиб,  
Анов қизга бер, дейди.

Филдиракни тез шайлаб,  
Содиқ қолиб акамга,  
Қутлуғ хатни авайлаб,  
Қистираман липамга.

Титроқ эди акам ҳам,  
Бу қиз ҳам... қалтирайди.  
Филдирак филдирайди.

Оқшом қизғиш чанг ичра  
Гурунғ қилар тақсирлар.  
Деворларга суяниб,  
Тек ўлтирар кампирлар.

Чол-кампирлар ёнидан  
Фир-фир ўтиб кетамиз.  
Ҳали шоир бўламиз,  
Хотирани титамиз:

Юрак ичра момонинг  
Кўзлари милтирайди.  
Филдирак филдирайди.

Тузум, фирқа, сиёсат,  
Болаликка не керак?!  
Барчасининг устидан  
Суриб ўтди филдирак.

Биз қумдан уй қурганмиз,  
Биз филдирак сурганмиз.  
Ушанда ҳам билганлар  
Билганларин қилганлар.

Ҳаётимни чангитиб,  
Болалик пилдирайди.  
Филдирак филдирайди.

Дунё қизиқ ўйинчоқ,  
Биз боламиз, тўймасмиз:  
Филдиратиб бир умр,  
Сени қўлдан қўймасмиз!

Бошимда филдирайсан,  
Пойимда филдирайсан,  
Юрган, турган ва ётган  
Жойимда филдирайсан.

Огоҳ бўлинг, ҳалойиқ,  
Огоҳ бўлинг бу ғамдан:

Наҳот, ғилдирак ҳайдаб  
Утиб кетдик оламдан!

Заъфар хазон ичинда,  
Қирмиз тузон ичинда.  
Битта шоир хўрсиниб,  
Хўрсиниб тентирайди.

Даврларнинг сурони,  
Бошида гулдирайди.  
Юрагида мангулик,  
Жилғаси жилдирайди...

Ғилдирак ғилдирайди...

### КУЗГИ ДАРАХТ

Дарахт ўч азалдан ошкораликка,  
Тана, барг, куртаги, гуллари билан.  
Ҳақиқат шукрини айтур фалакка,  
Шитирлаб беҳисоб тиллари билан.

Ҳар яшил ҳилқатга қисмат шудир, бас,  
Неча куз кўрса ҳам, кечмас ҳақ куйдан.  
Дарахт япроқлари сарғайган эмас,  
Ҳақиқатни айтиб, тиллари куйган.

### ЁЛҒОННИНГ УМРИ

Ёлғоннинг умри узун...

Рауф Парфи

Ғоятда қисқадир ёлғоннинг умри,  
У, дунё тургунча тургайдир фақат.  
Сўнгра бошланади ростлик диёри,  
Охират диёри, мангу салтанат.

... Инсонлар тўзғигай, тоғлар  
тўзғоқ жун,

Қайтар ҳамма нарса ортига тезкор.  
У кун... Куйи ғарбдан чиқиб бўлган кун  
Саждалар беҳуда, тавбалар бекор!

Ёлғон умри қисқа. Эй, дил, у якто  
Ҳақ бир-бир кўрсатар ҳужжатларини.  
Экавер қиёмат онигача то  
Ростлик ва муҳаббат кўчатларини.

Бас, қиёматгача яшар ёлғон, кож,  
Сўнг тугар... бу олам мажозий, сохта.  
Ғарбдан кўтарилиб дафъатан қуйи,  
Ёлғоннинг умрига қуйгайдир нуқта!

### ҚОҒОЗ ҚАСИДАСИ

Бир узрим бор,  
Бир шукрим бор, сенга қоғоз,  
Сен чидадинг;  
Оқ юзингни  
Қаро қилдим ёзиб оз-оз,  
Сен чидадинг.  
Чидолмадим,  
Бўлиндим мен парчаларга,  
Сен чидадинг;  
Менинг қалбим  
Чидолмаган нарсаларга  
Сен чидадинг!..

### ТҮРТЛИКЛАР

Ҳа, мен сокин юрадирман ерга қараб,  
Балки, ҳикмат терадирман ерга қараб.  
Дунё ичра нигоҳимни гофил дема,  
Мен осмонни кўрадирман ерга қараб.

Бир сўзим бор, айтай сенга йўли билан:  
Эл бўлмагин эл бўлмаснинг эли билан.  
Дунё билан муҳораба айласанг ҳам,  
Катта йўлда тортишмагин  
лўли билан...

Кечирдим, ким мени этди хор, абгор,  
Кечдим, гар кимнингдир мандан  
қарзи бор.  
Раббим, Икки дунё бирор банданга  
Мени сабаб қилиб бермагил озор!

Умр ўтар, ўтади очу тўқлигинг,  
Ҳақ нури кетказар гуноҳ, шўхлигинг.  
Шундай енгил бўлки, ҳеч билинмасин,  
Сўнги кун тобутда бору йўқлигинг!..

Қайтиш ҳам турфадир, ҳаёт  
жумбоқдир:  
Яшиликка қайтмоқ олға юрмоқдир.  
Зулмат, жаҳолатда илгари кетмоқ  
Тобора орқага қадам урмоқдир.

Осон эмас Ҳаққа қариблик,  
Дунё ғоят нозлик, фириблик.

Жамъ қилгандек уларни сарват,  
Бирлаштиргай бизни ғариблик.

Асл ғаввос бўлсанг, дурни кўргайсан,  
Соф бўлсанг, кетар чоғ хурни кўргайсан.  
Ҳамма ёқ зулмат деб шикоят қилма,  
Узингда нур бўлса, нурни кўргайсан...

Тўрт девор ичида эркака ялчидим,  
Тўрт жониб тўрт фаслин қалбга  
санчидим.  
Шу дунёдир менинг тутган мадрасам,  
Ётган меҳмонхонам, топган  
масчидим.

Дўст, майли, тухмат қил, ҳақорат қилгин,  
Тангрим, сен сабрга ишорат қилгин.  
Қалбимга урилган ҳар бир озорни,  
Бирор гуноҳимга каффорат қилгин.

### ТЕРМИЗ ДАРАХТЛАРИ

Термиз аجدодларга қадимий ватан,  
Еллари қалбимга берур фараҳлар.  
Лекин ҳаёлимни тортар дафъатан,  
Хиёл бир томонга оғган дарахтлар.

Аён, эркаликдан бу боғлар холи,  
Чунки касби бўлмиш кураш ва сабот:  
Ниҳоллик чоғдан афғон шамоли —  
Аччиқ қумлар билан сийламиш ҳаёт!

Ҳар шажар китобин еллар варақлар —  
Яширин сир қолмас бирор япроқда:  
Довуллар қўйнидан урэн дарахтлар  
Менинг юрагимга қараб келмоқда.

Тириклик ҳамиша талошли бўлур,  
Ҳар кўчат бошида бўлғуси на ҳол? —  
Ҳаёт жабҳасида бардошли бўлур,  
Силтовлар ичида ўсгувчи ниҳол.

Игалари билан игна барғилар,  
Шамолдан ўзига тикибдир ридо:  
Яшил салтанатин сақлашга улар,  
Рақибдан ҳимоя топибдир ҳатто!

Термиз — аجدодларга қадимий ватан,  
Тафти ҳам қалбимдан оташ сўроқлар.  
Лекин ҳаёлимни чулғар дафъатан,  
Силтовга дош бериб ўсган дарахтлар.

Шамоллар боғланиб, тинганда қуюн,  
Боғларни кузатдим: нечоғ бахтиёр!  
Елларда — мозийлар саломи тайин,  
Елларда ёмғирлар хушхабари бор!

Ҳар юрак шажардан топура фараҳлар,  
Ҳар дилни яшиллик яшнатар тағин.  
Лекин силтовларда ўсган дарахтлар,  
Кўнглимга яқиндир, кўнглимга яқин!..

### ҲИКМАТ

Дунё уйинг бўлсин, чаманинг бўлсин,  
Доим эркин ҳаёл маъманинг бўлсин.  
Жаҳонгашта бўлиб дунё кезсанг ҳам,  
Оқибат қайтарга Ватанинг бўлсин!..







# ЁЛФОН ВА ҲАҚИҚАТ

Ҳикоялар

## “БЎЛАДИГАН БОЛА”

Ўзбековуллик Райимберди чўлоқнинг кенжа ўғли Ғозиқул ўқишни битирганидан сўнг шаҳарда қолиб кетди.

Ваҳоланки, Ўзбековулда ота-онанинг охир-оқибат кенжа ўғил билан яшаши расм бўлганди.

Райимберди чолнинг ҳам кўнглида шундай ният бор эди. Шу боис ота катта ўғилларининг ҳар бири алоҳида уй-жой қуриб олишига қўлидан келганча кўмаклашди.

Ғозиқул ўқиб юрган чоғлари олифталарча кийиниб, қишлоқни босган таппи исидан бурнини жийриб бўлса ҳамки, онда-сонда келиб турарди.

Ўйигит салгина мақтанишни хуш кўрарди.

Ўқиши борасида ҳам тенгдошларига ёинки ўзидан кичик ёшдагиларга алланечук мароқланиб, лаззатланиб ҳикоя қилишни бошларди:

— Дарс деганларини тешиб кўйганман! — дерди гапга бийрон талаба одатда дарров жўшиб кетиб. — Домлалар ҳам буни яхши билади. Шунинг учун баҳоларимни автомат кўйиб қўверишади.

Табиийки, ёшлар бор жойда гап айланиб қизларга келиб тақалади-да.

Ғозиқул бу соҳада ҳам суяги йўқлигини пеш қилишни бошларди.

— Тўрттаси билан юраман, — дерди у суҳбатдошларининг бурнига тўрт панжасини уриб юборгудай тақаб. — Ҳаммасининг фигураси даҳшат!

— Биронтасига уйланасизми? — деб сўрарди илоннинг тилидай ингичка бўйинбоғ тақиб олган шаҳарлик талабанинг оғиз кўпиртиришларига маҳлиё бўлиб қолган собиқ синфдошлардан бири гапдон тенгдошини «сен»лашга истиҳола қилиб.

Ана шунда Ғозиқул деганлари лабларини ғалати буриштириб-қийшайтириб, қошларини чимираб, ўзича ақлли ёки маънодор гап қилмоққа уринар ва бир муддатлик сукунатни ўтказгач, алал-оқибат:

— Йўқ, — дерди сохта тантана билан. — Уларнинг бариси «Юрсанг майли, лекин тегмаймиз!» деб айтган.

Албатта, бу қадар чуқур ҳикматли эътирознинг маъзини чақишга қишлоқ ёшларининг салоҳияти етмасди. Шу сабаб навбатдаги савол ўртага ташланарди:

— Нега?

Ғозиқул савол бергувчига «Шуни ҳам билмайсанми?» дегандек мазахомуз қарар ва сира эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда шартта айтардики:

— Бир маза қилиб қолишмоқчи бўлишган-да!

Талаба бу билан нима демоқчи ё бўлмаса ўша «юрадиган» қизлар нимани бир маза қилишмоқчи, буни тушуниш мушкул эди. Лекин ортиқча савол бериш ҳам ўнғайсиз.

Райимберди чолнинг ўзига қўйишса-ку, ўқишини битирган заҳоти ўғлини диконглатиб судраб келарди-я шаҳардан. Лекин қутилмаган бир ҳодиса бўлиб қолди.

Энди ўқишни тамомлаган Ғозиқул лотереяга «Нексия» ютиб олибди!

Ўзиям Ғозиқул деганларини ойнаи жаҳонда бир ойча реклама қилишди-ёв.

Кеч тушаверса бўлди, телевизор атрофига йиғилиб олганлардан биронтаси «Ғозир Ғози чиқади» дер ва шу гап айтилар-айтилмас, экранда пайдо бўлган «Реклама» ёзувининг ортидан камера қаршисида сал ўнғайсизланиб турган Ғозибой кўринарди.

Дарвоқе, омадли ютуқ соҳиби микрофонга қараб:

— Мен, Ғозибой Раҳимбердиев, бозорда иккита лотерея сотиб олгандим... — деб гап бошларди.

Балки шу сабабли бўлса керак, Ўзбековулда одамлар энди бахтли талабани «Ғозибой» деб атай бошлашди.

Хуллас, Ғозибой телевизорда кўринавериш чарчамади, одамлар Райимберди чолни табриклаб чарчамади.

«Нексия» ютган Ғозибойдан эса дарак бўлавермади. Шу сабаб, эл-юртнинг гапидан уялдими, Райимберди чол бир қўчқор сўйиб, овулнинг катта ёшли эркакларининг барини дастурхонга чорлади.

Райимберди чол ўжаргина эди. Шу боис, бир дўқ билан учар қушдай шаҳарга интилаётган катта ўғилларининг попугини пасаптириб қўйди:

— Ота керак бўлса ўзи келади, ака керак бўлса ўзи келади.

Шунда тўнғич ўғил Норбўта озгина эътироз билдиришга уринди:

— Гуппи болангизни дўст-жўралари эритиб юрган ҳар куни.

Райимберди чол бир муддат ўйланиб қолди, сўнг:

— Ҳар куни эрийверишга пул қайда, агар мошинни сотмаса... — деди.

Бу гапни эшитган акаларнинг ичидан қиринди ўтди, аммо ота ҳузурда ортиқча маҳмадоналик қилишдан ўзларини тийдилар.

Ғозибой қирқинчи куни қишлоққа оппоқ «Нексия»да кириб келди.

Қучоқлашиб сўрашишлару қутловлардан кейин ота ҳайрон бўлиб сўради:

— Праванг йўқ эди-ку, болам, машинани қандай ҳайдаб келдинг? Йўлда гап-пап...

Бунга жавобан Ғозибой одатига кўра беписанд қўл силтади:

— Э, ҳозирги замонда пул бўлса самолётни ҳам ҳайдаб кетса бўлади, ота...

Қувониб кетган Райимберди чол боқиб юрган каттагина қўчқорини сўйди, эл-юртни уйга чорлади. Бу

сафар дастурхонга ароқ-вино ҳам қўйилди.

Келганлар бири-бирдан ширин қадах сўзлари айтишди, Райимберди чолни, Ғозибойни қутлашди. Кўпчилик билан тўқиштириб ичавериб, анчагина кайф бўлиб қолган Ғозибой чайқалиб-гандираклаб ҳовли ўртасида турган оппоқ машинаси ёнига борди-да, кутилмаганда капотга бор кучи билан даранглатиб урди ва:

— Бу... — дея бўкирди, — бу машина отамнинг хизматида бўлади. Бир умр...

Меҳмонлар «оҳ-воҳ»лар билан ўз ҳайратларини изҳор этишди, кўнгли бўшаб кетган Райимберди чол кўзларига ёш олди...

Ишқилиб, ҳаммаёқ «сен же, мен же» бўлиб кетди.

Меҳмонлар тун ярида тарқалишди.

Эртаси кунни пешинга қадар кун тафтида пишиллаб ухлаган Ғозибой бир амаллаб кўзларини очдию, офтобадаги илимиқ сувда шоша-пиша юзини ювгач, ҳовлидаги чорпоёда ёнбошлаб ётганча бир умр ўзининг хизматида бўладиган оппоқ «Нексия»га кўзларини қисиб, завқланиб қараб ўтирган отанинг ҳузурига борди.

Одатдаги салом-алик, «Яхши ётиб турдингми?» «Раҳмат»лардан кейин дабдурустдан Ғозибой дангалига кўчди:

— Ота, уч юз мингча пул керак.

Ота сергак тортди.

— Тинчликма, болам?

— Оформленияга, чехолга. Агар яна юз минг бўлса сигнализация ўрнатсаям бўлади.

Райимберди чол ўзича мулоҳаза қилди. «Оформления, чехол керак... Лекин машина қишлоқда бўлса, сигнализация нимага керак?»

Уйда бунча нақд пул йўқ эди.

Ота уч ўглининг ҳар бирдан биттадан қўйни деярли мажбурлаб олди. Айниқса Норбўта қаттиқ қаршилик қилди.

— Тўйга деб биттагина қўй боқаяпман, унияма берсам, ўзим нима қиламан? — деб оёғини тираб туриб олди.

Шунда Райимберди чол уни жеркиб берди:

— Битта қўй шунча азиз бўлдики? Эртага мошин уйда турса юрасан маза қилиб.

Хайрият, бу дастак ўжар ўғилнинг шахтини сал сўндирди. Бундан мамнун бўлган отанинг ўзиям битта қўй қўшди. Сўнг бу қўйларни янги машина ортиб бозорга олиб боришга кўнгли бўлмай, қишлоқда молни кўтара савдо билан оладиган Саид даллолни чақирди. Даллол отанинг мўлжалидан анча паст нархни айтди.

Савдолашиш бошланди.

Ниҳоят, бир тўхтамага келинди.

Барибир пул уч юз мингга етмади. Қолганига чол-кампир пенсиясидан ўлимликка деб йиғиб юрганини қўшишди.

Шойи белбоққа тугилган пулни эътиборсизлик билан юкхонага ташлаб қўйган Ғозибой раҳмат айтган бўлди ва машинани қишлоқ йўлидан чангитиб ҳайдаб кетди.

Райимберди чол оппоқ «Нексия» ортидан узққ қараб қолди. Гўёки машинани сўнгги бор кўриб турганини кўнгли сезгандай...

\* \* \*

Вақтнинг бу қадар ошиқиб чопқиллашини!

Овулда бирдан Ғозибойга айланган кенжатоё ҳов ўша машинани расмийлаштиришу ўриндиқларга гилоф ўрнатиш учун уйдагилар не машаққатлар ила топиб берган уч юз минг сўмни олиб кетганидан кейин нақ олти ой қорасини кўрсатмади.

Ота, акалар бир ой кутишди, икки ой. Охири хавотирлана ҳам бошлашди. Аммо Ғозибойи тушмагур овулдан шаҳарга бориб ўқиётган талабалардан салом айтиб юборишни қанда қилмасди.

Ўша талабаларнинг айтишича, Ғозибой «Ишларим беш!» деган эмиш. Яхшигина ишга кирибди, овулдагиларнинг тушига ҳам кирмаган маош олаётган эмиш. Яқинда эса чет эл сафарига ҳам боришни мўлжаллаб турган экан...

Бу хабарларни эшитиб отанинг сал кўнгли жойига тушгандай бўлади.

Аммо тўнғич Норбўта ҳеч бу гаплардан қаноат ҳосил қилмайди. Кунда бўлмаса ҳам, кун ора келиб гап орасида кенжатоёнинг вафосизлик қилаётганини қистириб ўтиб кетади.

— Шаҳар кўрган эчкидан кўрқиб керак, — дерди одатда Норбўта гап оҳангига озгина ваҳима аралаштирган ҳолда. — Бунингиз соддагина бола-биронтаси бошини айлантириб, «Нексия»ни маза қилиб миниб юргандир. Биз бўлсак бу ерда, чанг ичида битта эшак аравага зор бўлиб... Неча марта тўй-маъракага боришга ҳам бировга сарғайдик...

Отанинг ҳам кўнглида бир нияти бор эди. Ғозикўл келсаю, чол-кампирни оппоқ «Нексия»га миндириб олиб, бир Бухорои шарифга зиёратга олиб бориб келса. Ахир, Бухоро — азиз-авлиёлар ўтган жой. Ана, қишлоқ муллеси Ашур қўса ҳам бир жаноза маҳали гурунг орасида айтиб ўтиб кетди-ку: «Бухорони зиёрат қилиш ярим ҳажга баробар», деб. Шундай экан, ўзининг машинанда, юмшоққина ўриндиқларга ястаниб олиб, беминнатгина боришга нима етсин.

Чол айнан шу сабабли овулдаги тенгдошлари ўртага пул ташлаб, Бухорога бориб келиш учун эскигина «Паз» автобусини қира қилишганида қўшилмай туриб олди. Тенгдошлар ҳадеб зўрлайверишганида эса соғлиғини баҳона қилди. Ҳолбуки, етмиш бешга кириб Райимберди чол сал оқсаб юришини айтмаса (бу ҳам болаликдан қолган, бугдой ўрар маҳали ўзининг жўраси Сайдазим сариқ адашиб ўроқни унинг болдирига санчиб олган) бирон марта соғлиғидан шикоят қилмаган, дўхтирларга чопмаган.

Сайдазим жўраси сариқлигидан ташқари, қувгина ҳам эди. Шу сабабли у Райимберди чолни аяб ўтирмади, гап билан узиб олди:

— Олисадаги «Нексия»дан, жўра, яқиндаги «Пазик» яхши. Тушунганский?

Райимберди чол бамисоли гуноҳ иш устида қўлга тушгандай қизариб кетди, сўнг бир амаллаб ўзини қўлга оларкан, сир бой бермасликка уринган қўйи ҳазин оҳанда гапиришга уринди:

— Гап соғлиқда, жўра. Соғлиғим тўғри келганда-ку, Бухорога пиёда боришгаям тайёр эдим-а...

Сайдазим сариқ жўрасига истеҳзо билан қараб турди-турди-да, сўнг яна нишини санчди:

— Бу кетишда ҳали пиёдаям боролмай қоласан-ов...

Ҳар не бўлганда ҳам ўттизгача чол эски, шалақ, бунинг устига қўланса иси салонга уриб турадиган автобусда Бухоро шаҳрига, муқаддас жойларни зиёрат қилишга бориб келишди. Ана шундан кейин Сайдазим сариқ нақ бир ҳафта овулда ҳеч кимга гап бермади. Айниқса Райимберди чолнинг олдида кўрганларига қўшиб-чатиб роса мақтанди.

Райимберди чол бу гапларни қулоғини динг қилиб эшитди, оғзидан суви келиб эшитди. Қариянинг Бухорога жуда-жуда боргиси келди. Аммо ўйлай-ўйлай, охири ўғлини кутишга қарор қилди. Ахир, лафз ҳалол. Ўғли ўшанда, отаси ўғли машина ютиб олгани боис эл-қуртга дастурхон ёзиб, борини тўкиб солганида ҳаммининг кўз олдида капотни муштлаб «Бу машина отамнинг хизматида бўлади. Бир умр...» деганди ахир. Ўша ҳузурбахш дақиқаларни эсласа қариянинг кўнгли юмшайди, томоғига муштдай бир нима келиб тикилади, етмиш икки томирига илиқ бир нима югургандай бўлади.



«Кўлик ёшларга ярашади, — дея ўйларди отахон бундай пайтлари. — Майли, болалар миниб юраверсин. Чол-кампирни бир Бухорога олиб бориб келса бўлди-да...»

Райимберди чол дўст-тенгдошлари олдида соғлиғидан шикоят қилиб, хатоликка йўл қўйган эканми, ишқилиб, кейинги кунларда чиндан ҳам оёқ бўғимларида оғриқ пайдо бўлди, боши ҳам сал ҳаракат қилса айланадиган бўлиб қолди. Бунинг устига ўқтин-ўқтин пешонасида санчиқ туради.

Қария буни чарчаганликка ёхуд шамоллашга йўйди. Шу сабаб баданига эринмай қўй ёғидан суртиб чиқди, оёқ бўғимларига шўр пахта босди, кунда-кунора уйда исиряқ тутаткизиб турди.

Мана шундай кунларнинг бирида Ғозибой уйга салгина уринганлиги сезилиб турган кул ранг «Матиз»да кириб келди.

Райимберди чол индамади, аммо кўзларининг пахтаси чиқиб кетган Норбўта дам сайин отасининг ёнига келар ва вишиллаб:

— Ана, айтмабдим! — деб кетарди.

Тўнғичига қараб ўқрайиб-ўқрайиб қараб қўяётган чол ниҳоят бир пиёла чойдан кейингина тил учида турган саволни берди:

— Болам, мошининг ўзгариб қолибдима?

Ғозибой пинак бузмай, шу заҳоти жавоб қайтарди:

— «Нексия»ни арендага бердим. Ўзим ҳозирча «Матиз»ни эрмак қилиб юрибман.

— Права олдингма?

Ўғил яна бепарво қўл силтади:

— Пулингиз бўлса, ота, ҳозирги замонда самолёт ҳайдасангиз ҳам бўлади. Гаиларнинг ҳам отаси пул-да, ота...

Гапга ҳеч сабри чидамай, жойида ирғишлагудай бўлаётган Норбўта аралашди:

— Арендага берсанг шу ердаям шопирлар бор эди.

Бу саволга ҳам олдиндан жавоб тайёрлаб келган эканми, Ғозибой акаси гапини тугатмасдан оғзидан олиб ёқасига ёпиштирди:

— «Нексия» шаҳарнинг машинаси, ака. Бу ернинг шопирлари, бу йўлларда уни уч кунда расво қилишади.

Дарҳақиқат, овулга олиб келувчи ягона йўл йил бўйи ўнқир-чўнқир бўлиб ётар эди.

Норбўта нимадир деб эътироз билдирмоққа оғиз жуфтлади, аммо тўнғичидан олдин ота тилга кирди:

— Болам, биз чол-кампирни бир Бухорога олиб бориб келсанг. Азиз жойларни зиёрат қилиб келсак...

— Қачон?

Ота шошиб қолди, сўнг ўйланиб туриб жавоб қайтарди:

— Иложи бўлса, жума кунлари...

— Бўлди, гап йўқ, — деди Ғозибой ишонч билан. —

Жума бўлса жума-да. Келаману, олиб кетаман. Сизлар тайёр бўлиб турсаларингиз... Фақат... — шу ерга келганда ўғил ўйланиб қолди: — шу «Матиз» сал жёсткийроқ-да. Мен сизларни «Нексия»да олиб бориб келаман. «Нексия» юмшoқ бўлади, қийналмайсизлар...

Яна кўнгли бўшашиб, кўзларига ёш қалққан ота белидаги белбоғининг учини мишжаларига босди:

— Умрингдан барака топ, болам...

— Бўлмаса сизларга ўзим хабар қиламан, — деди Ғозибой ишбилармонларга хос кўтаринки оҳангда. — Сизлар тайёр бўлиб турсизлар...

Оқшом, ётиш олдида Ғозибой отасига яқин келиб, шивирлади:

— Ота, бирон икки юз мингча пул керак бўлиб қолди.

— Тинчликма? — хавотирланиб сўради Райимберди чол.

— Тинчлик, ота, тинчлик. Айтдим-ку, яхши жойга ишга кирдим деб. Бир-икки сўм ташласам, чет элга бориб ишлаб келишим тезлашади.

Отага бу таклиф унчалик ёқинқирамади, аммо гаши келганини сездирмасликка уриниб, аста сўради:

— Чет элга бориш шартма? Ишинг яхши бўлса... Бўлмаса шу ерга қайтиб келсанг ҳам бўларди. Райондан бир иш топилар...

Ғозибой кескин бош чайқади:

— Бу ернинг иши менга тўғри келмайди, ота. Ундан кейин, шаҳарда бир йилда топганимни чет элда бир ойда топаман, ота.

— Ўзи қанчага бормоқчисан?

— Уч ой, кўпи билан тўрт ойга...

Чол иккиланиб қолди.

— Бу ёқда энанг қариб қолди...

— Уч ойда қайтаман дедим-ку... Ишлаган пулимга икки хоналими уй олсам, сизлар ҳам бориб маза қилиб яшайверасизлар...

Райимберди чол узоқ мулоҳаза қилди. Охири ўқиган-билган ўғли бежиз бундай қарорга келмаган, деган ўйга борди-да, ўғилларини маслаҳатга чақирди.

Ғозибой ҳовлида, чорпояда пишиллаб ухлаб ётган маҳали ичкарида қизғин баҳс кетмоқда эди.

— Бир сўм ҳам бермайман! — деди Норбўта пишқириб. — Бунингиз «Нексия»да, «Матиз»ларда ялло қилиб юрсин-да, биз бу ерда эшак аравагаям зор бўлиб... Бермайман. Пулнинг ўзи йўқ. Бўлгандаям бермасдим!

Қолган икки ўғил отанинг оғзига қарашди.

Ниҳоят, Райимберди чол тўнғичини жеркиб берди:

— Уканг чет элда ишлаб, пул топиб келса ёмонма?

Шаҳардан уй олса ёмонма? Бизнинг уйдан ҳам ўқимишли одам чиқсин-да. Болаларинг катта бўлаётти, эртан-бир кун ўқийман деб қолса, укангнинг уйига бемалол бораверсан...

— Эшигини тепиб очиб кирасиз, — дея ота фикрини давом эттирди укалардан бири.

Норбўта иккиланиб бош чайқади.

— Ҳай билмадим-ов... Авваллари бозор кўрган эчкидан кўрқ, дейишарди. Эндилари шаҳар кўрган эчкидан кўрқ, деган гап бор... Ўқимишли бўламан деса шу ердаям бўлаверарди. Шунинг учун шаҳарда яшаш шартма?..

— Хулласи, — дея машваратга якун ясади Райимберди чол, — учаланг биттадан қўй берсан.

— Қўй! Қанақа қўй! — фигони фалакка чиқди Норбўтанинг. — Уйимда битта эчкиям йўқлигини ўзингиз яхши биласиз-ку.

— Бўлмаса битта қўйнинг пулини берсан, — деб туриб олди ота.

Ота амри вожиб.

Ўғиллар айтилган миқдорни топиб келишди.

Ёлмаганига ота ўзи билан кампири пенсиясидан ўлимликка деб йиғиб юрган охириги пулларни қўшди.

Эрталаб, шойи белбоққа тугилган пулни Ғозибойга тутқазаркан, ота илинж ила эслатди:

— Чол-кампири бир Бухорони зиёрат қилиб келсак...

Кенжатоё отасига ажабланиб, кўзларини катта-катта очиб қаради:

— Айтдим-ку «Нексия»да олиб бориб келаман деб. Ўзим хабар қиламан, тайёр бўлиб турсаларингиз...

— Иложи бўлса, жума кунини... — деди юраги ҳаприқиб кетган ота.

— Бўлди, гап йўқ. Ўзим бирон студентдан айтиб юбораман...

Ғозибой худди ўтган галгидай пул тўла белбоғни юкхонага эътиборсиз тарзда ташлаб қўйди-да, моторни ўт олдириди.

Негадир қазаби қайнаб кетаётган Норбўта аста укасининг ёнига бориб, тишлари орасидан шивирлади:

— Бизди ҳеч бўлмаса районга обориб ке, ука. Бир бозор қилиб қайтайлик...

Ғозибой шошиб билагидаги соатига қаради. Сўнг афсусланиб бош чайқади:

— Жон деб борардим-у, ака, соат учда муҳим

йигилиш бор-да. Етиб бормасам бўлмайди. Келаси сафар «Нексия»да обориб келаман.

— «Нексия»нг арендада эмасми? — ижиклаб сўради дарғазаб ака.

Ғозибой пинак бузмади:

— Хоҳлаган пайтимда олиб тураман, деб шарт қўйганман. Ўша кунлар учун пул тўламайди-да.

Норбўта бир жойи оғриб кетгандай афтини бужмайтирди:

— Кўзига қараб ҳайдасин... Бировники деб дуч келган ерга кетавермасин...

— Буни ўзим контрол қилиб турибман, ака...

Шу билан хайрлашишди.

«Матиз» қишлоқнинг сертупроқ йўлида чанг булутини осмонга кўтарганча елиб кетди.

\* \* \*

Кутиш азобини бошидан ўтказган одам яхши билади.

Райимберди чол бир жума кугди, икки жума, уч жума...

Ҳар жума эрталаб ота киши билмас кийиниб олади.

Мабодо Ғозибой «Нексия»да келиб қолса, шошиб қолишдан чўчиди-да. Бунинг устига, машинани куддириб қўйишдан истиҳола қилади. Кампирига нима? Устига битта янги қўйлагини ташлайди, оёғига калишини илади бўлди-да, шу билан тайёр. Райимберди чол эса... Оппоқ яқтак-иштон, ҳаттоки майка ҳам ювилган, тоза, ҳар пайшанба кечқурун Норбўтанинг хотини дазмоллаб берадиган камзул-шим... Камзулнинг кўкрак чўнтагидан соатнинг занжири чиқиб туради. Чўнтакда дазмолланган рўмолча. Масси-калиш ялтирайди. Баъзан ҳаттот оқсоқол мўйловини ҳам ялтиратиб, мойлаб олади. Ахир, ҳазил гапми чол-кампири Бухоройи шарифга боришади, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ошёнига... Бундай зиёратга етганлар бор, етмаганлар бор... Бухоро зиёрати ярим ҳаж савобини адо этмоқ билан баробар...

Райимберди оқсоқол жума кунлари пешинга қадар таҳоратини янгилайвериб, қишлоқ чеккасига кўз тикавериб чарчайди. Тушга бориб чолнинг кайфияти тушади. Овқат ҳам емайди. Бир пиёла кўк чойни наридан-бери ичган бўлади-да, аста уйга кириб кетади ва киши билмас кийимларини алмаштиришга тушади.

Аммо буни кўпчилик билади...

Ҳатто бошида Норбўта отасига заҳарханда аралаш:

— Келмайди, унингиз келмайди, — деб айтишдан ўзини тийиб туролмасди.

Йўқ, бора-бора ўғил отасининг азобланаётганлигини сездии чоғи, ортиқча гап-сўздан ўзини тиядиган бўлди. Бунинг ўрнига жума кунлари саҳардан отасини эргаштириб қишлоқ чеккасидаги мачитга қатнайди диган бўлди.

— Отамнинг ҳарна чалғигани яхши, — деди Норбўта хотини бирдан ўзининг тақводор одамга айланиб қолганлигидан ҳайратлана бошлаганини кўрганида.— Бўлмаса ўзини ўзи еб қўяди...

Кунлар, шу жумладан жумалар ҳам ўтиб борарди...

Охири Норбўта бир машина топиб, отасини Бухорога олиб бориб келмоққа жаҳд қилди. Аммо Райимберди чол кўнмади. Сабаб ҳам асослигина бўлди: «Ғози эшитса отам мени кутмабди-да деб хафа бўлади...»

\* \* \*

Одамлар бор: емайди, ичмайди, ишламайди, аммо қўшнисининг уйида нима бўлаётганлигини миридан-сирисига қадар аниқ-тиниқ билмаса кечаси ухлай олмай чиқади.

Шундай қишлоқдошлардан баъзилари шаҳарни эринмай изғиб, Ғозибойни топиб олишибди.

Чет элдаги хизмат юзасидан берилган саволларга йигити тушмагур киприк қоқмай жавоб бериб ташлабди:

— Сал кечикиб турибди. Лекин ишларим беш! Яқинда икки хонали уй олдим!

«Икки хонали уй» хабари Ғозибойнинг қишлоқда тўкилай деб турган обрўсини бирмунча кўтариб қўйди. Буни эшитган Райимберди чол ҳам енгил тин олди: «Ҳар қалай, шаҳарда бежиз юрмаган экан-ку...»

Аммо кейинги хабарлар кўнгилини қувнатадиган даражада эмасди.

Шаҳардаги бозорда келиб-келиб Сайдазим сариқ учратиб қолибди Ғозибойни. Сал чапанилиги бор эмасми, чол бирдан тутақиб бақира бошлабди:

— Ҳей бола, йўлингга саргайиб қарайвериб отангнинг кўзлари тешилиб кетди-ку! Бир такси билан бўлсаям обориб кел чол-кампирини Бухорога!

Бунга жавобан Ғозибой ажабланиб:

— Такси нимага керак, «Нексия»м бор-ку, — дебди.

Энди ажабланиш навбати Сайдазим сариққа келибди: — Машинанг бўлса обор-да, нега аччиқ ичкадай чўзиб юрибсан?

— Обораман! — дебди Ғозибой сира шубҳага ўрин қолдирмайдиган оҳангда. — Бу ҳафта вақтим йўқ, аммо кейинги ҳафта албатта обориб келаман...

Гўё ишни ўзи битиргандай хурсанд бўлиб, терисига сизмай кетган Сайдазим чол қишлоққа келасола Райимберди жўрасидан суюнчи олгани чопади.

Райимберди чол икки ҳафтача ҳаяжонланиб, ўзидан ўзи мийиғида илжайиб, кўзлари чақнаб, кўчаларда қалдини кериб юрди. Шу ўн тўрт кун мобайнида оқсоқол бирон марта соғлиғидан шикоят қилмади.

Аммо ваъда қилинган жумадан келмади Ғозибой... Табиийки, ҳаммамиз ҳам тирик инсонмиз, иш-пишимиз чиқиб қолиши мумкин.

Аммо кейинги жума ҳам қорасини кўрсатмади Ғозибой... Ҳаттоки ундан кейингисидан ҳам...

Райимберди чол бирдан чўкиб қолди.

Бамисоли ичидан бир нима «чўрт» этиб узилиб кетгандай бирдан қадди букилди. Кўзларидаги ўт сўнди.

\* \* \*

Илк бор ваъда қилинганидан кейин орадан роппароса ўтгиз тўққиз жума ўтгандан сўнг (Райимберди чол эринмай санаб юрганди) келди Ғозибой.

Бу сафар у эскироқ, ранги тўқ кўк «Жигули»да эди.

Ота ҳайдовчилик гувоҳномаи хусусида сўраб ўтирмади.

Норбўта тергов қилишни бошлаб юборди, аммо бирон саволига жўяли жавоб ололмади.

Ғозибой нукул «иши беш»лигини пеш қиларди. Бунга сайин тўнғич аканинг жиғибийрони чиқарди.

— «Нексия» қани? — дерди у фиғони фалакка чиқиб.

— Агар мошин арендада бўлса, пули қани? Нега пачақ бир «Жигули»да юрибсан? Шунча пайтдан бери нега шопирликка ўқиб олмадинг?.. — ва ҳоказо.

Ахийри хотини орқали саволларини такрорлаган Норбўта «шаҳарлик эчки» Ғозибойнинг яқинда катта бир одамнинг (йигит нечукдир «ко-отта» дебди) эркатой қизига уйланаётганини, аммо вақтинчалик ўша ерда яшаб туришини маълум қилди.

— Ичкуёвми? — қотиб қолди Норбўта. — Эси жойидами бунинг? Отаси, онаси, учта акаси бари бирдай тирик туриб бу ичкуёв бўладима?

Ушбу серғазаб саволга «Бу вақтинчалик. Тез орада ишларим «беш» бўлиб кетади, ана ундан кейин алоҳида яшайверамиз» деган дудмалроқ жавоб бўлди.

Жаҳд устида ака асосий саволни бермаганлигини Ғозибой одатдагидек қанақадир муҳим ишлар учун икки юз минг сум олиб кетгандан кейингина англади. Аммо энди кеч эди. Шундай қилиб, «Тўй қачон? Қачон совчиликка борилади?» деган саволлар очиқлигича қолди.

Хўш, қанақа муҳим ишлари учун харажат керак экан кенжатоёғи? Тўғриси, буни Райимберди чол унчалик тушунмади. Лекин ўғлининг жон куйдириб бир



нималарни тушунтиришларига жимгина қулоқ солиб, ҳаттоки бош ирғаб, маъқуллаб ўтирди. Афтидан, Ғозибой қайдадир дўкон очмоқчими-ей, қурилиш фирмаси ташкил қилмоқчими-ей. Ишқилиб, тез орада ишлари «беш» бўлиб кетар экан, ана шунда ҳаммасини қўшиб, ортиғи билан қайтараркан.

Райимберди чол индамай ўрнидан турди, кичкина хонага ўтиб, ўлимликка дея сўнги ойлар ичида йиғилган эллик беш минг сўмни олиб келиб хонтахта устига қўйди.

Қолган юз эллик минг сўмча пулни уч ака бир амаллаб топиб келди. Қаердан излашди, кимларнинг остонасига бош уриб боришди, не сармоядорларнинг юзига қараб сарғайиб ўтиришди — номаълум, аммо отанинг бир амри ила уларнинг ҳар бири бир кечада эллик минг сўмдан пул олиб келиб беришгани рост.

Бу гал акалар кенжатоини кузатгани чиқишмади. Улар айниқса оғзи ёмон Норбўтанинг бирон нима деб юборишидан чўчишганди.

Доимий одатига қанда қилмаган ҳолда шойи белбоғга ўралган икки юз минг сўмни юкхонага беписанд ташлаб қўйган Ғозибой тўсатдан бир нима эсига тушгандай отаси томон ўтирилди ва шоша-пиша:

— Ота, — деди, — бу ҳафта вақтим йўқ. Лекин кейинги жумаларга тайёр бўлиб турсаларингиз, энам иккалангизни Бухорога, зиёратга олиб бориб келаман. Бу, — шундай дея ўғил мотори ишлаб турган «Жигули»га ишора қилди, — жуда жёсткий. Бўлмаса жон деб шунда обориб келардим. Шунинг учун яхшиси «Нексия»ни бир-икки кунга олай-да...

— Майли, болам, майли, — деди Райимберди чол негадир ўғлига қарамасликка тиришиб. — Ўзинг қараб кўр, имкониятинг бўлса, ишингдан гап тегмаса...

Бу гапга жавобан ўғил яйраб кулди:

— Э, қизиқсиз-а, ота, иш тугармиди...

— Агар иложи бўлса... — ота соқолини тутамлаб ўйланиб қолди. Сўнг дон-дона қилиб, аммо шундайм ўғлига эмас, номаълум нуқтага тикилган қўйи гапирди: — агар иложи бўлса, шу ерга қайтиб келсанг яхши бўларди. Энанг иккаламизнинг беш кунлигимиз борма-йўқма... Тўйингни кўрсак... Ўзинг тепкилаб кўмардинг... Майли, нима бўлса ўтди...

Ўғил отанинг гап оҳангидаги аллақандай синиқликка эътибор берадиган аҳволда эмасди. Шу сабабли шоша-пиша гапни бўлди ва кўзлари чақнаб, кўтаринки руҳда деди:

— Э, ота, ҳали ҳаммаси зўр бўлиб кетади. Шу ишларни битириб олай, кейин бир катта ҳовли оламан. Ўша ерда ҳаммамиз маза қилиб яшаймиз. Мана кўрсиз... Ўлимни эса ўйламанглар. Ҳали невараларингизнинг тўйини ўтказиб берасиз, деб юрибмизу...

Ҳар қалай, Ғозибой — Норбўта таъбири билан айтганда — шаҳар кўрган эчкилардан эди. Шу боис гапга уста эди.

Лекин бу сафар Райимберди ўзига хўрозқанд ваъда қилинган ёш боладай шодланиб жилмаймади, аксинча, индамай турди-турди-да, охири чуқур бир хўрсиниб олгач, қўлларини фотиҳага очди:

— Йўлинг ойдин бўлсин, болам... Эсон-омон ватанингга етиб ол...

\*\*\*

Эсон-омон шаҳарга етиб олган Ғозибой шу билан ўн олти ҳафта сувга тушган тошдай изсиз ғойиб бўлиб кетди.

Энди Райимберди чол жума кунлари эрталабдан ҳайитликка олиб бориладиган болакайдай энтикиб-шодланиб кийиниб олмайди. Қария энди жума кунларни бошқа кунлардан фарқламай қўйган.

Аммо фарзанд барибир фарзанд-да. Ота ҳам шу муддатдан кейин шаҳарда ўқиётган талабалардан сўраттирди, уларнинг уйига невараларини юборди,

керак бўлса Норбўтаю қолган икки ўғлига ҳам зугум қилди, хуллас, Ғозибой ҳақида бирон янгилик эшитишга астойдил уринди.

Ниҳоят, кўплашиб қилинган саъй-ҳаракатлар оқибати ўлароқ, дастлабки маълумотлар кела бошлади.

Таассуфки, бу хабарларда кишини шодмон этувчи унсурлар камроқ эди. Билгакс...

Чунончи, узунқулоқ гапларга қараганда Ғозибой ўша икки хонали уйда бир аёл билан бирга яшаётганмиш... «Жигули»ни ҳам ташлаб, ишга пойи-пиёда қатнаётганмиш... Гарчанд учраб қолган танишига «ишим беш» деб оғзини тўлдириб мақтанган бўлса-да, ранги рўйидан, айниқса, уст-бошидан бу чиранишга арзигулик аломат топиш мушкул эмиш...

Бу гапларни эшитиб ота хавотирга тушди. Илк бор қон босими кўтарилиб кетиб, шифохонага борди, бирон ўн беш-йигирма кун аччиқ дорилардан ичиб юрди, юмшоқ жойига ўн-ўн бешта укол олди.

Ахийри ота чидай олмади. Невараларини зингиллатиб, далада кетмон чопиб юрган Норбўтани топтириб келди.

Тўнғич ўғил ҳаллослаб ҳовлига кириб келган заҳоти ота аччиқ устида унга қараб ўшқирди:

— Бир онанинг қорнидан талашиб тушган инингта жонинг ачийдима сен боланинг?

Норбўта гапнинг бу қадар ғазабли буромадидан баттар довираб, отасига ҳайрон термулиб қолди.

Райимберди чол кеча олган пенсиясини чорпоя чеккасига қўйди-да, ўша ғазабкор оҳангда фармон берди:

— Бор, изла, топ! Аҳволига қара! Тоza қийналган бўлса кўчирасола кел шу ерга! Очдан ўлмайди!

Гап ким ҳақида кетаётганлигини англаган Норбўта итоаткорона бош эгди-да:

— Хўп, ота, бораман, деди. Излайман, топаман. Лекин энди у эчкингиз қишлоққа қайтмас-ов. Шаҳар кўрди-да...

Ота бетоқат қўл силтади.

— Қайтмасаям омон юрса бўлди. Қийналиб қолган бўлса ёрдам бер. Укаларингга айт. Уч-тўрт сўм обор.

Норбўта афтини буришгирди:

— Бу ебтўймасингизга қанча кераклигини жуда яхши биламиз... Нима, бизнинг пул ишлаб чиқарадиган станогимиз борма? Ё «Нексия»мизни арендага бериб қўйибмизма?..

Шунга қарамай, шаҳарга қадар бир амаллаб яна икки юз минг сўм пул топилди.

Тонгда Норбўта «Қайдасан, Ғозикул!» дея йўлга тушди.

\*\*\*

Норбўта эртаси кун кечқурун бола-чақасига, укаларининг болаларига, ота-онасига икки сумка ширинлик, майда-чуйда совға кўтариб келиб қолди.

Одатга кўра, тўнғич ўғил аввало отасининг ёнига бориб, салом берди.

Қол-аҳвол сўрашувдан кейин ота Норбўтага тик қараб тураверди. Бу унсиз нигоҳдаги саволни илган тўнғич ўғил бидирлаб кетди:

— Э, шароити зўр экан! Исиқ сув, совуқ сув, газ. Ток ўчмайди. Зўр. Келин билан Ғозикул бир-бирини сизлаб гапиради... — Ахийри отасининг кўзлари ғазабдан чақнаб кетганини кўрган Норбўта шоша-пиша изоҳ берди: — Энди, уйланмаса бўлмайдиган бўлиб қолган экан-да... Лекин келин бунни сизлайди, бу уни... Зўр...

Ажабки, ўғил иложи борица кўпроқ ва тезроқ, имкон қадар қувноқ оҳангда гапиришга уринарди-ю, лекин бунни ўзи истаганчалик эпполмас, устига-устак нуқул кўзларини отасининг нигоҳидан олиб қочарди...

— Боравер... — деди охири ота қўл силтаб.

Энгил нафас олган Норбўта онасининг ҳузурига ошиқди.

\* \* \*

Орадан икки ҳафтадан кўпроқ вақт ўтди.

Бир куни Райимберди чол неварасини юбориб, Норбўтадан Ғозиқулнинг адресини сўраттирибди. «Хат ёзиб юбораман», деган эмиш.

Норбўта бир қоғозга манзилни ёзиб берди.

Эртаси куни Райимберди чол ҳов бир пайтлардагидай, эрталабдан кўчалик кийимларини кийди. Кейин почтахонага бориб ўзининг ва кампирининг пенсиясини олди.

Шундан кейин Райимберди чолни бекатда қўрганлар ўзларича қарияни туман марказидаги катта мачитга бораётгани шекилли, деб ўйлашди. Ахир кун жума эди-да...

Аммо қария йўлни шаҳар томон солди.

Райимберди чол автобусдан тушган заҳоти олдига югуриб келиб, эски танишлардек қуюқ салом берган таксичига ҳайрон бўлиб тикилиб турди-да, сўнг манзил ёзилган қоғозни кўрсатди.

Манзилни ўқиган ҳайдовчи ўйлашиб қолди. Кейин:

— Гадоё топмас жой-ку, ота, — деди. — Шаҳарнинг нариги чеккаси. Майли, олти минг беринг, обориб қўяман.

Райимберди чол кулимсиради:

— Қишлоқдан шу ергача олти минг сарфламадим...

— Энди бу ер шаҳар, отахон, — бўш келмади таксичи йигит тилла тишларини намойиш этиб куларкан. — Майли, сизнинг ҳурматингизга тўрт ярим мингга обориб қўяман. Хурматингиз бор, отахон...

Райимберди чол маъқуллаб бош ирғади.

Ғозиқулнинг уйи ҳайдовчи айтганчалик жуда олисда эмас экан. Кўпи билан йигирма дақиқада етиб келишди.

Оқсоқол шошилмасдан беш қаватли уйнинг бешинчи қаватига кўтарилди.

Эшикни, дарҳақиқат, қорни қаппайган бир жувон очди.

Ота салом берди. Сўнг, жувоннинг ўзига чақчайиб қараб турганини кўргач:

— Мен Ғозиқулнинг отасиман, — деди хижолатомуз жилмайиб.

Жувон шоша-пиша салом берди ва ўрдадек лапанлаган кўйи ичкарига кириб кетаркан, йўл-йўлакай:

— Ғозибой ака! Қишлоқдан, — дея овоз берди.

Ичкаридан майкачан, калта иштон кийган Ғозиқул югуриб чиқди.

Ота-бола қучоқлашиб кўришишди.

Одмигина, деворга ёпиштирилган гул қоғозлари кўчиб тушган хона. Бурчакда икки кишилик диван. Ўртада мўъжазгина хонтахта. Шу хонтахтага бояги жувон ҳарсиллаб-пишиллаб келиб дастурхон тузаган бўлди. Буни кўриб Райимберди чол хижолат чекди.

Дастурхонга ота олиб келган майиз, конфет, печенье, ҳаттоки қишлоқ ноиларидан ҳам кўйилганига қараганда...

Бу орада ҳол-аҳвол сўрашишлар тугади.

— Ўзингнинг ишинг қандай, болам? — деб сўради ота аста.

Бу сўроқда нечукдир изтироб ва айни пайтда ҳадик ҳам бордай эди. Аммо отасини остонада кўрган заҳоти кўрқиб кетган Ғозибой буни илғамади ва одатига кўра кекирдагига зўр берди:

— Ишлар «беш», ота! Насиб қилса бир-иккита ишлар битай деб турибди. Қўлимга катта пул тушадиган. Ана ўшандан кейин маза қилиб яшаймиз. Катта бир ҳовлини мўлжаллаб юрибман, ўшани сотиб олсам, энам билан сизни ҳам кўчириб келаман. Ҳаммамиз тугал бўлиб...

Ота индамай дастурхонга қараб ўтираверди. Фақат зеҳн солиб қараган одамгина қариянинг ранги янада қорайиб кетганини, кўзларига алам ёши инганини пайқаб оларди. Лекин Ғозибой баъзан ҳатто ўзи ҳам мутаассибларча ишониб қоладиган ҳавойи режаларини баён қилиб бериш билан овора эди.

Эҳтимол, ҳаммаси одатга кўра шу билан тугаши ҳам мумкин эди. Яъни, ўғил оғиз кўпиртириб мақтанади, ота эзилиб, изтироб чекиб уйга қайтади...

Аммо қутилмаганда...

Қутилмаганда орага бояги, хона билан ошхона ўртасида ўрдадек лапанглаб юрган жувон аралашиб қолса бўладими!

Буни ҳеч ким, айниқса ота кутмаганди!

— Вой, вой, вой, — деди жувон масҳараомуз оҳангда. — Қанақа ҳовли, бизам билсак бўладлими? Мош сизмаган орқангизга ловияни тиқиб нима қиласиз?

— Ўчир... инг! — деди кўзлари ола-кула бўлиб кетган, ранги қув ўчган Ғозиқул тишлари орасидан.

— Энди ўчирмайман! — деди жувон шартта. — Сизнинг ёлгон гапларингизга учиб, шунча писиб юрганам етар!

Мутлақо туйқусдан Райимберди чолнинг кўнглидан «Булар ростданам бир-бирини «сиз»ларкан», деган фикр ўтди. Сўнг эса бирдан сергак тортди.

— Бўлди! — дерди бобишлаб жувон. — Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! Отам қирқ йиллик раис, йиққанининг ўзи ётиб есақ қирқ йилга етади, дегандингиз! Акамнинг иккита машинаси бор, дегандингиз, келди, кўрдик акангизни ҳам! Оғзидан сиз сотиб юборган «Нексия» тушмайди. Қишлоқда бир сурув кўйим бор дегандингиз. Мен бўлсам шу ҳолимда, — жувон қаппайиб турган қорнига ишора қилди, — картишқа билан карамдан бошқа нарсани кўрмайман. Эртага болангиз бир нарса бўлиб туғилса, билиб қўйинг, икки қўлим ёқангизда кетади... Олтин тоғлар ваъда қилгандингиз, ўзингизнинг бўлса битта кичкина тўй қилишга қурбингиз етмади... Нима, тўрт болали бўлганимда қиласизми ўзингиз ваъда қилган катта тўйни?.. Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку! Шармандаи шармисор қилдирингиз-ку ота-онамингиз, қариндош-уруғларимнинг олдида! Ҳеч вақойингиз йўқ экан, ҳеч бўлмаса уларнинг олдида тилингизни тийиб юрсангиз бўлмасмиди! Нима қиласиз қоп-қоп ваъдалар бериб. Ваъдани сиз берасиз, мазахга мен қоламан...

Жувон изиллаб йиғлаб юборди.

Адойи тамом бўлган, шолғоми чиқиб кетган Ғозиқул ерга қараб қолди.

Тўсатдан Райимберди чол оҳиста йўталди. Сўнг фавқуллодда хотиржам овозда, жуда ҳам сокин бир тарзда аста-секинлик билан келинини гапта тугди ва ўзини қийнаб келган баъзи саволларига қисман бўлса-да жавоб олди.

Дарҳақиқат, Ғозиқул машина ютиб олганидан кейин уни ювишга, маишатга шу қадар зўр берганки, охир-оқибат бўйнигача қарзга ботиб, машинани сотишга мажбур бўлган. Кейин «Матиз» машинасини ижарага олиб, таксичилик қилиб кун кўрмоқчи бўлган. Аммо ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлиги боис, миршабларга тушавериб бор-будидан ҳам маҳрум бўлган.

Қишлоққа ҳайдаб борган кўк «Жигули» эса, ота гумон қилганидай, бировники, тўғрироғи, келиннинг укасиники экан...

Келиннинг исми Ҳилола экан. У тиббиёт коллежида ўқиб юганида Ғозиқул билан танишиб қолгану, унинг қоп-қоп ваъдаларига учиб...

Келин хўнграб йиғлаб юборди:

— Бир ой бўлди, остона ҳатлаб кўчага чиқолмайман. Қарз сўрайвериш, қўшниларни безор қилиб юборгандик. Энди уларни қайтариш керак. Қайси пулга? Дўхтир бўлса «Тоза ҳавода сайр қил», деб уришади мени. Кўчага чиқсам, қўшниларнинг таъна-маломатидан ҳаво ичимга заҳар бўлиб қуйилади... Уйда юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Эшик «тик» этса қалтираб қоламан. Қайноғам келган куни, — келин Норбўтани назарда тутаятганди, — уйнинг эгаси келиб бир жанжал қилди, бир жанжал қилди. Уч ойлик ижара пулини тўламагандик. Ҳалиям ўғлингизнинг ёнида пули бор экан, борини чиқариб берди...

Райимберди чол ўғлига саволомуз қаради.

Бироқ Ғозиқул бошини ердан кўтармасди.



Унинг ўрнига ҳам ўксиниб ҳиқиллаётган келин жавоб берди:

— Уйми? Уйда ижарага турамиз? Бу кишим қайси пулига олсин уйни? Бу кишиники фақат оғизда...

Ғоziқул сакраб ўрнидан турди ва «тарс-турс» юрганча айвонга чиқиб кетди.

Келин яна изиллаб йиғлашга тушди.

Ота бош эгиб қолди...

\* \* \*

Райимберди ота эрталаб ёнидаги бор пулини келиннинг қўлига тутқазди, ўзига фақат йўлга етадиган пул қолдирди, холос.

Шу куни пешиндан кейин ота қишлоққа кириб келди.

Ваҳимага тушган ўғиллар она бошчилигида уй ёнида туришган экан.

Отанинг қардан келаётганлиги аён эди...

Райимберди чол бир ҳафта-ўн кун пул излади, уч ўлига дўқ урди, пўписа қилди, ҳовлидаги қўй-моллардан соттирди, ишқилиб, бир миллиондан кўпроқ пул йиғди. Яна тўрт юз минг сўмча пул қарзга топилди.

Хуллас, Норбўта бориб, келиннинг қўлига бир ярим миллион сўмни бериб келди.

Ота талабига кўра, Норбўта Ғоziқулни қишлоққа кўчиб келишга роса ундаган. Аммо «шаҳар кўрган эчки» бўлмиш Ғоziқул бўй бермаган. Ҳамишагидай:

— Яқинда ишларим «беш» бўлиб кетади. Ана ўшанда қишлоққа «Мерседес» миниб бораман, — деб туриб олибди.

Келин эса очикдан-очик:

— Қишлоққа бу аҳволда боришга уяламан, — дебди.

\* \* \*

Райимберди ота янада чўқди.

Фарзандлар уни шифохонага олиб боришди.

Ота туман шифохонасида қийналиб жон берди... То сўнгги сонияга қадар отанинг тобора нурсизланиб бораётган кўзларидан ёш аримади...

Ҳар нечук, юборилган одамлар Ғоziқулни топиб келишди.

Ғоziқул акалари қатори бел бойлаб, асо ушлаб «Вой, отам»лаб туришга яради.

Майитни жойлаб келишганидан сўнг Норбўтанинг уйида бир ғунажин сўйилиб, овулнинг оқсоқолларига бир косадан шўрва берилди.

Ҳаёт шафқатсиз. Одамлар ҳам.

Балки бунда бир ҳикмат бордир, ҳар нечук, қабристондан қайтган одамлар марҳум ҳақида эмас, кўпроқ кундалик тирикчилик ташвишлари ҳақида гаплашишарди.

— Э, ишлар билан бўлиб сал кечикиб қолдим-да, — деб қолди бир пайт Ғоziқул сал баландроқ овозда. Кўпчилик у томонга «ялт» этиб қарашди. — Бўлмаса кейинги жума юмшоққина «Мерседес» машинасида келиб, отам билан энамни Бухорога, зиёратга олиб бориб келмоқчийдим. Оғайниларга тайинлаб қўйгандим. Бариси тайёргарлик кўриб, кутиб туришганди...

Нечукдир бу гаплардан сўнг хонага ўлик сукунат чўқди. Оқсоқоллардан кўпчилиги алланимадан хижолат чеккандай бош эгиб, дастурхон попутидан кўз узмай ўтиришарди.

— Шу «Мерс»ни ўзим олмоқчиман, — дея гапида давом этди Ғоziқул. — Яқинда бир катта иш қилдим, қўлимга катта пул тушадиган. «Кўк»идан...

Норбўта аввал томоқ қирди. Сўнг аллақандай жеркиган оҳангда:

— Ука, — деб чақирди.

Ғоziқул сергак тортиб шу томонга қаради.

— Сени сўрашаётганди, — деди Норбўта ташқарига ишора қилиб.

— Шу ердаям топиб олишади-я, — деди илжайиб Ғоziқул ўрнидан тураркан.

Норбўта укаси билан изма-из чиқди.

— У ёқда, — деди у Ғоziқулга дўнг ортини кўрсатиб.

Ғоziқул ҳайрон бўлиб шу тарафга юрди.

Норбўта укасининг ортидан келди. Унинг қўлида бир тугунча бор эди.

— Мана, — деди у тугунчани укасининг қўлига тутиб. —

Бу ерда икки юз минг. Отам охириги кунлари тилдан қолди. Агар гапирганида шундай васият қилиши аниқ эди. Шаҳарга бор. Келиннинг кўзи эсон-омон ёриганидан кейин қишлоққа кўчиб келинлар. Ана жойи, ана уйи. Биз ҳам қараб турмаймиз. Хоҳласанг фермерлигимни ол. Энди шаҳарда уйтиб юриш сенга ярашмайди...

— Ака, сиз тушунмаяпсиз-да, яқинда ишларим «беш» бўлиб кетади...

Аммо Норбўта укасини гапиртиргани қўймади. У қўли билан қишлоқ ўртасидаги бекатга ишора қилди.

— Ҳозир эса бор. Ярим соатлардан сўнг автобус ўтади.

Шаҳарингга жўна. Негадир ҳозир сени кўргим келмаяпти... Ҳозир кетсанг, ҳаммамизга яхши бўлади... Кейинги бозор худойи қиламиз. Келсанг яхши бўлади...

— Келаман, — деди ҳовлиқиб Ғоziқул. — Албатта келаман...

Ғоziқул тугунни бағрига босганча, акасининг фикридан айниб қолишидан чўчигандай бекат томон тез-тез юриб кетди.

Ғоziқул яқшанба куни худойига келолмади. Бир талабадан «Зарур ишим чиқиб қолди. Лекин тез орада «Мерс»да бораман», деб айтиб юборибди...

## “ҲАЁТ ЭНДИ БОШЛанаДИ...”

Жўрамнинг исми Тошкенбой.

Балки пойтахт шарафига қўйилгани сабабидир, бир эшитган одамнинг ёдидан чиқмасди бу исм. Устига-устак, жўрамнинг туғилган куни ҳам эсдан кўтарилмайдиган саналардан эди: 29 февраль. Йили, адашмасам, 1964 эди.

Кўплар бундай от олишининг сабабини сўраб қолишарди, албатта. Жавоб эса жуда жўн эди. Узоқ Нурота тоғларининг орасидаги дўппидеккина қишлоқда туғилган чақалоққа унинг отаси Келдиёр ака яхши ниятлар билан, янада аниқроғи:

— Катта бўлса Тошкентни эгалласин, ка-атта одам бўлиб етишсин, — дея қўйган экан бу исмни.

Бу фикр болалигидан жўрамнинг миясига ўрнашиб қолган шекилли, мактабда ўқиб юрган чоғларимиз, гоҳо-

гоҳо ҳар ким ўзининг болалик орзусини айтиб қолган чоғлари, у ҳеч иккиланмасдан:

— Мактабни битирсам, Тошкентга бораман, — дерди-қўярди.

Биз ҳам бу фикрга чиппа-чин ишонардик.

Зеро, жўрамиз математика фанида ҳаммамиздан пешқадам эди.

Биз ҳатто ҳайрон қолардикки, бу аллақандай формулалару, теорема-аксиомалар орасида Тошкенбой нимани тушунади деб. Аммо у тушунарди. Тушуниш ҳам гапми, барча масала-мисолларни шариллатиб ечиб ташлайверарди.

Шу сабабли бўлса керак, Тошкенбойнинг математика дафтари синфдошлар орасида талаш эди — кўпчилик ундан биринчи бўлиб уй ишини кўчириб олишга шошарди. Бу

фандан ойда бир марта ўтказиладиган назорат ишлари чоғи-ку, Тошкенбой бечоранинг ёнидаги, орқа-олдидаги парталарга ўтиришни истовчилар чунонам кўпайиб кетардики... Она томондан қариндошчилигимиз борлиги боис бунақа пайтлари мен хешлигимизни пеш қилган ҳолда дафтаримни биринчи бўлиб тутиб тураверардим. Тошкенбойга эса кимнинг мисолини ечиб беришнинг сира аҳамияти йўқдай эди: фақат математик амал бажаришга мўлжалланган машинадай, дафтар устига энгашиб олганга ёзаверарди, ёзаверарди.

Айнан математика сабабли Тошкенбойнинг мактабда ҳам обрўйи баланд эди. Чунки у шу фандан ўтказилган олимпиадаларда туманда биринчи ўринни, вилоятда эса иккинчи ўринни олиб қайтганди.

Хуллас, Тошкенбой жўрамизнинг келгусида Тошкентга ўқишга боришию, институтга ўз кучи билан кириб, охир-оқибат пойтахтни эгаллашини биз ҳам исбот талаб қилмайдиган аксиома сифатида қабул қилардик.

Тез орада мактабни ҳам битирдик. Ҳаммаси ўтди: илк муҳаббат ҳам, илк учрашувлар ҳам, қизларга пинҳона мактуб ёзишлар ҳам, кечалари ўпкадан дудлар чиқиб “оҳ”лаб чиқишлар ҳам...

Ҳаёт шу экан-да...

Дарвоқе, Тошкенбой камгап эди. Ўтиришларда ҳам қадаҳ сўзи берганимизда чайналиб, эзилиб ўтирмас, гапни жуда қисқа қилар, нари борса:

— Ҳамма соғ бўлсин, — деб кутуларди.

Шу сабабли Тошкенбойга овқат сузилган маҳаллари қадаҳ сўзи беришни хуш кўрардик таом совиб қолмаслиги учун.

Тошкенбой жўрамизнинг озгина соддалиги бор эди. Ким нима деса ишониб кетаверарди. Ёдимда, синфимиздаги хушрўйгина бир қизнинг номидан мактуб ёзиб, уни учрашувга таклиф қилгандик. Сўнг кеч маҳал кийимларини дазмоллаб, устига арзон атир сегиб ваъдалашилган жойга етиб келган Тошкенбойни ўзимиз кутиб олиб, роса мазах қилиб кулган эдик.

Жўрамиз оилада тўнғич фарзанд эди. Мол-ҳолга қараш, дала ишлари билан бўлиб кўпда бизнинг ўтиришларимизга ҳам келолмасди. Ҳолбуки, жўрамиз шу ёшида ошқозон хасталигига чалиниб улгурган эди. Кучли овқат ея олмас, кўпинча ошқозонини чангаллаб ўтириб қолар, тез чарчар, озгина ишлаши билан терга кўмиларди. Бир-икки марта дўхтирга боришни маслаҳат берган бўлдик, у ҳам кўнгандай бўлди, аммо, ўзбекчилик, “эртага” деган ваъданинг охири кўринмайди, вақт эса етишмайди...

Мактабни битиришимиз муносабати билан ўтказилган кечада ҳам ош сузилган маҳал Тошкенбойга сўз берилди. Ўз одатига содиқ қолган жўрамиз гапни бу сафар ҳам калта қилди. Фақат... негандир Тошкенбой ҳаммага соғлиқ-саломатлик тилаш билангина кифояланмади, балки:

— Қани, олдик, — деди алланечук кўтаринки оҳангда. — Ҳаёт энди бошланади...

Тўғриси, шахсан ўзимга бу қадаҳ сўзи сал эришроқ туюлди. Йўқ, гап жумланинг жимжимадорлигида эмасди. Зингил солиб қарасам, бир нечта синфдош ўғил болалар ҳам энсалари қотиб лаб туриб туришибди. Бу бежиз эмасди-да. Илк муҳаббат аталмиш ҳис-туйғулар гирдобада ўралашиб, ўзимиз кўнгили қўйган қизнинг қўлига тасодифан қўлимиз тегса етгинчи қават осмонда сайр этиб, маст-аласт одамдай энтикиб-ҳаприкиб юрган кезларимиз эди. Назаримизда, мактаб тугаши билан ҳаёт ҳам тугайдигандай эди. Ахир, энди ҳамма ҳар томонга тарқалиб кетади... Шу боис чекка-чеккага ўтиб, кўз ёши тўкиб олаётган биродарларимиз қанча эди... Ўн йил бирга ўқиган синфдошлар билан ажралишнинг ўзи бўладими...

Шунга қарамасдан, гуриллаб жўрамизнинг гапини маъқуллаган бўлдик.

Шу-шу Тошкенбой жўрамизнинг “Ҳаёт энди бошланади” деган гапи эсда қолди.

\* \* \*

Ўша пайтлар расм бўлган тартибга кўра ўн кун далада ишлаб бердик, шундан кейин аттестатимизни қўлимизга тутқазилди. Шоша-пиша соғлигимиз тўғрисида тиббий маълумотнома олишга киришдик.

Қарасам, Тошкенбой маълумотномасига “Университетга” деб ёздирибди.

— Матфакка, — деди жўрам саволимга жавобан.

Биз буни ҳам оддий аксиома янглиғ қабул қилдик.

Ҳатто, тўғриси айтиб, биронтамиз ундан “Танканг” борми?” деб сўраб ҳам ўтирмадик. Зеро, шунча билими бор бола ўқишга ўз-ўзидан, ўз кучи билан кириб кетадигандай эди. Бунинг устига Келдиёр аканинг аҳволи ҳаммамизга маълум, боласи учун уч-тўрт мингга санаб берадиган ҳоли йўқ...

Кўпчилигимизнинг ёдида бордир, у пайтлари олий ўқув юртига тўртта кириш имтиҳони бўларди.

Мен Тошкенбойнинг ўқишга киролмаганини айтсам унчалик ажабланмасдим. Аммо, бизни ҳайратда қолдиргани шу бўлдики, жўрамиз математика фанидан ёзма имтиҳонда “3” олибди.

Бунга эса сира ишониб бўлмасди...

Аммо ишонмаганда қаерга борардик...

Қисқаси, Тошкенбой жўрамиз мандатдан ўтолмай, эски жомадонини кўтарганча қишлоққа қайтди.

Келдиёр ака совхозда бригадир эди, пойтахтдан бош эгиб қайтган ўғлини дарҳол далага чиқарган.

Биз, очигини айтиб, бир амаллаб ёки таниш-билиш орқали ўқишга кириб олганлар, оммавий равишда пахтага жўнаб кетиш олдида қишлоққа, иссиқ кийимларимизни олиб кетишга келдик.

Ана ўшанда кўриб қолдим Тошкенбойни.

Кабинаси олиб ташланган, уч филдиракли эски “Х4” тракторини ҳайдаб келаётган экан. Мени кўриб тўхтади.

Ҳар қалай, чангга-мойга беланган уст-бошидан истиҳола қилдими, қўлининг учини бериб сўрашиш билан кифояланди. Сўнг, ҳол-аҳвол сўрагач, ўқишга ўтганим билан табриклади.

Гердаийиб, сал тепадан келган кўйи маслаҳат берган бўлдим:

— Сен бу ерда мойга ботиб юравермай, иложини топиб подкурса кириб ол. Калланг бўлса бор...

“Калласи бор” жўрам гапларимни маъқуллаб бош ирғаб турди.

Ёш эдим, ўқишга ўтиб олганлигим боис андак ҳавойилигим ҳам бор эди, шу сабабли оғзимга келган гапни ўйлаб ўтирмасдан айтиб юбордим:

— Бундай кийим-бошда Тошкентни эгаллаб бўлмайди, жўра...

Тошкенбой бу гапимни ҳам маъқуллаб бош ирғаб қўйди.

Шу билан хайрлашдик.

Пахта теришга қўшни туманга келдик.

Ўттиз кун тилидан заҳар томадиган, ҳар икки гапнинг бирида “Институтдан учираб юбораман!” деб дўқ-пўписа қиладиган бир ўқитувчи раҳбарлигида эшшакдай ишлагач, аввал уч кун ёмғир остида қолдик, кейин ёмғир қорга айланди.

Муздай шийпонда ётибмиз. Совуқ суяк-суягимдан ўтиб кетган.

Ўзи совуққа йўқман.

Охири чидай олмадим.

Ўқитувчилар алмашиб, кексароқ бир ўқитувчи бизга раҳбарлик қила бошлагач, шу кишидан бу ердан атиги олти чақирим наридаги уйимга бориб келишга изн сўрадим.

Бахтиёр ака исмли сочлари оппоқ, мулойим бу ўқитувчи мени шийпон ташқарисига олиб чиқди, бир бўралаб ёғаётган қорга, бир тизза бўйи лой йўлга қараб, ўйлаиб тургач:





— Бу аҳволда уйга қандай етиб оласиз? — деди.

Мен эса, жавоб бўлса бас, уйга қанот боғлаб учадиган, қанотим ҳўл бўлиб қолса, эмаклаб ҳам борадиган аҳволда эдим.

Бахтиёр ака аҳволимни тушунди шекилли:

— Бу ёққа юринг-чи, — деди.

Шийпон ёнбошидаги айвон остида Бахтиёр аканинг йигирма йиллик шалоқ “Газ-21” машинаси турар эди.

Домла машинага ўтириб, мени ёнига чақирди.

Ҳайрон бўлиб, кабинага кирдим.

Бу машина эмас, трактор, йўқ, ҳақиқий танк экан.

Хуллас, “Газ-21” вориллаб-пориллаб, лойларда тойиб-қийшайиб, кучаниб олдинга интилиб, бизни катта йўлга чиқариб қўйди.

Бахтиёр ака ажойиб одам экан. Мени қишлоғимиз бошига қадар олиб бориб қўйди-да:

— Қор тўхтагандан кейин ерлар сал селгишини кутинг, кейин баракка қайтинг, — деди.

Мен юрак ютиб сўрадим:

— Унғача... жавоб бериб қолишмасми кин...

Домла маъюс кулимсиради:

— Республика тўлмагунча студентларга жавоб берилмайди... Телевизорда сводкани кузатиб туринг. Кунига бир яримдан бераянмиз, ажаб эмас яна ўн кунлардан кейин планни бажариб қўйсак...

Бахтимга, қор яна уч кун тинмади. Тилиниб-шилиниб, қоп-қорайиб кетган қўлларимни қайта-қайта иссиқ сув солинган тоғорада илитдим, ўзим бўлса иссиққина танчанинг остидан чиқмайман.

Ишқилиб, икки кун деганда одам бўлдим.

Ана шунда жўрам Тошкенбойнинг вилоят марказидаги шифохонага тушиб қолганини эшитдим.

Ҳамишагидай, хаста ошқозони панд берибди. Комбайнда пахта тераётган экан. Рулни бураман деб зўриққан шекилли. Ахир баҳайбат машинани бошқаришнинг ўзи бўладими... Бунинг устига у пайтлар бутифос деган бало бор эди. Жўрам бўлса даладан бери келмайди. Самолётда бир йилда неча марта дори сепилса, ҳар сафар далада байроқ ушлаб турган...

Онамнинг бир-икки даккисидан кейин ноилож шифохонага бордим.

Тўрт кишилик палатага бешта каравот жойлаштирилган. Мана шу ортиқча, шундоқ эшикка қадалиб турган каравотда ётган экан жўрам.

Тошкенбой негадир қоп-қорайиб кетибди. Ҳолсиз.

Ҳол-аҳвол сўрадим.

— Ичимга ўзиям уч метр шланг тиқишди, — деди у ҳазиллашган бўлиб.

— Ишқилиб, энди яхшимисан? — дедим.

Жўрам илжайишга уринди.

— Кўз тегмасин, отдайман.

— Отдай бўлда, жўра, — дедим унга далда беришга уриниб. — Ҳали сен не-не шаҳарларни эгаллашинг керак.

— Тўғри, — деди Тошкенбой гапимни маъқуллаб бош ирғаркан. Сўнг мутлақо хотиржам тарзда кўшиб қўйди: — Ҳаёт энди бошланади...

Мен бу баёнотга нима деб муносабат билдиришни ҳам билмай қолдим. Ҳазиллашяптими, деб разм соламан, йўқ, жўрамнинг кўриниши жиддий. Лаблари шахд билан қимтилганига, кўзлари бир нуқтага қадалиб турганига қараганда ўта жиддий.

Шу сабабли гапни бошқа ёққа буришни маъқул кўрдим:

— Энг муҳими, яхшилаб тузалиб ол... Қолгани бир гап бўлар...

\* \* \*

Қор тинди, эриб ҳам кетди. Ҳаммаёқ билч-билч лой. Кун совуқ. Бундай шароитда шийпондаги болаларнинг қай аҳволга тушганини ўйлаб эзиламан. Қайтиб боришга эса юрагим дов бермайди. Бормасликнинг ҳам иложи йўқ.

Ахир, ўқишдан ҳайдаб юборишлари мумкин...

Шундай иккиланиб юрган кунларимнинг бирида Тошкенбойнинг шифохонадан уйига қайтганини эшитиб қолдим. Яна онамнинг қистови билан Келдиёр аканикига бордим.

Анча озиб қолган жўрам билан кучоқлашиб кўришдик.

Бир пиёла чой устида уёқ-буёқдан гурунглашиб ўтирдик.

Ташқаридан машинанинг чўзиқ сигнали эшитилиб қолди. Икковлон шошиб деразадан қарадик.

Дарвоза ёнида бутун туманга машҳур қора “Виллис” турарди. Бу кўнғизга ўхшаш машинани айниқса ота-оналару ёш йигитлар яхши билиб олишган. Зеро, қора “Виллис” туман “военкоми”нинг, яъни туман ҳарбий комиссарлиги бошлиғининг хизмат машинаси эди.

Ҳовлида куймаланиб юрган Келдиёр ака шошиб машина ёнига борди.

“Виллис”дан тушган катта шапкали ҳарбий кийимдаги киши бир нималар деб бақирди. Мен танидим, уни ўнинчи синфда ўқиб юрган кезларим, туман марказига тиббиёт кўригидан ўтгани борганда кўргандим. Доимо қовоқ солиб, ўшшайиб юрадиган, гапирганда ҳам жеркиб, русча гапирадиган бу басавлат одам маълуму машҳур “военком” Тоғабоев эди.

Аста деразани очдим.

Одатига кўра Тоғабоев рус тилида дўқ урмоқда эди:

— Сизга икки соат муҳлат!.. Машина келиб олиб кетади!.. Бир минут ҳам ортиқ беролмайман!.. Қанақа шифохона? Ўғлингиз мутлақо соғлом! Қўлимда тиббиёт картаси турибди!.. Ҳарбий хизмат билан ҳазиллашманг!.. Ўғлингиз топмасанг, устингдан жиний иш очдириб, қаматтириб юбораман! Бу менинг қўлимдан келади! Мен керак бўлса райкомингга бўйсунмайман!..

Машина эшиги қарсиллаб ёпибди. “Виллис” гуриллаб олдинга интилди.

Дарвоза ёнида бир лаган лойдай бўшашиб қолган Келдиёр акага бир қарашданоқ ҳаммасини тушундим: Тошкенбойни армияга олишмоқда эди.

Ёдингизда бордир, ўша пайтлари аскарлар Афғонистонга юборилаётганди... Шундан кўрқдими, шўрлик...

Қудратли “военком”нинг айтгани-айтган, дегани-деган пайтлар...

Қолгани жуда тез, ҳовлиқиш ва шошилиш тарзида ўтди.

Келдиёр ака чопиб келасола ҳовли адоғидаги молхонадан озғингина бир танани етаклаб чиқаркан, деразадан мўралаб турганимни кўриб қолгач, менга қараб бақирди:

— Чоп, Норжигитни топиб кел.

Шу кўчада турадиган Норжигит ака қишлоқнинг олд қассобларидан эди.

Мен Норжигит аканинг уйи томон ошиқдим.

Бир соат ичида тана сўйилди, қайдандир пайдо бўлиб қолган беминнат ҳашарчилар ёрдамида иккита уйга жой қилинди, сандиқда ётган майиз-парвардалар дастурхонларга сочилди, Марям хола кўшни аёллар билан тандир-тандир патир ёпишга киришиб кетди. Ким дўконга чопган, насыяга икки яшик ароқ олиб келган...

Ахир, ҳазил гапми, оиланинг тўнғичи Тошкенбой армияга кетмоқда эди.

Шифохонадан сўнг озиб-тўзиб кетган, дармонсиз Тошкенбойнинг ўзи катта лас чопонга ўралиб олганча меҳмонхонанинг тўрида ўтирар, кекса-ёш маслаҳатчиларнинг армияда ўзини қандай тутиши кераклиги, “старик”лар билан қандай олишиш лозимлиги хусусидаги бош-кечи йўқ, айна пайтда бири-биридан ваҳимали маслаҳатларини одатига кўра бош силкиб-бош силкиб эшитарди.

Хайриятки, хонадонда бирон марта бўлсин “Афғонистон” сўзи тилга олинмади.

Икки соат ичида ароқнинг бари ичиб бўлинди, ҳатто етмай қолиб, яна ўн шиша қарзга ҳам олиб келинди. Вақт зиклиги боис қайнатма шўрва қилинмади, Норжигит аканинг ўзи гўшти ҳил-ҳил пишган қовурдоқ тайёрлабди. Таомни меҳмонлар мақтаб-мақтаб ейишди.

Тоғабоев “военком” ўзи тайинлаб кетганидай, икки соатда эмас, икки ярим соатда яна ўша кўнғизга ўхшаш қора “Виллис”ида етиб келди.

Машина ичида Тошкенбой тенги яна бир йигитча кўзлари жовдирабгина ўтирарди.

Тоғабоев ичиб олиб, сал дадиллашган меҳмонларнинг шунчалик ялиниб-ёлворишларга қарамай ичкарига кирмади, жойида ўшшайиб ўтираверди.

Тошкенбойни бояги жовдираб турган йигитча ёнига ўтказишди. Ўғли орқасидан интилган Келдиёр акага қараб Тоғабоев бир ўкрайган эди, дами ичига тушиб кетган ота жойида қотди-қолди.

Мен ҳали эшик ёнига бориб, жўрамга:

— Яхши бор, — дейишга улгурдим.

Тошкенбой менга... аланечук хурсанд бўлиб қаради ва:

— Армия... яхши, — деди. Сўнг мамнуният билан кўшиб қўйди: — Ҳаёт энди бошланади...

Келдиёр ака ўкраб йиғлаб юборди, Марям опа изиллаб эрига жўр бўлди...

— Прекратить!

“Военком”нинг қаҳрли, гулдираган овозда берган буйруғидан сўнг бирдан ҳамма жим бўлди-қолди.

Тоғабоев анқайиб қолганларга яна бир бор ўкрайиб қаради-да, ҳайдовчига ўтирилиб, навбатдаги буйруғини берди:

— Поехали.

“Виллис” кетди.

Машина муюлишдан қайрилиб, кўздан йўқолгандан сўнггина ўзига келган Келдиёр ака яна ўкраб йиғлаб юборди, Марям хола яна изиллади...

Озгина ичиб, сал кайф бўлган, кўзлари сузилиб бораётган Норжигит қассоб Келдиёр акани кучоқлаб олгач, чайқалган кўйи деди:

— Мошин мендан, ҳайдайдиган мард борми? Облсентрга бориб, Тошкенбойни кузатамиз.

Элчилик, меҳмонлар ичида ичмаган, бунинг устига ҳайдовчилик гувоҳномасига эгалар ҳам бор экан.

Хуллас, эски “Москвич”га олти киши ўтириб — улар сафида Келдиёр ака билан Марям хола ҳам бор эди — вилоят марказига, Тошкенбойни армияга кузатгани кетишди.

Келиб, бўлган воқеани айтиб бергандим, ачиниш билан ўйланиб қолган онам лаб тишлаб турди-турди-да, сўнг ишонч билан:

— Камбағалнинг боласи-да, камбағалнинг боласи, — деди. — Бўлмаса кеча балнисадан келган болага армияда нима бор? Бировнинг ўрнига кетган бу, бировнинг ўрнига... Бирон амалдор Тоғабоевнинг оғзини мойлаган-да, боласини олиб қолган... Ўрнига бир бечорани юборган бу уйинг куйгур...

\* \* \*

Орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Тошкенбой хизматни Узоқ Шарқда ўтади. Ундан икки-уч марта хат олдим, бир марта жавоб ҳам ёздим шекилли. Бир мактубида у уч ойга яқин ҳарбий қисм шифохонасида даволанганини, ичига “аниқ олти метр шланг ютганини”, шифохонада ётганида математика бўйича русча китоблар ўқиётганини ёзгани эсимда бор.

Янги йил арафасида қишлоққа келиб, онамдан Тошкенбойнинг аллақачон армиядан қайтганини, шу кунларда эса отасининг ўрнига бригадир бўлиб, далада яхоб суви қўяётганини эшитиб қолдим.

Кеч маҳал кўчада жўрамнинг ўзини учратиб қолдим.

— Амаллар маборак! — дедим кучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин. — Ҳаммасини қўшиб юварканмиз-да.

— Раҳмат, — деди илжайиб жўрам. — Отам қариб, анча ўзини олдириб қўйибди. Бу ёқда укалар катта бўлаяпти. Дарвоқе, Тошкенбойнинг сакккизта ука-синглиси бор эди. Шу эсимга тушиб, беихтиёр тилим учиде турган саволни бердим:

— Нима, ўқишга бориш ниятинг йўқми? Ҳозир ҳам подкурсга кеч эмас, армиядан кейин индамай олишади... Жўрам маънос кулимсиради:

— Саккизта ука... Бари ейман-ичаман деган пайти... Мен ўқишга кетиб қолсам, ким уларни боқади?

Бу саволдаги темир мантиқ мени ўйлантириб қўйди.

— Математика... шаҳар... — дея чайналдим мен.

Тошкенбой жилмайиб қўйди.

— Математика қочиб кетмас... Кейин... ҳамма шаҳарга кетаверса, подани ким боқади?

— Ҳар қалай, кунинг подага қолмагандир, — дедим мен ҳазил қилишга уриниб.

— Йўқ, — деди жўрам кийиб олган резина этигига ишора қилиб. — Отамнинг ўрнига бригадир бўлдим... Ўзинг айтгандай, амалдорман... Ростини айтсам, яхши иш. Бунинг устига...

Шу сафар мен жўрамдан илгарироқ отни қамчилаб қолдим, Тошкенбой айтмоқчи бўлган гапни айтиб қўя қолдим:

— ... Ҳаёт энди бошланаётган бўлса...

Тошкенбой кулиб юборди:

— Тўғри, ҳаёт энди бошланади...

“Амалдор” жўрам билан шу ерда хайрлашдик.

Тўғри, эртаси куни одатимиз бўйича уни “чай”га чақирдик, уй тўла меҳмонлар билан қўшилишиб, ароқ ичдик. Аммо жўрам билан икки оғиз гаплашишга ҳам фурсат бўлмади.

Оила даврасида ўтган янги йил байраמידан кейин эса ўқишга қайтиб кетдим.

Кейинги йили Тошкенбой жўрам уйланди.

Марям хола туриб олибди: “Тезроқ уйга бир ёрдамчи олмасак, бир ўзим шунча болани ҳеч эплай олмай қолдим...” Келинни ҳам онанинг ўзи топибди. Қариндошининг қизи экан. Оёқ-қўли чаққонгина, уй ишларида сочи супурги, қўли косов эмиш.

Ўқишдан амалиётга кетаётганлигим боис тўй арафасида бориб Тошкенбойни табрикладим.

Жўрам янада озибди, қорайиб кетибди, кўзлари киртайиб қолибди, биқинини ушлаб-ушлаб қўйишига, кўзлари остида пайдо бўлган қорамтир ҳалқачаларга қараганда соғлиги ҳам яхшига ўхшамайди.

Тошкенбой қутловларимни ердан кўз узмаган кўйи, индамай эшитди. Ниҳоят бошини кўтариб менга кулимсираб қараб турди-турди-да, охири:

— Уйланиш яхши, — деди. — Мана кўрасан, ҳақиқий ҳаёт энди бошланади...

Чин гапим, мен шундай бўлишини жуда-жуда истадим...

Аммо ҳаёт деганлари бешафқат экан...

\* \* \*

Бир-бирини қувиб йиллар ўтди.

Ҳаёт экан, ҳар кимнинг ўз ташвиши, ўз қувончи бор.

Ўқишни битириб, мен ҳам ўз ташвишларимга андармон бўлиб кетдим.

Худога шукр, севиб уйландим, фарзандларим бор.

Баъзан, фурсат топилганда сўраб-суриштириб қоламан, гоҳида онамдан эшитиб қоламан, ҳар тугул, Тошкенбой ҳақида у-бу гаплардан воқиф бўламан.

Тошкенбой жўрам ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида жуда қаттиқ ишлади. У етти ука-синглисини уйли-жойли қилди, ҳаммасининг тўйини бировникидан кам қилмай ўтказди. Эшитишимча, ҳар сафар, бирон укаси ёки синглисининг тўйини ўтказгач, жуда хурсанд аҳволда: “Қутулдим. Худога шукр. Ҳаёт энди бошланади”, дер экан.



Аммо кўпи билан бир ҳафтадан кейин навбатдаги тўй ташвиши хонадонга аста кириб келавераркан...

Йилда бир-икки марта бирон тўй ёинки маъракада учрашиб қолардик жўрам билан.

Балки адашаётгандирман, аммо Тошкенбой кўз ўнгимда адо бўлиб бораётгандай эди. Иш, иш ва яна иш... Жўрамнинг билгани шу эди гўё. Учта фарзандли бўлди. Аммо қачон изласам жўрам далада бўларди. Ёз-ку, тушунарли, аммо қишда ҳам уни даладан топиш аниқ эди.

Мен аниқ билардим, бу йиллар мобайнида Тошкенбой бирон марта бўлсин шифохонада ётмади, курортларга, санаторияларга бормади. Зеро, бунга унинг вақти ҳам йўқ эди. У ишларди, тинмай ишларди...

Тақдир ҳазилини қаранг. Тошкенбой жўрам ўн йилдан ошиқроқ вақт мобайнида бригадирлик қилган, ҳар йили режасини ошириб бажариб келган юз гектар ерга тумандаги каттароқ бир амалдорнинг жиянининг ишқи тушиб қолибди.

Фермерлик ҳаракати пайдо бўла бошлагач, тендер ўтказилибди, жўрамнинг ерига даввогарлик қилаётган амалдорнинг жияни “Мен олий маълумотлиман” деб фалон балл олибди, “Менинг шахсий тракторим бор” деб яна фалон балл олибди, “Машинам бор” деб яна балл олибди, ҳуллас, Тошкенбойга кўра кўпроқ балл йиғибди-да, тендер комиссияси қарорига кўра ерни олибди-қўйибди. Ўзиям серҳосил, сув бошидаги ер экан.

Ҳар йили Тошкенбой жўрам тонналаб маҳалий ўғитни аравада ташигани, вақтида яхоб суви бериб тургани учун ер шўрлаш нималигини билмаган, ҳосилдорлигини эса оширса оширганки, йўқотмаган.

Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юришмас.

Осмондан тушгандай тўсатдан пайдо бўлиб қолган янги хўжайин жўрамнинг бу далада ишлашига рўйхўшлик билдирмайди.

Тошкенбой жўрам ерга астойдил меҳр қўйганди, ерга боғланиб қолганди.

Жўрам касал бўлиб ётиб қолади.

Қўрқиб кетган муштипар хотин дўхтир қақиради.

Дўхтир жўрамга туман марказидаги шифохонага йўлланма ёзиб беради.

Йўлланма бир ҳафта дераза раҳида ётади.

Ниҳоят аҳволи оғирлаша бошлаган, узлуксиз иссиғи чиқиб, фарқ терга ботаётган Тошкенбойни қўни-қўшнилари мажбурлаб машинага ётқизиб, шифохонага олиб келишади.

Бу ерда жўрамни икки ҳафтага яқин даволашади. Уйдагилар, ука-сингиллар Тошкенбойнинг ҳолидан хабар олиб туришади.

Ахийри бу хабарни мен ҳам эшитиб қолдим ва шифохонага бордим.

Палатага кириб, Тошкенбойни кўрдиму, қўрқиб кетдим.

Бир бурдагина булиб қолибди-ку, шўрлик...

Гап сўрасам, маънос кулимсирайди, аҳволдан гап очсам: — Яхши... — деб қутулади.

Шундай кейин аста ташқарига чиқдим ва ука-сингиллардан сўрай-сўрай, бўлиб ўтган гап-сўзларни билиб олдим.

Жаҳлим чиқди. Палатага, Тошкенбойнинг олдига кириб:

— Шунча ғавғо бўлибди, нега менга бир оғиз айтмадинг? — дедим.

Жўрам кулимсирашга уринаркан, кўзлари филтиллаб:

— Сени... безовта қилгим келмади... — деди.

Шундан кейин унга ётиғи билан гап уқдиришга уриндим:

— Тонг саҳарда ишга кетасан, жўра, ярим оқшомда қайтасан. Ёз демайсан, қиш демайсан, қачон қарасанг иш, иш, иш... Бунақа ҳаётнинг... бунақа ҳаётнинг оналарини палон қилсанг арзийди... Кўй ўша ерни, сен ҳам бундай одамга ўхшаб дам ол, ҳордиқ чиқар,

болаларингни шаҳарга олиб бор, айлангир... Балки ўша ерни сендан олиб қўйишгани яхши ҳам бўлгандир бир томондан... Балки ҳаётинг энди бошланар...

Тошкенбой менга диққат билан тикилиб, пичирлади:

— Йўқ, ёмон бўлди... Бола-чақани шунинг орқасидан боқиб турибдим...

Мен бўш келмадим:

— Лекин қандай боқаётгандинг? Яшашдан мақсад бола-чақа учун ўлиб-тирилиб бир бурда нон топиш, холосми? Ўзинг қачон одамга ўхшаб яшайсан... Ахир умр ўтиб бораёпти. Дунёга бир марта келасан...

Ҳуллас, ярим соатча ақриб-чақриб, ўзимча жўрамга насиҳат ўқиган бўлдим.

Жўрам гапларимни индамай эшитди. Фақат бир марта, гап орасида: “Керак бўлса ерингни қайтариб олиб беришим мумкин” деган маҳалим менга ялт этиб қараб қўйди.

Хайрлашмасдан ҳам ташқарига чиқдим, бош шифокорни топиб, жўрамга яхши қарамагани учун хумордан чиққунча сўқдим.

Шу билан ўзим ўзимдач мамнун бўлган кўйи уйга кетдим.

Орадан уч кунча вақт ўтиб, Тошкенбойнинг оғирлашганини айтишди. Аввалига ишонмадим. Назаримда, шунча йил узлуксиз давом этган оғир жисмоний меҳнатдан сўнг ниҳоят шифохона палатасида бўлса ҳамки дам ола бошлаган жўрам қисқа фурсат ичида мутлақо соғайиб, ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошлаши керак эди.

Кечга яқин, ишдан чиқиб шифохонага бордим.

Жўрамга алоҳида палата берганини тинмай таъкидлаётган бош врач унинг соғлиғи хусусидаги саволимга жавобан қўлларини икки ёнга ёзган кўйи бош чайқаркан:

— Касаллик ўтиб кетган экан, — деди ҳамдардлик оҳангида. — Лекин ниманидир кутаяпти бечора...

Палата шинамгина экан. Ҳатто тумба устида мўъжазгина телевизор ҳам бор.

Бир қарашдаёқ ухлаб ётган жўрамнинг аҳволи янада оғирлашганини англадим.

Беморнинг оппоқ болиши тагида қандайдир китобнинг бир чети кўриниб қолгандай бўлди. Секин эгилиб, китобни олдим. Бу математика бўйича дарслик эди...

Томоғимга нимадир тикилгандай бўлди.

Ногоҳ Тошкенбой сесканиб кўз очди.

Унинг нигоҳидаги чексиз армон, соғинч, изтироб ва аламни ҳис қиларканман, беихтиёр юрагим орқамга тортиб кетди.

— Жўра, — дедим салом-аликни ҳам унутган кўйи ҳаяжон билан, — гаплашдим, ҳал қилдим, ер ўзингга қолди. Ҳеч ўйланма. Сен ўзинг фермер бўласан. Трактор ҳам сенинг номингга расмийлаштирилади.

(Илло, мен ёлғон гапирмаётгандим, жўрамнинг ерини олиб қўйган амалдорни ҳам, унинг тантиқ жиянини ҳам яхши танирдим, уларга пўписа қилиб қўймоққа ҳаддим сиғарди, аммо орани бузиб қўймай деган ҳадикда то шу кун уларга бир оғиз гап айтмагандим)

Шунда... шунда жўрам Тошкенбойнинг аввалига оғир сўлиш олганини, сўнг кўзлари чақнаб кетганини, қувончданми, кўкраги кўтарилиб туша бошлаганини кўрдиму, “Шўрлик интизор бўлиб кутган янгилик балки шудир”, деган тусмолли ўйга бордим.

Жўрамнинг қақроқ, ёрилиб кетган лаблари қимирлагандай бўлди. У ниманидир шивирлашга уринарди. Мен энгашиб, қулоғимни жўрамнинг лабларига яқин олиб бордим.

Ҳаёт... ҳаёт энди бошланади... — шивирлади Тошкенбой...

Бу унинг охириги сўзлари эди...

Шу сўзлар билан бир инсоннинг умр шами сўнди...

## ҚИЗИЛ ТИЛЛА, ҚИП-ҚИЗИЛ ТИЛЛА...

...Салима ая катта эшонлар сулоласидан. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида, мактабни битирганидан сўнг Салима бировга кўнгил қўйганида, йигит “қора”лардан, яъни оддий фуқаролардан бўлганлиги боис аввалига қизнинг ота-онаси бу ҳақда эшитишни ҳам истамаган.

Аммо Салима ўжарлик қилиб туриб олган, “Тегсам ҳам шунга тегаман, тегмасам ҳам!” деган.

Ота-она қарасаки, аҳвол чатоқ. Бир муддат йигитдан совчи кутишган. Лекин у томон эшонларга совчи бўлиб боришга журъат қилишолмаган. Ана шунда урф-одатга кўра эшон тараф, яъни қиз тараф йигит тарафга совчи бўлиб борган, дейишади.

Нима бўлганда ҳам тўй жуда ажойиб ўтган экан.

Салима у пайтлари санамараста, қадди тик, юзи сутга чайиб олингандай оппоқ, сочи тақимини ўпадиган, юрғанда кўчани тўлдириб, андак виқор ила қадам ташлайдиган қиз бўлган.

Аҳли қишлоқ янги келинчакнинг ҳуснини, одобини анча пайтгача мақтаб юрди, унинг озгина кўксини кериб, дадил юришини эшонлар сулоласига мансублигига йўйишди.

Айтиб ўтганимиздай, Салима оддийгина, ҳаттоки айтиш мумкинки, фақирона ҳаёт кечириладиган оилага келин бўлиб тушганди. Бироқ янги келин билан уйга барака ҳам келган шекилли, тез орада куёв бўлмиш Хайрулланинг ишлари юришиб кетди.

Биринчи қизни хурсандчилик билан кутиб олишди, иккинчисидан сўнг “Кейингиси ўғил бўлар”, деб умид қилишди. Учинчи қизга Ўғилой деб исм қўйишди.

Эр-хотин фарзандларидан айланиб-ўргилишди, уларни оқ ювиб-оқ тарашди. Хайрулла далада оддий сувчи эди, хотинининг саратон офтобида қорайиб, жизгинаги чиқиб юришини истамади чоғи, уни далага қўймади. Шунга қарамай, ҳали айтганимиздай, оилада қут-барака ҳукмрон эди. Жажжи қизалоқлар энг чиройли либосларда юрардилар, улар учун ўйинчоғу қўғирчоқларнинг энг сараси сотиб олинарди.

Ана шунда оғзига кучи етмаганлар:

— Булар бунча пулни қаердан олади? — дея бир-бирларига савол берадиган бўлишди.

Айниқса Хайрулланинг мудом тилла топган гадойдай хурсанд аҳволда юриши ҳам кўпчиликни ажаблантирарди.

Бундай синчков фуқаролар разм солиб юриб кўришдики, битта ойлик олишга қарамасдан Хайрулла тўй-маъракаларда эл қатори атаганини беради, бирон марта бўлсин бировдан тўрт сўм пул қарз сўрамайди... Хўш, бунинг сабаби нимада экан?

Айни шу пайтлари қишлоқда Салима аянинг бобоси катта эшон бўлганию, бу эшонга мурид бўлган катта савдогар бир қоп олтин мерос қолдириб кетгани ҳақида гап-сўзлар ўрмалаб қолди. Тўғри, баъзи бировлар “катта савдогар” ўрнига “босмачи” деган атамани ҳам ишлатишди. Аммо зехни ўткирроқ ҳамқишлоқлар, айниқса оқсоқоллар бу гапга ишонилмади. Ҳатто улардан бири “Уруш пайти бир қоп тиллага бир қоп ун сотиб олиш мумкин эди. Салиманинг бобосида олтин бўлганида эди, туғишган жиянининг очликдан ўлиб кетишига йўл қўймасди”, дея ўз ҳақли эътирозини билдирди. Бироқ синчков зотлар бўш келишмади:

“Бобойнинг калласи ишлаган, биров билиб қолишидан кўрққан...”

Эр-хотин эса бу майда-чуйда гапларга эътибор бермасликни удалашарди. Икковлон зориқиб ўғил фарзанд кутишарди.

Аммо кейинги ва ундан кейинги фарзанд ҳам қиз бўлаверди.

Аёллар шоҳид, бешинчи фарзандга ҳомиладор бўлиб юрган кунларининг бирида Салима ая ишонч билан:

— Кўнглим сезиб турибди, шуниси ўғил бўлади. Худо хоҳласа ўғлимни тиллага кўмиб ташлайман, — деб юборди.

Қишлоқнинг табиатан ғайирроқ аёллари бу гапга унчалик эътибор бериб ўтиришмайди. Лекин хотинлари кўмагида бу гапдан баъзи бир зийрак фуқаролар энди қаддини фоз тутиб юриши боис орқаворатдан “Исполком момо” лақабини олган аяга синчковроқ ва гумонсираброқ қарай бошлашади.

Бешинчи фарзанд ҳам қиз туғилади.

Саноқ олтига етганда ҳам Хайрулла умидсизланмади:

— Кейингиси ўғил бўлиб қолар, — дея илжайиб тураверди.

Афсуски, эрнинг бу умиди рўёбга чиқмади: у тез орада арзимаган шамоллаши кучайиб кетиши оқибатида тўсатдан вафот этди. Эрталаб уйдан одатига кўра жилмайибгина чиқиб кетган Хайруллани кечкурун...

Қирқ олти ёшли Салима ая олти қизи билан ёлғиз қолди.

Салима ая қолган умрини эри яшаган уйнинг чирогини ёқиб ўтказишга аҳд қилди.

\* \* \*

Элчилик, бировнинг ундай таниши бор, бошқасининг бундай. Қолаверса, қишлоқнинг ўзида ҳам хотини ўлган ёки хотин қўйиб, ўзига жуфт излаб юрган эркаклар анчагина эди. Шулар одам юборавериб чарчашмади, Салима ая уларни юмшоқлик билан қайтаравериб.

Эркаклар, совчилар аввалига “Майли, эрининг қирқи ўтсин, кейин кўниб қолар”, дейишди, сўнг, аёл оёғини тираб туриб олгач, “Хайрулланинг йили ўтсинчи”, дейишди.

Хайрулланинг йили ўтса ҳам Салима ая бировни умидлантирадиган сўз айтмади.

Совчилар нақ тўрт-беш йил эшикнинг турумни бузишди.

Элликка яқинлаб қолган бўлишига қарамасдан, оппоқ юзига ажин тушмаган Салима ая ҳамон қаддини тик тутиб, андак виқор билан юрар, аёлнинг нигоҳидаги вазминлик, хотиржамлик беихтиёр суҳбатдошда унга нисбатан эҳтиром уйғотарди. Устига устак, ая кийимларни танлаб, ўзига ярашганидан кияр, бирон тўйга борадиган бўлса тақинчоқ, зеб-зийнатларни ҳам канда қилмас, ишқилиб, ўзига қараб юрадиган аёллар тоифасидан эди. Балки ушбу ҳол ҳам аянинг харидорлари сони ошишига, “Салимани тўшимга босмасам бу дунёдан армон билан ўтаман!” дегувчи эркаклар кўпайишига сабаб бўлгандир.

Бироқ охир-оқибат Салима ая ҳеч кимга бўйин эгмай, қизлари билан яшайверишига ҳамманинг ишончи ҳосил бўлди шекилли, уни тинч қўйишди.

Вақт эса шошқин шамол янглиғ елиб ўтаверди.



Бу орада Салима аянинг тўнғич қизи мактабни битирдию, вилоят марказидаги педагогика институтига ўқишга кириб кетди.

Эл разм солиб кўрдик, ая ҳовлисидаги соғин сигирини ҳам, тўртта қўйини ҳам, ҳаттоки биттагина гунажинини ҳам сотмади.

Бу замонда ўқишга киришнинг, тўғрироғи киритишнинг ўзи бўладими!

Майли, тўнғич қиз мактабда яхши ўқиса ўқигандир, лекин бу дегани институтга бир тийин бермасдан кириб кетади, дегани эмас-ку!

Ана ўшанда баъзи бир оғзига кучи етмаганлар катта эшон бобонинг муриди бўлган бой савдогарми ёки кўрбошими ҳақидаги эски гап-сўзларни эслаб қолишди...

Қишлоқда гап ётармиди. Бу миш-мишларнинг бир учини Салима аянинг қулоғига ҳам етказишди. Бунга жавобан ая аввал ўйланиб қолди, сўнг бир жилмайиб қўйди-да, гапни бошқа ёққа буриб юборди.

Аянинг аввалига ўйланиб қолгани кўпчиликни шубҳалантирди.

— Тиллани гапирганимизда ая бўзариб кетди, буни ўз кўзим билан кўрдим! — дея қасам ичиб юрган аёллар сони ҳам ошди.

Эҳтимол, вақт ўтиши билан бу гап-сўзлар ҳам унутилиб кетармиди.

Бироқ кутилмаганда орага болалар аралашиб қолишди.

Ўша ёзнинг иссиқ кунда овулнинг ўн-ўн беш чоғли ўсмирлари қишлоқ четгидаги ҳовузга терлаб-пишиб чопиб бордилар-да, ўзларини сувга ташлайдилар.

Ана шунда... ана шунда сувдан бошларини чиқарган болалар ҳовузнинг у четгида, кунчувоқда ўтирган ая шоша-пиша ёнига ёйиб қўйган оппоқ белбоғчадаги қизил тангаларни йиғиштириб олишаётганини кўришади.

Саратон қуёшида тангалар ялтираб кетади.

Оппоқ белбоғдаги қип-қизил тангалар.

Баъзи болалар кейинроқ тангаларни бир белбоғ дейишди, бошқалари “Йигирма-ўттизтача бор эди-ёв”, дейишди.

Ўша лаҳзада эса ая жон алпозда тангаларни йиғиштиради-да, белбоғига тугасола ёв қувгандай, ортига бир бор ўгирилиб ҳам қарамасдан ҳовуз бўйини тарк этади.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздай, бундай шошма-шошарлик аяга хос эмасди. Ая шошилмай, салобат ва вазминлик билан юришни маъқул кўрарди.

Болалар ҳам шоша-пиша чўмиласола қишлоққа қайтишади ва кўрганларини оқизмай-томизмай катталарга айтиб беришади.

Кечга бориб бу воқеа бутун қишлоқда шов-шув бўлиб кетади.

— Бу Некалай пошшо замонидан қолган сўлкавойлар, — деди ишонч билан қишлоқ синчиси Анорбой ака калта соқолини тутамлаганча бир нуқтасдан кўз узмай ўйланиб тураркан. — Бунга гарантия бераман. Чунки Некалай пошшо замонида тилла қизғиш бўлган, бизнинг замонда сариқ бўлиб қолган.

— Анорбой ака, — деди синчининг гапларини диққат билан эшитиб турган келинчақлардан бири, — нега бундай бўлган?

Анорбой акани бежиз “синчи” дейишмайди-да. Агар қистовга олаверсангиз, у киши “Товуқ олдин пайдо бўлганми ёки туҳум?” деган сўровингизга ҳам ўхшатиб, батафсил жавоб беради. Ҳозир ҳам синчи ўз одатига оғишмай амал қилган ҳолда, сира иккиланмай, икки карра иккиннинг тўрт бўлишини ёш болага тушунтираётгандай оҳангда деди:

— Чунки ўрис пошшо сўлкавойни чистий олтиндан қилган, шунинг учун сўлкавой қизил бўлган. Бизникилар тиллага мис қўшади, шунинг учун тилламиз сариқ бўлиб қолади...

Синчининг бу гапидан кейин овулда Салима аянинг обрўи янада ошди. Зеро, чоризм давридан қолган тилла сўлкавойга эғалик қилишнинг ўзи бўладими?

Аммо бу борада бошқача фикр билдирувчилар ҳам бор эди. Чунончи, синчининг мулоҳазасини сал кечроқ эшитиб қолган овул адоғида турувчи Раббим чўлоқ кескинлик билан дедик:

— Бекор гап! Бу ўзимизнинг тилла! Исполком момонинг отаси олтишинчи йилнинг қишида бизнинг қозонни сўраб олиб кетганди. Мана шу қозонга отасидан қолган бор тиллани эритиб, танга қилиб олган у писмиқ чол...

— Қозон-чи, қозон? — дея сўрарди тингловчилар қизиқиб. — Нима, тагида тилла юқи қолган эканми?

Раббим чўлоқ таассуфлар ила бош чайқайди:

— Чол ўлгудай писмиқ эди. Бизнинг қозонни атай қайтариб бермаган. Тиллани эритиб бўлгандан кейин бир чуқурга кўмиб ташлаган. Қайтиб берганда-ку...

Гапнинг шу ерига келганда Раббим чўлоқ ҳузурланиб кўз юмади, сўнг афсусланиб, армон билан бош чайқайди:

— Ҳай аттанг-а, қозонни қайтариб бермаган-да у номард! Берганда-ку... Бизга юқиям етарди...

Ажабки, Раббим чўлоқнинг мазкур эътирофи ҳам қишлоқда Салима аянинг иззат-ҳурмати янада ортишига олиб келди.

\* \* \*

Бу орада аянинг иккинчи қизи ҳам мактабни битирди ва ғийбатлар оловига мой сепгандай институтга кирди-кетди!

Энди аввал салгина шубҳаланиб турганлар ҳам бирданига иқрор бўлишди: ҳа, бу аяда бир гап бор!

Ахир бошида эри йўқ, қишлоқ тили билан айтганда, есир бир аёл қандай қилиб иккита қизини шаҳарда ўқита олади? Ахир, мана-ман деган не-не эркаклар битта фарзандини ўқишга киритолмай оворайи сарсон бўлиб, фиғони фалакка чиқиб юрибди-ку!..

Энди Салима аяни тўй-маъракаларга қанда қилмай чақирадиган бўлишди. Қайдаки аёллар дастурхон бошига йиғилишади, аянинг ўрни тўрда бўларди.

Вақтида эрсиз қолган жувонга қайта-қайта совчи юбориб ҳам эғалик қилолмаганлар ичларига уриб қолаверишди.

Дарҳақиқат, тилланинг бир ҳикмати бор шекилли, ая ҳусни, қомати, ҳаттоки дадил-дадил гапириши, кўчада кўкрагини кўтариб, қадини тик тутиб юриши билан ҳам тенгдошларидан кескин фарқланиб турарди.

— Мендаям... ўҳ-хў, ўҳ-хў... ўша тиллаларнинг иккитагинаси... ўҳ-хў... бўлсайди, — деб қолди бир кун нечанчи маротабадир вилоят марказидаги шифохонада икки ой ётиб келган Абдурасул ўпка армон билан, — ўзим билардим... ўҳ-хў... Касаллик дегани мендан қочарди...

Абдурасул акадан бир ёш кичик Наби отанинг ҳам армони чексиз эди.

— Биз шу Салима билан бир классда ўқиганмиз, — дерди Наби ота аянинг уйига тамшаниб кўз ташлаб кўраркан. — Ўша пайтлариям одамнинг суқини келтириб юрарди-да бу... Ҳаммадан ажралиб турарди... Э, калла, шартта отта ўнгариб, тоққа олиб чиқиб кетмайманми...

Ғийбатлар ўз йўлига.

Эл-юрт аянинг ҳурматини жойига қўйиш баробарида энди у кишининг ҳар бир ҳаракатига, кўп ҳолларда

ҳаттоки гап-сўзларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётганинда чин эди...

Овул унчалик катта эмас, кўпи билан ўн минг аҳоли истиқомат қилади. Неча асрлик ўтроқ ҳаёт одамларни ажриқ томирлари сингари бир-бирларига боғлаб ташлаганди. Бемалол айтиш мумкинки, қишлоқда бири иккинчисига қариндош бўлмаган одамнинг ўзи йўқ эди. Шу сабабли кейинги пайтларда аянинг уйи одамга гавжум бўлиб кетди.

Эркаклар, аёллар “Холамдан (жияндан, сингилдан, аммамдан, опадан, холадан...) бир оғиз ҳол-аҳвол сўраб ўтай деб кирдим-да”, деб кун-туннинг исталган маҳалида бу ҳовлига бостириб кираверишар, зеро, Салима ая меҳмонни кучоқ очиб кутиб олиши ҳаммага аён эди.

Ая меҳмон олдида дастурхон ёзар, қанд-қурс, конфет-шоколад, майиз қўяр ва, албатта, қизларига айтиб, бирон иссиқ таом тайёрларди.

Келган қўноқлар бир тўкин дастурхонга, бир ҳамроҳларига қарашар, бошларини маънодор чайқашар ва гўёки: “Кўрдингизми, тилласи бор бу хотиннинг, тилласи, бўлмаса шу-унча нарсага пулни қаёқдан топади!” дейишарди.

Бора-бора аянинг олдида ўз ночор аҳволида шиквашикоят қилувчи хеш-ақрабо сони кўпайиб кетди.

Одатда, Салима ая уларнинг гапини тоқат билан эшитар, мабодо, арзи-ҳол ҳалдан ошиб кетса:

— Кўйинг-э,— деб меҳмонни гапдан тўхтатарди. — Тўрт мучангиз бут, фарзанд бор, уй-жой бор, унчалик ношукрчилик қилаверманг-да... Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади...

Балки ушбу тасаллидаги мантиқ боис арзи-ҳол ила келгучилар кўз ёшларини тўкиб, дардларини дoston қилиб сўйласалар-да, юрак ютиб асосий мақсадга, яъни қарз сўрашга ўтолмасдилар. Ким билади дейсиз, аянинг салобати босармиди...

Аммо кейинги пайтларда ая саҳар соат нечада ўрнидан туради, сўнг қаёққа боради, умуман, кун бўйи нима иш билан машғул бўлади, қўноққа ёки тўйга кетаётганида қизларига нималарни тайинлайди, буни билишга қизиқувчилар сони тобора ортиб борарди.

Бемалол айтиш мумкинки, бундай эркак-аёллар учун аянинг уйи, энг асосийси — аянинг ўзи узлуксиз кузатув манбаига айланганди. Ҳатто айрим устомон аёллар арзимаган нарсаларни баҳона қилиб бир неча бор аянинг уйида тунаб ҳам кетишди... Табиийки, бу аёллар кечаси билан мижжа қоқишмади, ая ярим тунда ҳовлига чиқса ҳам бирга чиқишди, сўнг эса уй бекасининг бир текисда нафас олиб, хотиржам ухлашини кузатган кўйи жоникиб, асабийлашиб тонг оттиришди...

Кўпчилиكنинг назарида тилла тангалар шундоққина уйнинг ўзида, қўл узатса етгулик бир жойда яшириб қўйилган эди. Зеро, аёллар аллақачонларидек сабаб бўлса-бўлмаса кучоқлайвериш, бечора аяни пайпаслайверишиб, белини шилиб, кўкартириб юборишди ва тилла тангалар белда олиб юрилмаслигига тўла иқдор бўлишганди.

Худди шундай қисматга толиба ва уйдаги қизлар ҳам рўбарў бўлишди. Бечора қизлар хеш-уруғларнинг бу қадар меҳрибон бўлиб қолишганидан, шартта бағрига босиб олаверишларидан ва нечукдир зўр бериб белларини пайпаслайверишларидан ҳайратда эдилар...

Салима ая тилига маҳкам аёллардан чиқиб қолди. Зеро, тўй-маъракаларда ёинки қўноққа чақирувларда Анорбой синчи ёинки Раббим чўлоққа ўхшаш овулдошлар гап орасида элнинг пешона тери эвазига бунёд бўлган бойликлар охир-оқибат мана шу элнинг ўзига бўлиб берилса мақсадга мувофиқ бўлиши лозимлиги хусусида имо-ишорали, қочиримли гаплар

қилишар, аммо Салима ая гапдонлар қатори бошқа ҳамқишлоқларининг ҳам ўзига синчков-синчков тикилиб қолганликларини сезмагандек жилмайганча ўтираверарди.

— Бу хотин бало! — дея эътироф этди бир куни Анорбой синчи эркаклар орасида кечаётган гурунг чоғи. — Бизга ўхшаган андиларни сувга олиб бориб, суғормай олиб қайтади. Шунча гапираман, сира сиртига сув юқтирмайди-я! Бир туки қилт этмай ўтираверади...

\* \* \*

Тўнғич қиз институтни битириш арафасида оиладаги учинчи қиз ҳам бир уринишда институтга кирди-кетди.

Қишлоқ аҳли бир гуриллаб олди.

— Ҳа, ана, битаси кирар ўз кучи билан, — дерди ёқасига туфлаб-туфлаб олган Анорбой синчи ҳовлиқиб, — ҳа, ана, нари борса иккитаси кирар! Лекин учтаси... Йўқ, ўламан саттор, лекин мен бунга ишонмайман. Ҳали мени айтди дерсизлар, бу хотиннинг бир балоси бор...

Албатта, “бир бало” дейилганда нима назарда тугилаётганини ҳамма англаб турарди. Аммо...

Баайни овулдошларини ҳайратда қолдиришда давом этаётгандек — шу йили кузда Салима ая тўнғичини турмушга узатди. Салима аянинг ёшлик йилларини эслатадиган, сулувгина, Нодира исмли бу қиз ўзи билан бирга ўқиётган йигит билан суйишиб қолган экан.

Буни эшитган Раббим чўлоқ жўшиб кетиб, бир даврада қаттиқроқ гапириб ҳам юборди:

— Бу нима деган гап, оғайнилар? Яхши қиз маҳалласидан нари кетмайди, дердик-ку. Шундай қизни бегона жойга бериб юбораверамизми? Ўзимизда йигит йўқми?

Албатта, гишт қолипидан кўчиб улгурган, яъни Нодиранинг тўй куни ҳам белгиланиб улгурилган эди. Аммо Раббим оқосоқолнинг гапи ўғиллари бўй етиб қолган оталарга ўзига хос огоҳлантиришдай янгради: “Эсинг борида эгаллаб қол...”

Тез орада тўй бўлиб ўтди. Қишлоқ оқосоқолларининг, қайвониларининг шунча ҳаракат қилишига қарамасдан, Салима ая куёв томон олиб келган майда-чуйдалар хусусида бирон марта бўлсин норози бўлиб гапирмади, “Ёшлар бахтли бўлса бас, нарса топилади”, дея жилмайиб тураверди.

Бу қадар тангиликдан ҳайратга тушган аёллар ўйлай-ўйлай охири бир хулосага келишди: “Бу ёғида йиғиб қўйгани бор-да, бўлмаса-ку... Ўшанақа қизил тилладан биздаям бўлганида эди, ўзимиз билардик...”

Тўй олдидан кўрпа қавиш учун ҳашарга чақирилганда, Салима аянинг уйини қиз-жувон босиб кетди... Бунча одам келишини кутмаган аянинг боши осмонда эди.

Аёллар... кўрпа қавиш баҳона ҳар бир хонага қайта-қайта кириб чиқишди, ҳатто уларнинг ичидаги баъзи бир ғайратлилар молхонага қадам ранжида қилиб, молларнинг тагини тозалаб қўйишга ҳам улгуришди. Айни пайтда ҳашарга келган аёлларнинг диққат-эътибори елиб-югуриб хизмат қилаётган Салима аяда бўлди. Аммо ая бу гал ҳам сир бой бермади, жилмайиб юраверди.

— Бу хотиннинг асаблари темирдан экан, — деган хулосага келишди баъзи аёллар. — Ё бўлмаса тилласини ишончли бир жойга кўмиб ташлаган.

Ширингина тўй бўлиб ўтди. Столдаги тўкин-сочинликни кўрган қишлоқдошлар лаб тишлаб қолишди, сўнг бир-бирларига маънодор кўз ташлашди: “Бор-да, бор... Йўқ бўлганда-ку...”



\* \* \*

Кейинги кўклам серёгин келди.

Узлуксиз ёққан жала туфайли кўпчилик қатори Салима аянинг ҳовлисини ўраб турган пахса деворнинг бир неча жойи ҳам нураб қолди.

Кун сал исиб, ерлар қурий бошлаганидан сўнг безовталаниб қолган ая яқин қариндошларнинг уч-тўрт фарзандини ҳашарга чорлади.

Нураган деворни тиклаш учун нари борса тўрт ўғлон бир кун ишласа етарли эди. Айттайлик, эрталаб лой қорилса, тушга бориб лой пишйди, тушдан кейин деворни бемалол тиклаб қўйса бўлади.

Салима аянинг безовталаниб нураган девор ёнида қайта-қайта пайдо бўлаётганини кўрган Анорбой синчи биринчи бўлиб:

— Бу ерда бир гап бор... — деди маънодор тарзда ва, чақирилмаган бўлса-да, ўзи бош бўлиб, ўғилларини ҳашарга бошлаб келди.

Худди шундай мулоҳазага борган Раббим чўлоқ ҳам икки боласини етаклаб етиб келди. Ҳатто ўххў-ўххўлаб йўталаётган Абдуракул ўпка ҳам бир кетмонни елкасига қўйганча келаверибди.

Хуллас, ҳовлига одам тўлиб кетди.

Ҳам қувониб кетган, ҳам ҳайрон қолган ая бунча одамни тузукроқ меҳмон қилишни ўйладими, ишқилиб, собиқ синфдоши Наби отани бир чеккага тортиди-да, оғилда турган қўйларнинг ичидан семизроғини танлаб олиб, сўйишни илтимос қилди.

Меҳмонлар бу тантиликни ҳам табиий ҳол сифатида қабул қилишди: “Бор-да, бор, йўқ бўлганда-ку...”

Хуллас, камида ўттиз чоғли ҳашарчи бир қўйни еб, кекирибгина, аммо деворга синчиклаб кўз ташлаб ўтиришди. Тўрт-беш чоғли серғайрат йигит ҳамма ишни уч-тўрт соат ичида битириб ташлашди.

Аяни эринмай кузатиб ўтирган Анорбой синчи кеч маҳал, уйга қайтиш учун йўлга тушган маҳаллари Раббим чўлоққа шивирлади:

— Бало бу, бало... Тиллани бошқа жойга яшириб қўйган...

Раббим чўлоқ кемшик тишларини кўрсатиб илжайди: — Эгасининг минг пойлагани, оламан деганнинг бир пойлагани... Хотин барибир хотин-да, бир куни билдиради-қўяди...

Бу гапни эшитган синчи худди қип-қизил тиллаларни қўлга туширгандек оғзи қулоғига етиб илжайди ва кафтларини бир-бирига ишқади:

— Билдиради, барибир билдиради...

Мазкур мулоқотга беихтиёр шоҳид бўлган Анорбой аканинг ўғли сўраб қолди:

— Кейин нима бўлади?

Синчи ўғлига ажабланиб қаради:

— Нима нима бўлади?

— Тилла қаердалигини билиб олганларингиздан кейин нима бўлади?

Синчи бир лаҳза ўйланиб қолди. Дарвоқе, шу ҳақда ҳеч мулоҳаза юритиб кўрмаган экан. Аммо синчи ўғлининг олдида сир бой бергиси келмай, жаҳд билан дўқ урди:

— Сен катталарнинг ишига аралашма. Аввал топиб олайлик, нима қилишни кейин ўйлаб кўраверамиз... Салиманинг бобоси бу тиллани осмондан олмагандир, бизнинг боболаримизни ишлатиб топгандир...

— Тўппа-тўғри, — дея тенгдошининг фикрини маъқуллади Раббим чўлоқ. — Менинг бобом Салиманинг бобосининг қўлида қарол бўлган. Демак, тиллада менинг ҳиссам бор...

— Бизнинг улушимиз кўпроқ, — деди ишонч билан

синчи. — Чунки Салиманинг бобосининг бобоси бизнинг бобомизнинг бобосининг ерини тортиб олиб, кейин сотиб юборган экан... Буни менга отамнинг отаси айтиб берган...

\* \* \*

Орадан яна бир йил ўтди.

Овудлошларининг шунча саъй-ҳаракатларига қарамай, Салима ая барибир сир бой бермай юрган эди. Кутилмаганда...

Кўкламнинг бошларида қишлоққа сел келди.

Салима аянинг уйи сал пастликда эди.

Сел аянинг уйига етмаган, аммо ертўласини сувга тўлдирган.

Уйи баландроқда бўлган Наби ота синфдошидан хабар олай деб келса...

Ертўлани босган тизза бўйи лойқа сув ичида юрган Салима ая қизариб-бўзариб:

— Синфдош, сиз бораверинг, мен ўзим... — деганмиш.

Наби ота... фаҳмлигина одам эди. Синфдошининг бу илтифотидан андак шубҳаланган ва индамай қайтиб кетиш асносида ўз гумонини йўлда учраган Анорбой синчига айтган.

Синчи ўйланиб қолган, сўнг ишонч билан:

— Тилла ертўлада! — деган.

Иккала қария худди келишиб олгандай шу заҳоти катта-катта қадам ташлаб Салима аянинг уйига келишган. Келиб кўришадик, ая ҳамон тизза бўйи лойқа сув босган ертўласида сувни шалолатиб кечиб, тез-тез энгашган қўйи афти лойга беланиб, бир нимани излаб юрибди...

Синчи йўталиб, овоз беради.

Йўтални эшитган заҳоти кескин қад ростлаган Салима ая меҳмонларни кўриб, бирдан қазариб-бўзаради ва ноилоҳ:

— Вой, келинлар, — дейди.

Синчи аёлга ўта диққат билан тикилишда давом этган қўйи:

— Бир хабар олиб кетгани келгандик. Ёрдам керакми? — дейди.

Салима ая довдираб, эсанкираб, жон ҳалпида:

— Йўқ, йўқ, сизлар бораверинлар, мен ўзим... — дейди.

Синчи бир нарсага эътибор беради: ҳали шу пайтга қадар ая бирон марта уйига келган меҳмонга “Бораверинлар...” демаган, аксинча, кулиб, хушхандон кайфиятда кутиб олган.

“Бу ерда бир гап бор...” деган тўхтамга келди синчи.

Шу боис:

— Ёрдамлашиб юборайлик эмаса, — дея бир қадам олдинга юрди.

Ранги қув ўчиб кетган ая жон ҳолатда қўлини юқори кўтарди ва:

— Йўқ, йўқ, — деди баттар эсанкираб ва ҳаттоки ҳаяжондан овози титраб. — Сувга тушиб ўтирманг. Муздай экан. Мен ўзим...

— Мен маҳсидаман, — бўш келмайди синчи.

— Менинг ўнг оёғимни совуқ уриб кетган, энди совуқ ўтмайди, — дея орага қўшилади Наби ота. — Ўзим кирай эмаса...

— Йўқ! — дея ҳайқириб юборади Салима ая жон аллозда. Сўнг, овози қаттиқ чиққанидан ўзи хижолат чеккандай, сал мулоий гапиришга уринади: — Авал сув силқисин, кейин ўзим...

Шу гапни айтгандан сўнг Салима ая шалаббо уст-бошида, юзи лойга беланган ҳолда ертўладан чиқиб келади ва ўзига айрича диққат билан термулиб турган

иккала эракни ажаблантирган кўйи тизза бўйи лойқа сув тўпланиб ётган ертўланинг ёғоч эшигини... ёпишга уринади.

Айниқса ушбу ҳолат синчининг ўй-хаёллари бир жойларга улоқиб кетишига сабаб бўлди.

Табиийки, остонага лой тўпланиб қолганлиги боис эшик ёпилмади.

Салима ая эшикка бир муддат шуурсиз ҳолатда тикилиб тургач:

— Уйга кирингизлар, меҳмонлар, — дея ўзи йўл бошлади.

Аммо сезгир синчи яна бири нарсани англаб улгурган эди: Салима ая бу таклифни ўлганининг кунидан, тил учиди айтди-ёв... Бошқа пайт бўлганда-ку, ая тилидан бол томиб, хуш-хандон кайфиятда кўноқларни уйга чорлаган, ўзиям елиб-югуриб хизмат қилган бўларди...

Синчи бир амаллаб тилга кирди:

— Майли, раҳмат, бошқалардан ҳам бир хабар олайлик...

Ажабки, Салима ая кўноқларни қайта уйга чорлаб ўтирмади. Синчи бунга ҳам эътибор берди. Бошқа пайт бўлганда-ку...

Ертўла тарафга қайта-қайта орзиқиб қараб, ноилож йўлга тушган Анорбой синчи орадан ярим соат ўтар-ўтмас шу ерга қайтиб келди ва...

Не кўз билан кўрсинки, ертўланинг ёпилмаган эшиги ёнига Салима аянинг баҳайбат Бўрибосар ити боғлаб қўйилган эди.

Ертўлада недир бир ҳаракат бўлаётганлиги ҳам аниқ эди. Синчи узоқдан бўлса ҳам зингил солиб қаради ва фонус кўтариб олган Салима ая яна тизза бўйи лойқа сувни кечганча бир нималар қилаётганини кўрди.

“Тамом! — дея ўйлади Анорбой синчи. — Кампир ўзини фош қилди. Тилла шу ерда!..”

Дарвоқе, қайд этиб ўтайликки, қишлоқда синчков одамлар кўпчиликни ташкил қиларди ва айниқса Наби отанинг учраган одамга бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб бераверганидан сўнг Анорбой синчи сингари хулосага келганлар анча-мунчани ташкил этарди...

\* \* \*

Қизил, қип-қизил тиллалар бор ва улар шундоққина кўл етгудай жойга, ертўланинг бирон қавагига яшириб қўйилган эди...

Бу ўй, бу мулоҳаза кўпларнинг ақл-хушини ўғирлади.

Атиги бир ҳафта мобайнида камида ўн-ўн беш киши келиб, Салима аяга ертўлани кенгайтириб қазиб беришни таклиф этди.

Ертўлани кенгайтириш қишлоқда урф бўлган эди. Ахир ертўла қанча кенг бўлса шунча яхши-да: тайёр жой, тайёр музхона. Саратон чоғи ҳам ош-қатиқлар муздайгина бўлиб, айнимай тураверади.

Аммо уйга келганлар айтаётган ҳақ кулгули даражада паст эди. Дейлик, бир қулоч ер қазиб ўртача саккиз юз сўм бўлгани ҳолда, ая ҳузурига келганлар беш юз, тўрт юз, уч юзгача бўлган миқдорни айтишди. Анорбой синчининг фарзандлари эса:

— Бизга бир сўмингиз керак эмас. Бу ҳашар, биздан арзимаган ёрдам, — деб туриб олишди.

Бироқ Салима ая ертўласини текинга қаздиришга ҳам кўнмади.

Эл-улус ўзича бир хулосага келди...

Салима аянинг уйдан совчилар аримай қолишди. Эшикнинг турумини бузгудай даражага етган совчилар

шу қишлоқнинг ўзидан эди. Сўнг буларнинг сафига кўшни қишлоқдан, кейин эса туман марказидан, ниҳоят қўшни туманлардан, олис-олис қишлоқлардан келганлар қўшилишди.

Салима аянинг вақти чоғ эди...

Кейинги толиба қиз институтни битириш арафасида кўшни қишлоққа, ўзи билан бирга ўқийдиган йигитга тушди.

Тўй тўкин-сочин ўтди ва бу қишлоқ аҳлини асло ажаблантирмади: “Бор-да, бор... Йўқ бўлганда-ку...” Балки шу хулоса таъсирида бўлса керак, тўйда қишлоқ аҳли астойдил хизмат ҳам қилди.

Худди шу тўй оқшоми аянинг ертўласига ўғри тушди.

Бу ғалати ўғрилар ертўлани ағдар-тўнтар қилиб ташлашган, яъни ертўланинг барча бурчакларини ковлашган, бунинг учун кетмон ишлатишганми ёки тешами, ишқилиб, ковланган жойлар унчалик чуқур эмас эди.

Ўғирликдан хабар топиб, кўп қатори ертўлага тушган Салима аянинг бир жилмайиб қўйганини кўрган синчининг юраги орқасига тортиб кетди. Сўнг ўзича бир қарорга келди: “Бало бу... Тиллани аллақачон бошқа жойга яшириб қўйган...”

Худди шу йили Салима аянинг кейинги қизи ҳам институтга ўқишга кирди. Қишлоқ аҳли бунга ҳам худди шунақа бўлиши шартдек қабул қилди. Фақат баъзи оғзига кучи етмаганлар уер-буерда минғирлаб қолишди:

— Бор-да, бор... Йўқ бўлганда-ку...

\* \* \*

Фурсат аталмиш шиддатли оқим тинмай олдинга, номаълум томонга интилгани-интилган эди.

Қайд этилган воқеалардан сўнг ҳам орадан йиллар ўтди.

Қишлоқда Салима аяни орқаворатдан “Бой хотин” деб чақиришарди. Шунга яраша, аянинг обрўси ҳам баланд эди. Айтиб ўтганимиздек, бирон тўй-маърака аянинг иштирокисиз ўтмасди. Ая овулнинг кайвони аёлларидан бирига айланиб улгурганди.

Бу орада кампир кейинги қизини ҳам бир баобрў хонадонга турмушга узатди. Ҳолбуки, совчи деганининг сони бор эди-ю, саноғи йўқ эди.

Қизил, қип-қизил тиллалар эса кўпчиликнинг ёдидан чиқмаган экан. Аянинг шу қизига уйланаман деб роса ҳаракат қилган, аммо омади юришмаган йигитлар орасида Анорбой синчининг ўғли Азим ҳам бор эди. Шу йигитча бир куни қайсидир тўйда ичиб олган-да, ўртоқлари билан биргаликда тўйдан тугунини кўтариб қайтаётган Салима аянинг йўлини тўсган ва тўғридан-тўғри:

— Салима ая, қийналиб қолдим, тилла тангангиздан ҳеч бўлмаса биттасини қарзга бериб туриг, — деган.

Жўраларнинг ҳаммаси ҳам бир маст бўлмаган экан. Ўша ақли-хуши жойида йигитларнинг айтишига қараганда, ая Азимга диққат билан, ҳаттоки ачиниб қараган. Сўнг:

— Сен бола бир жойда ишламасанг, ўқимасанг, тиллани кейин қандай қайтарасан? — деб сўраган.

Бир томондан, аянинг овозидаги меҳрибон оҳанг, иккинчи томондан саволдаги темир мантиқ боисми, Азим ногоҳ қип-қизариб кетиб, гўё аянинг фикрини маъқуллаётгандай бош ирғагану, дарров бу ердан узоқлашиб қолган...

Ана шу воқеадан кейин “Ая бировга қарз бермайди”, деган гап овулда тез тарқалди.





\* \* \*

Орадан йиллар ўтди.

Салима ая ҳамма қизларини ўқитди, олий маълумотли қилди.

Ўғилой шаҳарда қолди; институтни битирганидан сўнг, ўша ернинг ўзида муаллималик қила бошлади.

Ўғилойнинг тўйи айниқса дабдабали бўлди. Ўзиям никоҳ кечасига Тошкентдан артист олиб келишди. Куёв шаҳарда ишларкан, тадбиркор экан. Иккита фабрикаси бор экан...

Аммо бир нарсага тан бериш керак, Салима ая “Қуда тарафим бой-бадавлат экан” деб қўл қовуштириб ўтирмади, ўзининг обрўйини сақлади, қуда тарафдан қолишмади. Бутун овул аҳли ҳам тўйда елиб-югуриб хизмат қилди.

Тўғри, тўйнинг маҳобатини кўрган Анорбой синчи анча вақтгача сиқилиб, эзилиб юрди, дўст-жўраларига, яқинларига:

— Тилланинг камида иккитаси кетди-ёв, — деди.

Синчининг тиллаларга бу қадар куйинишидан ажабланганлар ҳам бўлди. Аммо бошқа бировлар “Хаммаси тушунарли” дегандек маънодор бош чайқаб қўйишди: синчи ўлсам ўламан, аммо Салиманинг қизларидан бирини биронта ўғлимга олиб бераман, қуда-анда бўлганимиздан кейин секин-секин сирлашиб, тиллаларни топиб оламан, дея ўзига ўзи ваъда бериб қўйганди.

Аммо тақдир экан, Анорбой синчи шунча елиб-югурганига қарамай Салима ая билан қуда бўлолмади...

Салима ая ҳамма қизларини уйли-жойли қилди. Буни қарангки, кенжа қизи Нозима шу қишлоққа келин бўлиб тушди. Қизи тушмагур Абдурасул ўпканинг кенжатоёй билан институтда бирга ўқиган кезлари топишиб қолибди.

Тўғрисини айтиш керак, Анорбой синчи аввалига тўй хабарини эшитиб кўзи қонга тўлган аҳволда ярадор шердек хонасида уёқдан-буёққа бориб келаверди, ўзича бир нималар деб гўдранди, ҳатто бульдозер олиб бориб, Салима аянинг уйини таг-туғи билан қўпориб ташламоқчи ҳам бўлди. Аммо орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин синчи ўзини босиб олди. Абдурасул аканинг аллақачон ўпка касаллигидан ўлиб кетганини эсларкан:

— Ҳали ҳаммаси тамом бўлмади, — деб қўйди минғирлаб.

\* \* \*

Салима ая қишлоқнинг баобрў кайвониси сифатида, барча қизларини турмушга чиқариб, ўн иккита неваранинг меҳрибон бувиси бўлган чоғларида, олтмиш тўққиз ёшида ҳаётдан кўз юмди.

“Худога шукр”, деган иборани ая умрининг охирига қадр такрорлаб юрди.

Салима аянинг қирқи ўтгандан кейин қариб, бели букчайиб қолган, кўзларидан нур кетган Анорбой синчи яна ўша қизил, қип-қизил тиллалар ҳақида гап очди. Зеро, ая фарзандларига ҳам, невараларига ҳам тилла мерос қилиб қолдирмагани маълум эди.

Бу гап бировга ёқди, бошқа бировнинг энсасини қопирди.

Аммо Анорбой синчи туриб олди:

— Тиллани кўрмасам армонда кетаман...

Қариянинг истаги адо этилди.

Анорбой синчи бола-чақали бўлиб кетган иккала ўғлини олиб, Салима аянинг уйида тўрт кун гимирлаб юрди. Фарзандлар ота кўрсатган жойларни эринмай қовлашди.

Салима аянинг уйи ҳам, машҳур ертўласи ҳам ўнқир-чўнқир бўлиб кетди.

Ахийри, синчи янглишмаса, тўртинчи кун эди, фарзандлар норозиланиб, “Кетамиз”га тушиб қолишиб, кетмон-чўкичларни зардалироқ тарзда ишлатиша бошлаган эди, ертўланинг кун чиқар тарафидаги бурчакда...

Чўкич бир нимага “қарс” этиб урилди. Сўнг чўкичга бир парча оқ латта ўралиб чиқди.

Бу оқ латта нимаси биландир ҳов ўша ҳовуз ёнида болалар кўрган оқ белбоғни эслатарди.

Анорбой синчи ҳаяжонланиб кетди. Фарзандлар ҳам.

Тез орада чуқурча қавланди.

Бу... ҳақақатан ҳам оқ белбоғга тугилган бир ҳовуч танга эди...

Уларни қип-қизил деб атаб бўлмасди. Тўғрироғи, моғор босган, ранги ўчган қизғиш тангалар...

Синчи энтикиб тангаларни кўзига яқин олиб борди.

Бу... шўро пайти зарб этилган беш тийинлик мис тангалар эди...

Фарзандлар кулиб юборишди.

Аммо синчи таслим бўлмади.

Тангаларни йиғиб олиб туман марказига, таниш тиш шифокорига олиб борди.

Уларни бир-бир текшириб кўрган шифокор узил-кесил хулоса чиқарди:

— Оддий мис тангалар. Бир мисқол ҳам олтини йўқ...

Шифокор синчининг “қизил, қип-қизил, ялтираб турган тилла тангалар” ҳақидаги саволига ҳам ўхшатиб жавоб қайтарибди:

— Бу тангани ҳам гиламга ярим соат ишқаб турингчи, ялтираб кўзни оладиган бўлади...

Анорбой синчи туман марказидан гарангсиб, карахт аҳволда қайтиб келди ва шу куни кечқурун қаттиқ хасталаниб, ётиб қолди. Иссиғи қирқдан ошиб кетган синчи ярим кечасига бориб алаҳлай бошлади: “Тилла... Қип-қизил тилла... Меники...”

Анорбой синчи вилоят марказида узоқ вақт даволанди.

Қишлоқда эса бу борада ҳамма ҳар хил фикрда эди. Айримлар “Салима аяда умуман тилла бўлмаган, ая шунчаки ҳазиллашган” деса, бошқалар “Йўқ, тиллалар бўлган, ая уларни тўйларга ишлатиб юборган”, дейишарди ишонч билан. Яна баъзи бировлар эса “Ая болаларининг бахтини ўйлаб шундай қилган, ахир бизда бой одамнинг ҳурмат-эътибори катта бўлади-ку, қишлоғимизда аслида бой бўлмасанг ҳам, бойга ўхшаб яшасанг яхши”, деб ҳам қўйишарди.

Хуллас, яқдил хулосанинг ўзи йўқ эди ўша қизил, қип-қизил тиллалар масаласида...

Ўтган ҳафта Анорбой синчини дафн этдик. Бечора шифохонада қийналиб жон берибди. Синчининг оғзидан чиққан сўнгги сўз ҳам “Тилла...” бўлибди...



Муродхон НИЁЗХОНИЙ



# СЕВСАНТ...

Тегирмон тоши.  
Виждон - дон  
Тинмай айланади  
Тегирмон...

\* \* \*

Гуноҳларим  
Тегирмон тоши.  
Виждон - дон.  
Эзилиб, ун бўлар  
Тонггача.  
Қисматим -  
Шу уннинг нонини  
Чайнамоқ кун бўйи -  
Шомгача.  
Тегирмону тандир ораси  
Асли тенгдир  
Азоб йўлига.  
Имонимни  
Бериб қўйдим мен  
Қачон, қайси шайтон  
қўлига?!  
Гуноҳнинг умри-  
Бир лаҳзалик  
Азобники эса  
Умрга тенгдир.  
Тавбага етарми  
Бир умр?  
Илло, Яратганнинг  
Карами кенгдир.  
Тавбага етгайми  
Шу умр?  
Умидим -  
Тангримнинг карами  
Кенгдир.  
Гуноҳларим кечиб,  
Қудрат соҳиби  
азоб тегирмонин  
тошларин синдир.  
Гуноҳларим -

Сен мендан  
Армон ҳақида сўрама.  
Кўрмаганмисан  
Атиргулнинг  
Қиров урган  
ғунчаларини?

\* \* \*

Севсанг  
"Севдим!", дема  
"Куйдим!", де.  
Куйсанг  
"Куйдим!", дема  
"Ўлдим!", де.  
Ўзингни  
Бир марта  
Ўлдирмай туриб  
Ҳеч кимни  
Бир умр  
Сева олмайсан.  
Севсанг  
"Севдим!" дема...

\* \* \*

\* \* \*

Қор ва музлар босган довон ортида  
Дунёдан узилиб қолган бир рўё.  
Баҳор ва кимнингдир қайтишини  
Кутаётган қишлоқ - юрагим гўё.

\* \* \*

Бахтнинг шу бугун бахтсиз куни экан.  
Нима қилар эди самодан тушиб?

Бечора билмаган эканда асли,  
Юрган пайтларида осмонда учиб,  
Заминда кўплардан қарзи борлигин...

\* \* \*

Дарёга отган тошни  
қайтариб олса бўлмас.  
**Кўшиқдан**

Дарёга отган тошни  
Қайтариб олса бўлар.  
Ўйламай айтган сўзни  
Қайтариб олиб бўлмас.

Дарёга тош отганда  
Ўйин учун отасан.  
Сўзнинг захри ёмон-ов,  
Ўйламасдан отма сан.

Бир сўзингдан бир кўнги  
Обод бўлар, истасанг  
Бир сўзингдан бир кўнги  
Барбод бўлар, истасанг.

Бу дунёда кўп асли  
Тошотару сўзотар.  
Фикр қилгин яхшироқ:  
Қайсидан кўпдир хатар?

Тошдан етса жароҳат,  
Тузалади, битади.  
Сўздан етса жароҳат  
Гўрга олиб кетади.

Дарёга отган тошни  
Қайтариб олса бўлар.  
Ўйламай айтган сўзни  
Қайтариб олиб бўлмас.





Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

## Эссе

### Одил акага бағишлаганим

Иденга ўхшаб барча редакцияларни тўлдириб ташлаганим йўқ. Фақат ёзиб-ёзиб тахлаб ташлаётиман. Ярни уйда — Барлос қишлоғида, ярни — Жиззахда, ишхонамда чанг босиб ётипти.

Ёза бошладим ҳамки, Одил Ёқубовга ёзган-чизганларимни кўтариб бориш ниятидаман. Мен Одил аканинг асарларини жуда яхши кўраман. Биринчи марта тўртинчи ё бешинчи синфда ўқисам керак, кўлимга Одил Ёқубовнинг "Ота изидан" номли қиссаси тушиб, қаттиқ таъсирланганман. Ўғилнинг ота изини, отасининг қотилларини топиши, қочоқ (Қосимов бўлса керак)ни

# Мен қандай ёзувчи бўлган эдим

1981 йил 5 январь.

Тошкентдаги Яланғоч санаторийсининг шифохонасига даволаниш учун ётдим. Бу ерга мени Жиззахдан жўнатишди. Мен учун бу тарзда даволанишлар янгилик эмас. Ўрганиб қолганман. Шу сабабли шифохонада ўтадиган бекорчи вақтдан унумли фойдаланиш ниятида бир қоп ёзув-чизувларимни кўтариб келганман. Жумладан, 1978 йили бошлаб, етти бобини ёзиб тугатган "Ҳаётга йўлланма" романимни давом эттириш ва тугаллаш ниятим бор. Иложи борича кўпроқ ёзишни мўлжаллаётиман. (Матбуотда чиқиш кейин бир гап бўлар, олдин чиқарадиган нарсани тайёрлайин. Ўзим билан романинг ёзилган бобларини, аввал ёзган тўртта ҳикоямни ("Суюнчи", "Армон", "Ўғрини қароқчи урди", "Тўй") ва "Учрашув" номли қиссамнинг иккинчи вариантини олиб борганман. Ишни Теодор Драйзер ҳикоялари ва Жек Лондоннинг "Мартин Иден" романини ўқишдан бошладим. Биратўла "Граф Монте Кристо"ни ўқиб чиқдим. Шунингдек, Мартин Иденнинг ҳаёти менга қаттиқ таъсир қилди. Баъзи томонларим унинг ҳаётига ўхшаб кетар экан. Мен ҳам ўттиздан ортиқ ҳикоя, иккита қисса ва яримта роман ёзиб ташлаганман. Лекин ҳали биронтаси бир ерда нашр этилмаган. Тўғри, мен Мартин

топиши мени кўп ўйлантирганди. Чунки менинг отам кечаси тунги сменага ишга кетаётганда шубҳали тарзда аварияга учраган, қотил бугунга қадар топилмаган. Фалокат содир бўлганда мен беш ёш бўлганман. Шунинг учунми, мен ҳам қиссадан сўнг тезроқ катта бўлишни, отамнинг қотилини топиш истагида куйиб ёнганман. Ва шундан сўнг Одил Ёқубовнинг ҳар бир асарини суриштириб, излаб, топиб ўқийдиган бўлганман.

Аниқ эсимда. 1973 йилнинг ёзида, 9-синфни битирганимдан сўнг кўзим касалланиб, шифохонага тушдим. Ҳамма кўзим касалланишига кўп китоб ўқишим туфайли эканини айтишади. Тўғри, китобга жуда қаттиқ боғланганман. Овқат еяётганимда ҳам бир кўлимда нон, иккинчисида китоб, кўзларим китобда, оғзим нонда бўлади. Тўртинчи синфгача асосан эртақ ва дostonларни ўқиганман. Бирон-бир эртақ ё дoston мени четлаб ўтолмаган. Кўпларини ҳалигача ёддан биламан. "Қуёш ерининг паҳлавони" деган эртақ бўларди. Ўшани ўқиб олиб, кейин "синфдан ташқари ўқиш" дарсида айтиб бериб, барча синфдошларим, ҳатто синф раҳбаримиз Зоя Галимовнага қадар йиғлатганман. 3-4 синфларда меҳнат дарсида қизлар, шунингдек ўғил болаларга ҳам кашта тиктирарди. Йигит бўлиб қолган эмасмизми

(кашта қизларнинг иши, ахир!), уялиб, баъзан дарсга каштамини олиб бормасдим. Ушанда ўқитувчимиз жазо тариқасида мени доска қошига чиқариб, 45 минут давомида эرتак айттирарди. Мен эртак айтишдан чарчамасдим. 5-синфга ўтгандан сўнг ҳикояларга, қиссаларга ва ниҳоят романларга ўтдим. 1 май, 7 ноябр ва бошқа байрамларда биз район маркази — Булунгурга борардик. Кўлимизда бир-икки сўм байрамлик пул бўларди. Байрамга чиқиб, мен биринчи навбатда Булунгурдаги китоб дўконига кирардим. Пулимнинг асосий қисмига янги бадиий китобларни харид қилардим. Ундан сўнг семичка, шар, пирашка кабиларни олардим. Совхозимиздаги кутубхонанинг энг фаол ўқувчиси эдим...

Хуллас, 1973 йил ёзида кўзим касалланиб, китоб ўқишнинг иложи бўлмай қолди. Китобга қарасам, кўзларим ёшланиб кетаверарди. Касални аниқлаш учун аввал қорачиқни кенгайтиришар экан. Қорачиқ кенгайса, киши яхши кўрмай қоларкан. Шундай кунларнинг бирида касалхона ёнидаги киоскда "Шарқ юлдузи"нинг янги сонини кўриб қолдим. Мундарижасини қарасам, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи! Дарҳол сотиб олдим. Адашмасам, у пайтлари журналнинг бир сони 50 тийин бўларди. Агар бошқа ёзувчи асари бўлганда қорачиғим кенгайтирилганини ўзимга баҳона қилиб, журнални олмас эдим. Аммо Одил Ёқубов асарини олмай, қорачиғим жойига келиб, кўзим тузалгунга қадар ўқимай туриш мумкин эмас эди. Одил Ёқубовнинг ҳар бир янги асари мендек ёш китобхон учун катта байрам эди ва қандай қилиб мен бу байрамга чиқмаслигим мумкин? Шартта романни ўқишга тушдим. Кўзларим яхши кўрмайди, ёш оқади. Биламан, китоб ўқиётганимни кўрса, даволоччи врачим уришади, шу сабабли пана-пастқамда ўқийман. Ушанда роса қийналсам-да, асарни ўқиб чиқдим. Одил Ёқубовга нисбатан меҳрим яна-да ортди. Ҳақиқатан ҳам ўша даврлардаёқ Одил ака мен энг севган ва ҳурмат қиладиган ёзувчи эди. (У пайтлари ёзувчи бўлиш ҳаёлимда йўқ эди).

Булунгур тумани марказидаги Пушкин номли 60-ўрта мактабда, тўққизинчи-ўнинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда шоирликка (ёзувчиликка эмас) анча ишқибоз бўлиб, қатор шеърлар ёзганман. Синфдош дўстим Норбой Кўшмуродов иккимиз кунига, кун ора катта танаффус пайти ёнгинамиздаги туман газетаси редакциясига янги ёзган шеърларимизни кўтариб борардик. Шу тахлит ўша даврдаги маданият бўлими ходимлари Музаффера Кўзиёва, Дилфуза Жуманова, Абдураззоқ Мелибоевларни безор қилиб юборган эдик. Тез орада Норбой тан олинди, шеърлари туман газетасида босила бошлади. Мендан эса сира шоир чиқмасди. Устига-устак ойма-ой бериладиган "Ҳаваскорларнинг шеърларига обзор"да нуқул мен

атрофлича кескин танқидга учрардим, безор қилиб юборганим учун бўлса керак. Шундай қилсак қайтиб келмай кетади, деб ўйлашганми? Ва ниҳоят ўзим ҳам мендан шоир чиқмаслигига ишондим шекилли, прозага ўтдим. Бир ёзишда ўнганча ҳажвия ёзиб ташладим. Ўзимча ҳажвияларим ёмон эмасдай (зўр эмас албатта, буни ҳам тушуниб етганман шекилли, ўшанда). Албатта, ҳажвияларимга кўп нарсалар етишмаслигини билардим, аммо бундан зўрроқ ёзишга қодир эмасдим. Асарим газетادا босилиб чиқишини эса жуда-жуда истардим. Ногоҳ ҳажвияларимдан бирини Дилфуза Жуманова газетادا эълон қиламиз, деб қолди. Мен руҳланиб, яна ёзавердим, ёзавердим, сонини ўнганча етказдим. Лекин ҳеч бири газетادا босилмади. Ҳар сафар янгисини кўтариб борсам, ўқиб, газетادا босамиз, дейишардию, кейин нимагадир қолдиришарди. Охири шу нарса асосида яна битта ҳажвия ёздим. Унга ўзим ва Дилфуза опани бош қаҳрамон қилиб олдим. Буниси ҳам аввалига Дилфуза опага ёқди, чиқармоқчи бўлди. Кейин гап нимадалигини англаб етди шекилли, буниси ҳам қолдирилди. (Ўша ҳажвияларим ҳозир йўқолиб кетган.)

Кейинчалик Самарқанд Давлат университетининг рус филологияси факультетида ўқишга кирганим сабаб бўлди, то 3-курсни битирганга қадар айтарли бирон нарса ёзмадим. Тўғри, бир қанча шеърлар ёздим, аммо уларнинг савияси нақадар пастлигини ёзаётганимдаёқ ҳис қилиб турардим. Улар қалбимдан отилиб чиқмасди. Шунчаки, шоир бўлиб танилиш истагида ёзиларди. Шу сабабли уларни бировга кўрсатишга-да уялардим. Рус тили факультетида ўқиётганим учун энди ўзбекча китобларни унчалик ўқимасдим. Русча адабиётларга эса тишим кўпам ўтавермасди. Шу тахлит уч йил муаллақ қолганман.

Учинчи курсни битиришим арафасида, 1977 йил баҳорида ҳаётимда кескин бурилиш содир бўлди. Бу тўғрида бир йил кейин 1978 йили "Хиёнат" номли қисса ёзганман. (Қиссани кейинчалик ёқиб юборганман). Хуллас, бу кескин бурилиш, хиёнат менга қаттиқ таъсир қилди. Кимлардандир хафа бўлдим, кимларнидир сўқдим, кимлар биландир уришдим, ўзимча албатта. Ва бу ерлардан бош олиб кетишга қарор қилдим. Мен биринчи курсни битириш арафасида текшириш натижаларига кўра сил касаллар шифохонасига тушган, шу тахлит ёзги таътил пайти даволанган, кузги пахта терим даврида эса Наманганга санаторийга даволанишга жўнатилган эдим. Шундан бери ҳар йили шу даврларда санаторийларга жўнардим. Учинчи курсни битириш арафасида эса ёзги сессияни кутишга ҳам сабрим чидамади. Деканатга кириб, касалимни баҳона қилиб, сессиянинг 10 та имтиҳонларини уч кун ичида тезлик билан топширдим-да, Грузиядаги Абастумани курортидаги "Агобили"

*Ҳа, замонавий ўзбек насрининг пешқадам вакили, бағри дарё инсон, юзлаб ёш адабларнинг муносиб устози Одил Ёқубов 80 ёшга тўлди. Забардаст ёзувчимизнинг "Муқаддас", "Эр бошига иш тушса" қиссаларидан тортиб "Диёнат", "Улуғбек хазинаси", "Кўҳна дунё", "Оқ қушлар, оппоққушлар" романларини ўқимаган адабиёт муҳибни кам топиллади.*

*Улуғ адабимиз шу кунларда, яъни 80 ёшини қоралаб ҳам шижоат билан ижод қилаётир. "Бир кошона сирлари" драмаси, "Қайлардасан, Морико" қиссасида айни шу куннинг ўй ва эҳтирослари уфуриб турибди.*

*Ўзининг "оқсоқоллик" ёшини қизғин ижод билан кутиб олаётганига мисол тариқасида кунни кеча адиб*

*"Осий банда" романини ёзиб тугаллаганини эсламоқ жоиз. Биз журнал ижодий жамоаси кўп йиллик муаллифимиз, таҳрир ҳайъатининг аъзоси, ёш ёзувчиларнинг севимли устози Одил акани улуг ёш билан қутлаб, мустақкам соғлик, ижодий барқарорлик тилаб қоламиз.*

*Куйида эълон қилинаётган ёзувчи Абулқосим Мамарасуловнинг янги эссеси буюк ёзувчининг бир фазилати — меҳр-муруввати, ҳалол лафзи ва чексиз меҳрибончилиги, беминнатлиги хусусида. Эссе, гарчи қисқартириб босилаётган бўлса-да, ёш, ҳаваскор ёзувчилар ундан ибратли хулосалар чиқариб олиши шубҳасиз.*



санаторийсига бориб, уч ой ётдим. 1 сентябрда қайтиб ўқидик. Пахта терим бошланиши билан яна қирқ кун "Агобили"да бўлдим. Бу даврга келиб, юракдаги хиёнат яралари бирмунча қотган, энди ўша воқеаларни асар (роман) қилиб ёзиш истаги бутун вужудимни чулғаб олган, шу тахлит ўзимнинг кимлигимни ўшаларга (ва бутун дунёга!) кўрсатиб қўйиш истаги онгимни банд қилган эди. Мен бу ҳақда баҳордан бери ўйлардим. Ўзимча хаёлан сюжетлар чизардим. Романни қандай бошлайман, қандай давом этади, қаерда тугатаман, ҳаммаси миямдан ўрин эгаллаган эди. Қисқаси, фақат қўлимга қалам-дафтар олиб, ёзишни бошлашим керак эди, холос. Шу алфозда яна анча вақт юрдим. Роман ҳақидаги ўйлардан буткул азобланиб кетдим. Сюжетлар миямни жуда чарчатиб юборган эди. Туну-кун фақат шу ҳақда ўйлардим. Ўйлардимки, бир марта ёзаман, кейин оққа кўчириб чиқаману, тўғри Одил Ёқубовнинг олдига кўтариб бораман, шогирд тушаман.

Ўшанда ҳеч хаёлимга келмаган: боришга бораман-а, аммо Одил ака мени қабул қилармикан? Қандайдир, қабул қилишига ишончим комил бўлган. Ахир Одил аканинг "Фарзандлар бурчи"ни неча бор ўқиганман. Бошқа кўпгина мақолаларида ҳам, телевизорларда чиқишларида ёшлар ҳақида кўп яхши гаплар айтар, талантларга ёрдам бериш керак, дерди. Балки шу нарсалар менга ишонч бағишлагандир.

Шундай қилиб, 1977 йил октябрнинг охирларида Агобилидаман. Тонг отмасдан, эрта соат тўртлар атрофида уйғониб кетдим. Романни қандай бошлаш сюжети кўз ўнгимда турарди. Мен қўлимга қалам олиб, ёзиб бошлашим керак эди. Ёзмасам бўлмасди. Ёзмасликнинг иложи қолмаганди. Ёзишга мажбур эдим. Ортиқ бу қийноққа чидамасдим.

Ўша кунни кечгача тинмасдан ёздим. Бирон ҳафта шу тахлит давом этди. Кейин ёзганларимдан бир нусха кўчириб, Совет Армиясида хизмат қилаётган шоир дўстим Норбой Қўшмуродовга жўнатиб, унинг фикрини сўрадим. Ҳар қалай унинг шеърлари Булунғурдаги туман газетасида тинимсиз босилиб турар, туманда тан олинган шоир эди. Мени эса ҳамон ҳеч ким тан олмаётганди. Ёз кунлари ҳам Агобилида роса шеър ёзиб, 96 бетлик "умумий дафтар"ни тўлдирган, уларнинг нусхаларини узлуксиз Норбойга жўнатиб фикрини сўраб турган эдим. Норбой эса катта дафтар тўла шеърдан фақат битта тўртликни тан олди. Мана, ўша тўртлик:

*Нафосат рамзи деб гулни севишади.*

*Бир дона лола деб тоғ-тош кезишади.*

*Сезмай жаллодлин, одамлар ҳайҳот!*

*Узиб, ардоқлашиб, сўлгач, эзишади.*

Хуллас, 100 тача шеър бракка чиққанди. (Балки шунинг учун ҳам иккинчи бора шеър ёзишни қўйиб, насрга ўтиб кетгандирман.) Ўшандан бошлаб мени "ижод жазаваси" ("творческая лихорадка") тутди. То Самарқандга қайтганимча тинмай ёздим. Уйда ҳам ёздим. 4-курсни давом эттираётганимча ёздим. Тинмасдан ёзиб, жами ёзганларимни йиғиб чиққандим, икки-учта 96 бетлик "умумий дафтар"га жой бўлди. Ўзимча шунча кўп ёзганимга гурурланаман. Тезроқ тугатиб, Одил акага учраш нияти мени яна ёзишга ундайди. Гўё Одил ака мени кучоқ очиб кутиб оладигандай. Романимни ўқиб кўриб: "Баракалла, ажойиб асар бўлипти!", дейдигандай. Кўп ўтмай романим китоб бўлиб босилиб чиқадигандай. 20 ёшимда (1958 йили туғилганман, 6 ёшимда мактабга борганман, тўхтамай университетга кириб кетганман) бутун дунёга машҳур бўлиб кетадигандайман. Оёғим ерга тегмайди. Ёзиш, ёзиш, ва яна ёзиш... Мен ёзардим, тинмай ёзардим.

Демак, мен романни ёзганман. Ҳар кунни студентлар ётоқхонасининг ўқув залидаги энг охириги столини эгаллаб

оламан. Бир марта романнинг ягона қўлёзмасини йўқотиб ҳам қўйдим. Кечкурун эди. Дафтарни стол устида қолдириб (мазкур жой бандлигини таъкидлаш учун) овқатланишга чиқдим. Ётоқхона ҳовлисида бир-иккита курсдошларга дуч бўлдим-да, кўчага чиқдик. У бўлди-бу бўлди, ярим кечга яқин қайтиб, ўқув залига кирсам, дафтар жойида йўқ. Ҳайрон бўлдим. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Ала! қилар экан. Шунча меҳнатингга бир зумда куйиб қолсанг. 4-курсман. 1978 йил боши. Эртаси кунни ётоқхонага кирверишдаги эълонлар тахтасига "Ким дафтарни олган бўлса фалончига қайтарсин", деган маънода эълонимни илаётганимда бир тўда қиз келиб, эълонларни ўқий бошлашди. Бири: "Ийе, дафтар сизникимиди?", дея ажабланди. Бу физика факультетининг иккинчи курс талабаси нарпайлик Башорат исмли қиз эди. Кечаси ўқув залида у ҳам мендан кейин мен ўтирган партада ўтириб, дарс тайёрлаган, бир пайт ёзишдан зеркиб, ёнида ётган дафтарга кўз югуртган (яъни менинг дафтаримга). Аввал эътиборсизлик билан албатта. Қараса, лекцияга ўхшамайди, семинар ёзувлари эмас. Хат деса хат ҳам эмас. Дафтарни олиб, у ер-бу ерини титган. Қизиқиб, бир чеккадан ўқиган. Кейин қандай бошланишию, қандай тугагини билиш истаги уни ёндирган. Авторни (яъни мени) роса қутган. Ярим кечга қадар ҳеч ким дафтар учун келмагандан сўнг "эгасининг эсидан чиқиб, қолиб кетган бўлса" деган ўйда эҳтиёт шарт ётоғига олиб кетган. Дафтарда бор-йўғи исму-фамилиям ва "5" рақами бор эди. Яъни романим ёзилаётган бешинчи "умумий дафтар".

Кейинчалик Башорат билан тузуккина дўстлашиб қолдик. Физика факультетида ўқиса-да, адабиётга жуда қизиқар, бадиий асарларни яхши тушунар ва таҳлил қила олар эди. Романни қандай ёзиш ва давом эттириш бўйича, менимча, биринчи маслаҳатни Башоратдан олганман. Ва бу маслаҳатларга амал ҳам қилганман. Кейинроқ ўз факультетимизда, мендан бир курс пастда ўқийдиган бекободлик Турсунбой ва андижонлик Анварлар доимий танқидчиларим ва тақризчиларимга айланди.

Бир марта ўқиб чиққандан кейин Турсунбой ҳайрат билан:

— Сизда талант бор. Сиз бемалол ёзаверсангиз бўлади, — деди.

Кейин 12 варақдан иборат тақриз ёзиб берди романимга. Анвар ҳам.

Ҳар иккаласи ҳам менда катта талант борлигини, ёзган нарсаларим кишини ўзига жалб қилишини, ўзимга хослик борлигини таъкидлашарди-да, танқидга ўтишарди. Айниқса, Анварнинг танқидлари жуда кескин, жуда шафқатсиз бўларди. Бундан кейин қандай ёзишим кераклиги тўғрисида ҳам Анвар жуда зўр маслаҳатлар берган, йўл-йўриқлар кўрсатган. Танқид баробарида менга илҳом ҳам бағишлаган. "Биз шуҳрат сари интилишимиз керак, — деб ёзганди у, — лекин шунақанги интилиш бўлсинки, бизни доим янги асарлар ёзишга илҳомлантириб турсин". "Бизнинг авлод ўзбек адабиётида революция қилиши керак ва биз революция қиламиз", деб ёзганди у. Бундай гаплар қайси ёзувчига қанот бағишламайди дейсиз.

Шу тахлит, роман ярмига етганда уни қайтадан бошлашга қарор қилдим. Икки марта бир ой-бир ой тинимсиз меҳнат эвазига романни яна ярмига етказдим. Ва 1978 йил ёзида, тўртинчи курсни битирганимда англадимки, мен ҳали *роман ёзишга ёшлик қиламан*.

Ҳали тажрибам етишмайди. Шуни англадим, шартта тўхтадим. (Роман бугунгача (2006 йил) ўша ҳолида ётипти.)

1979 йили январда факультетда "Ласточка" (номни ўзимиз қўйдик) деган ЛТО (литературно-творческое объединение) ташкил қилдик. Аниқроғи, бу ташкилот илгарилари тузилгану, талабгорлар йўқлиги туфайли бир қанча вақтлардан бери ишламаётган экан. 31 январ куни биринчи машғулоти ўтказдик. Унда менинг "Учрашув" ("Свидание") номли ҳикоям муҳокамага қўйилди. Бу ташкилот асосан Турсунбой иккимизнинг саъй-ҳаракатларимиз эвазига жонланди. Турсунбойнинг гоёси, менинг ҳаракатим эвазига. Биринчи машғулоти ўтказиш учун тўрт-беш ой тайёргарлик кўрдик. Атайлаб, шу машғулоти учун ҳикоя ёздим. Романи тўхтатгандан кейинги иккинчи ҳикоям эди бу. Ҳикояни русчага таржима қилдик. Таржимонни Турсунбой ўз курсидан топди. Муаззам исмли қиз. Кейин ўзим уни саккиз нусхада машинкалаб, ташкилот қатнашчиларига тарқатдим. Бизга филология фанлари кандидати, рус совет адабиёти кафедраси мудири Вячеслав Николаевич Благодоров раҳбарлик қилди. Факультет декани Василий Григорьевич Ларцев оқ йўл тилади.

Муҳокамада яна менда катта таланти борлиги бир овоздан таъкидланди. Айрим эпизодлар ҳаммага жуда ёқиб кетган экан. Айниқса, қаҳрамоним ўйлаб, хаёл суриб кетаётган нарса ўқувчи кўзида (қаҳрамон назарида ҳам) гўё ҳақиқатда юз бераётгандай туюладию, кутилмаганда бунинг хаёл экани маълум бўлиб, ўқувчи ҳайратга тушади. Лекин, умуман олганда ҳикоямнинг авра-астарини чиқариб ташлашди. Жуда қаттиқ танқид қилишди. Ҳатто баъзилар: "Абулқосим қайтиб қўлига қалам тутмас керак", деб ўйлашган экан ўшанда. Лекин мен истаган, мен интилган, менга керак нарса айнан ана шу, ўз асарларимга турли нуқталардан баҳо олишга қизиқар, шундан хулоса чиқариб, кежалакда нимани қандай ёзиш кераклигини ўзимча ҳал қилардим. Жўрабой катта отамиз: "Маслаҳат қилу, билганингдан қолма", дерди. Мен айнан Жўрабой катта отамнинг невараси эдим. Мен ўзимда камчиликлар кўп эканини билардим, айнан конкрет мисолларда аниқлай олмасдим, менга менинг ёзганларим хусусида фикр, мулоҳазалар керак эди. Жудаям керак эди.

— Так, да, Вячеслав Николаевич?!

— Шундайми, Турсунбой?! Анвар?! Муаззам?! Гулнара?!

Муҳокамадан сўнг бир ой ўтмай танқидлар асосида ўша ҳикояни қисса даражасига чиқариб, уларнинг столига ташладим: "Энди кўзларингга қараб танқид қилинглар. Йўқса, қиссани романига айлантириб юбораман!"

1979 йили 21 ноябрда Намангандаги Парда Турсун санаторийсига даволанишга бордим. Режаларим кетта. Бир қанча ҳикоялар ва битта қисса ёзишим керак. Ҳануз бирон бир нарсам бирон-бир матбуотда чиққани йўқ. Аммо бу мени мутлақо ташвишлангирмайди. "Мен бари бир Одил Ёқубовга бораман, Одил Ёқубов мени қўллайди. Мен отилиб чиқиб кетаман. Мен ҳали буларнинг барига кўрсатиб қўяман", деган ўзимга ишонч, керак бўлса, кибру-ҳаво бор менда. Ана шу ишонч туфайли мен тинмасдан ёзганман. Мен бу даврга келиб, Васил Биков, Чингиз Айтматов, Фёдор Достоевскийларнинг асарларини бирмунча синчковлик билан ўқиб чиққандим. Бунинг таъсири янги ҳикояларимда сезилиб турарди. (Ҳар қалай менга шундай туюларди.) Распутинни, Шукшинни, Лондонни, Драйзерни ўқигандан сўнг ёзган ҳикояларим уларникига (кўр-кўрона) ўхшаб қолаверарди (ҳатто бунинг ўзим истамасам ҳам). Айниқса, Шукшин ҳикоялари менда ўчмас из қолдирди. Шукшин ҳикояларини ўқигандан сўнг ўзим ҳам шариллатиб бир қатор ҳикояларни ёзиб ташлагандим. Яна кўр-кўрона.

— Сезасизми, — деганди Жиззахдаги "Бўстон" газетаси редакциясида бирга ишлайдиган дўстим Ҳабибулла Ҳотамқулов, навбатдаги ҳикояларимни ўқиб чиққандан сўнг. — Шукшин ҳикояларида чуқур дард бор. Уни ҳатто сўз билан ифодалаб бериш қийин. Шукшиннинг китобхонга айтадиган сўзи бор. Сизда ана шу "айтмоқчи бўлган гап йўқ". Дард йўқ. Шунчаки ёзгансиз-қўйгансиз. Йўқса, айтинг-чи, шу ҳикоянгиз билан ўқувчига нима демоқчисиз?

Мен ўшанда жавоб бера олмаганман. Ўз устимда ишлайвериш натижасида билдимки, яхши ёзувчи бўлиш учун аввало савия керак экан. Ёзувчилик савияси! О! Бунинг келиши жуда қийин! Айнан ана шу савия етишмаслигидан қанча-қанча ёзувчиликни ихтиёр этиб, қўлига қалам тутганларнинг асарлари "юлдуз кўрмай жон бе\_ади". Тушунганим ва амалда билганим шуки, савия ошиши учун бошқаларнинг ижодини ёзувчи нуқтаи-назаридан туриб кўп ва ҳўп ўқиш ва ўқиш керак. Киши қанчалик кўп нарса ўқийверса, жуда кам нарсани билишини англаб боравераркан. Ҳеч нарса ўқимай юрган пайтларинг эса ўзингча дучёнинг барча сир-асрорлари сенинг қошингда тиз чўкишга мажбурдай бўлиб юраверасан.

Хуллас, 1979 йил ноябрда мен романини ташлаб қўйгандим. Уни давом эттириш ва тугатиш учун менда ҳеч қандай куч ва хоҳиш йўқ эди. Бундан ташқари Одил Ёқубов ўзининг кейинги йиллардаги бир қатор чиқишларида айрим ёшлар ҳеч нарсаси ҳеч ерда чиқмаган бўлса-да, редакцияга биратўла роман кўтариб боришини, аслида ишни ҳикоядан бошлаш лозимлигини кўп уқтирарди. Ўйлаб қарасам, Одил ака айтаётган ёшларнинг бири менман. Аввал роман ёздим. Кейин қисса. Энди ҳикояга тушсам ҳам бўлаверадиган вақт етди, шекилли.

Шундай қилдим ҳам. Тинмай ишлаб, бир ҳафтада бешта ҳикоя ёздим. (Зўрми?) Ўша кунлари санаторийда тошкентлик номдор бир профессор ҳам дам олаётганди. У раҳбарларнинг алоҳида назоратида эди. Кўплар фалон эмиш, пистон эмиш, деб ваҳима қилиб юришарди. Мен парво қилмасдим. Чунки ўзимизнинг Самарқанд университетимиз ҳам профессорларга бой бўлиб, уларни кўравериб, лекцияларини тинглайвериш, кўзим пишиб кетганди. Ўшаларнинг бири-да! Авлиё бўлармиди. Бир ҳафталардан кейин билсам, профессор — Озод Шарафиддинов экан. Кўплаб танқидий мақолаларини қизиқиш билан ўқиганим, ёшлар адабиётига эътибор берадиган танқидчи, "ўзбекларнинг Белинскийси"! Қулоқларимга ишонгим келмасди. Кўрганлар, Озод Шарафиддиновни зўр шахматчи дейишди. Ўзи билан ўзи ўйнаб ўтираверармиш. Шахматни мен ҳам яхши кўраман. Кўп мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни ҳам олганман. Мен ҳам ўзим билан ўзим ўйнаган вақтларим бўлган, аммо кўпинча бунга вақт тополмаганман. Билишимча, Озод домла алоҳида палатада яшар, кўпинча ёлғиз ўзи қоладди. Албатта, зерика керак. Китоб ўқишу, шахматнинг ҳам чегараси бор, ахир! Ўйлаб-ўйлаб, бир ҳафтада ёзган ҳикояларимдан иккитасини танлаб олиб, Озод домланинг хонасига эрталаб кириб бордим. Ўзимни таништирдим. Ҳикояларимга фикр билдиришини илтимос қилдим.

О, менинг Озод домлага кўрсатган ҳикояларим! Эсласам, ҳозир ҳам уялиб кетаман. Ҳикоям — қўлёмма. Кўп жойларини қизиб, тўғриламанман ва шу ҳолатда оққа ҳам кўчирмай, кўтариб борганман. (Энди билсам, бунинг турган-битгани маданиятсизлик ва ҳурматсизлик экан). Аммо ўшанда бу тўғрида ўйламасдим. Фикру-ёдим домла билан яқинроқ танишсаму, домла ҳикояларимни



ўқиб, йиғласа, мени кучоқлаб ўпса, "ўзбек адабиёти шундай ижодкордан бебаҳра бўлиб ўтириптимми-я!", деганча қўлимдан етаклаб адабиёт оламига олиб кирса, ва ногоҳ мен ўзимни машҳур кўрсам, ва не-не казозолар ҳайратдан ёқа ушдашса... Шу ўйгина мени ҳаяжонлантирарди. Шу ўйгина мени ташвишга соларди. Ногоҳ пайдо бўлиб қолган имкониятдан фойдаланиб қолмоқчи эдим, холос.

— Майли, тушдан кейин келинг, ўқиб қўяман, — деди домла.

Биз ўша куни домла билан узоқ суҳбатлашдик. Домла мени чойга таклиф қилди. Шундоққина столнинг четида шахмат қутиси турарди.

— Шахмат ўйнаймизми, домла, — дедим бор иродамни ишга солиб.

Ҳар қалай ўзбекнинг забардаст танқидчиси билан бетма-бет ўтирдим. Бу мен учун қутилмаган бахт эди. Мен ҳамма нарсага тайёр эдим. Ҳатто аёвсиз танқидга ҳам. Ахир икки йилдан бери танқид эшитавериб, терим қалинлашиб кетган, унча-мунчасига мутлақо парво қилмасдим. Мен билишни истардим: ижод қилсам бўладими, йўқми? Мендан ёзувчи чиқадими, йўқми? Тўғри, шу пайтгача дуч келган барча "танқидчиларим" менда талант борлигини тан олишган, аммо бу гапни Озод домладан эшитиш мутлақо бошқа нарса эди.

Биз уч партия шахмат ўйнадик. Ҳар сафар ўйин охирига қадар баб-баравар борар, лекин ўйин охирида домла усталлик билан мени доғда қолдирарди. Бундан ташқари мен ўйин охирида кучлар тенг бўлса, яхши ўйнолмасдим. Комбинацион ўйинларни хуш кўрардим. Ўйин ўртасида бир-иккита фигурани бериб бўлса-да, комбинация уюштирар, ўшанда рақибимни ютсам ютдим, йўқса, ўйиннинг охирига мен чидамсиз эдим. Чунки комбинация туфайли мен бир-иккита фигурани бой берган бўлардим. Озод домла худди ана шундай эндшил устаси экан. Ўйин ўртасида менинг ҳамма "дахшатли" ҳужумларимни совуққонлик билан бартараф этиб, кейин партияни осонгина ниҳоясига етказарди. Агар домланинг ўзи ҳужум қиладиган бўлса, — ундан худо сақласин! — ҳар қанча мудофаага ўтманг, бари бир ютқизасиз. Ҳисоб 3:0 га етгандан кейин ўйинни тўхтатдик. Кейин домланинг илтимоси билан қисқача таржимаи ҳолимни, адабиётга қандай кириб келганимни, ижод йўлимни гапириб бердим. Кейин домла икки ҳикоям хусусида фикр билдирди. "Армон" номли ҳикоям, унда айтмоқчи бўлган гапим домлага ёққан экан, ўзи ҳам ҳикоямга ўхшаш воқеалардан айтиб берди. Ҳикояни яхши бошлаганимни, яхши давом эттирганимни, яхши, жиддий ҳикоя эканини, аммо охирини комик усулда тугатиб қўйганимни айтди. Ҳикояда бир кампир Мирзачўлга, катта ўғлиникига бормоқчи. Буни энг кичик ўғлидан илтимос қилади. "Хўп" жавобини ҳам олади, аммо ҳар хил сабабларга кўра кенжатой онасини айтилган жойга олиб боролмайди. Кенжатой вақт топиб этиб келганда кампир ўртанча ўғли билан кетган бўлади. Ҳикоя шу билан тугайди. Айнан кампир ҳажвиябоп гапларни айтиб кетиб юборган бўлади. Озод домла ҳикояда жиддий масала кўтариб чиқилганини, уни жиддий яқунлаш кераклигини айтди. Кенжатой этиб келганда кампир ўлиб қолган бўлсин, деди Озод домла. Ана унда ҳикоянинг таъсири бир неча баробар кучайиб кетади. "Ҳикоя техникасини ҳам унча яхши билмайсиз", деди домла. Ҳикояда тил масаласига келганда, рус филологиясида ўқганимни эшитиб: "Ҳа, сиздан бундан ортиғини талаб қилиш ноўрин", деб қўя қолди. Иккинчи ҳикоям "Саман той"ни тан олмади. Чўзилиб

кетганини, ярмини олиб ташлаб, иккинчи ярмидан ажабтовур ҳажвия яшаш мумкинлигини айтиб, бунга мисол тариқасида бир нечта сюжет ҳам кўрсатди.

Биз ўша куни анча суҳбатлашдик. Умумий суҳбат мазмунидан хулоса қилсам, яна эски гап келиб чиқаётгани: менда талант бор, ёзаверсам бўлади. Аммо тилим ғализ, яъни боқилаверсам, одам бўлиб қолишим мумкин. Ўшанда Озод Шарафиддинов домла билан роса бир ҳафта бирга бўлдик. Куннинг кўп вақтини сайр қилиш, шахмат ўйнаш билан ўтқизардик. Шахматда ҳалиям эски ҳол эди. Ҳужум қиламан, эдшпилгача баравар ўйнаб бораман ва ... ютқазаман. Дурангга, ҳатто ютуққаям яхши имкониятларим бўлади, аммо нимадир бўлиб, уларни бой бераман. Ўйин ўртасида комбинация уюштиришимга эса домла йўл қўймайди.

Бир ҳафталардан кейин домла кетди. Мен шиддатли равишда янги ҳикоялар ёзишда давом этдим. Ҳатто ёзганимни таҳрир қилишга ҳам вақт йўқ. Ёзаман, битираман, бир четга сураман-да, иккинчисини ёза бошлайман. Миямда сюжетлар ғуж-ғуж. Мени ёз, дея бир-бири билан талашиб ётипти. Битта ҳикояни эрталаб ёзиб ташласам, кечгача дам оламану, кечқурун янгисини бошлайман, уни ҳам эрталаб тугатаман. Ўшанда қирқ кун давомида йигирмадан зиёд ҳикоя ёзиб ташладим. Ўша вақтдаги асосий камчиликларимдан бири шу бўлганки, ўз ёзганимни ўзим таҳрир қила олмасдим. Биринчи марта қандай ёзсам, шундайлигича қоларди. Қайси жумлани олиб ташлаш керак, қаерга қандай жумла ёки сўз қўшиш керак — билмасдим. Тилим эса — ўзингиз сезгандай. Кейинчалик бир муҳаррир билан бирга ўтириб, "Армон"ни таҳрир қилдик. Муҳаррир менинг кўз ўнгимда кўп сўзларни, жумлаларни ўзгартирди. Ўрнига қўйган сўзлари, жумлалари меникига нисбатан яхшироқ, ширалироқ эди. Муҳаррир аямай айрим абзацларни бус-бутунлай олиб ташлади. Бу ҳикояга ҳеч қандай таъсир қилмади. Аксинча, ҳикоя яхлитроқ, бус-бутунроқ ҳолатга кириб, ҳар бир эпизод, ҳар бир ҳолат, ҳатто ҳар бир сўз ҳикоя яхлитлигига хизмат қиларди. Бу — таҳрир бобида менга катта дарс бўлди. Ўшандан кейин ўзим ёзганларимни бемалол ўзим таҳрир қила оладиган бўлдим. Агар баъзи эпизодларни ортиқча деб билсам, аёвсиз, раҳмим келмасдан қисқартиб ташлайвераман. Илгари менда шу нарса етишмасди. Ёзган ҳар бир сўзим кўзимга яхши кўринаверарди.

Менда талант борлигини тан олишгани — мен сюжет топишга қийналмасдим. Ҳар бир қадам, ҳар бир суҳбат мен учун сюжетга айланиб кетаверарди. Аксарият ҳикоялар кўрган-билганларим, бошимдан ўтган воқеалар, эшитганларим. Сюжетни ўйлаб топиш деган нарса мутлақо йўқ эди менда. Воқеа қандай содир бўлса, шундайлигича қоғозга тушираман. Ҳеч нарса олмайман, ҳеч нарса қўшмайман. Муаллиф сифатида қаҳрамонларим ҳаётига аралашмайман. Бир чеккада туриб, уларнинг ҳаракатларини, ҳолатларини қоғозга туширавераман, вассалом. Яна менинг ақидам бор: ҳар қандай яхши одамнинг ёмон томони ва ҳар қандай ёмон одамнинг яхши томони бўлади. Мен ана шу жиҳатларни илғашга ҳаракат қиламан.

Ҳозиргина нимани кўрсам шундайлигича қоғозга тушираман, дедим. Аммо кўчиришда ҳам кўчириш бор. Битта воқеани икки муаллиф икки хил тарзда қоғозга туширади. Бири фожиа ясайдио, иккинчиси комедия.

Ўшанда, санаторийдан қайтганимга қадар "Ҳиёнат" қиссасини ҳам ёзиб ташладим — 15 кунда! (Кейин бир зумда ёқиб юбордим!)

1980 йил март ойдан яна Жиззахга қайтиб, "Бўстон" газетасида ишимни давом эттирдим. Шу орада қўлимга

Шукшиннинг "Охота жить" деган тўплами тушиб қолди. Неча йиллардан бери Шукшин асарларини тополмай юрардим. Китоб ўзимизнинг муҳаррир ўринбосарида бор экан. Китобдаги ҳар бир ҳикояни ўқиганимдан кейин ҳаяжонланиб ўрнимдан туриб кетар, "мана бу ҳақиқий зўр ҳикоя бўлипти", дея ҳамхонам, ТошДУнинг журналистика факультетини битириб келиб, энди бирга ишлашгаётган, бирга студентлар ётоғида яшаётган дўстим Ҳабибулла Ҳотамқулов билан дардлашардим. Қадам сайин дуч келадиган оддий одамлар, оддий воқеалар. Ёзилиши ҳам жуда оддий. Аммо ана шундай оддий ёзиб кўр-чи!

*Хуллас, бугун 1981 йил 5 январ.* Мен Тошкентга санаторийга даволанишга келдим. Биратўла шу ерда романимни тутатмоқчиман. Бунинг учун вақт етарли. Даволанишга тўрт ой кетади. Вақтни бекор ўтказмаслигим керак. "Учрашув" қиссамни ҳам машинкалаб, тайёрлаганман. Ниҳоят Тошкент деган жойларига ҳам етиб келдим. Энди бу ерда бемалол Одил Ёқубов билан учрашиш учун ҳам имкон бор. Албатта, бўлажак учрашувдан мен чўчирдим, аммо мен танлаган йўл шу. Озгина нарса ёздими? Қачонгача уларни тўплайман? Ёруғликка чиқадиган кун борми? Бўлди-да энди! Мени нима қилса Одил ака қилсин! 1977 йилдан ёза бошлаган бўлсам, икки марта Тошкентга, журналларга ҳикоя жўнатдим. Иккиси ҳам изсиз йўқолди. Натижа чиқарадиган вақт етиб келди. Тошкентга етиб келдим. Асарларни нашр қиладиган шахар, ижодкорнинг тақдирини ҳал қиладиган шахарга етиб келдим.

*1981 йил 17 январ.*

Адашиб-адашиб, (ахир Тошкентни мутлақо билмайман), зўра маданият министрлиги биносини топиб бордим. Ҳабибдан билишимча, шу ерда Фафур Фулом номи нашриёт бор. Одил Ёқубов шу ерда ишлайди. Нашриётга, 4-қаватга чиқдим. Одил ака ҳақиқатан шу ерда ишласа-да, хонасида йўқ экан. Қаёққадир кетган, бир ҳафта-ўн кунлардан сўнг бўлади, дейишди. Қўлимда аввал ёзилган тўртта ҳикоям. Тополмаганимдан хафа эдимми? Ё қалтираб, учратмаганимдан хурсандимми? Билмайман. Менимча, ўшанда вужудимни қандайдир лоқайдлик эгаллаб олгандай эди. "Ҳаёт шунақа, минг ўлиб-тирил, сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ёзганларинг ҳеч кимга керак эмас".

Санаторийга қайтдим, Одил акага учрашим кераклигини янада яққолроқ англадим. Қайтаётиб, бемалол романни давом эттираман, деб ўйлагандим. Йўқ. Давом эттира олмас эканман. Олдин у кишига — Одил акага! — учрашим керак экан. Чунки бу фикр менда бугун туғилгани йўқ. Бир деб ёза бошладимми, менга шу фикр таскин бериб келади. Шу таскин билан мен яримта роман, иккита қисса, ўттиздан ортиқ ҳикоялар ёздим. Уларни ҳеч бир редакцияга кўтариб бормадим. Шу таскин мени ижод майдонида ушлаб турган устун, тиргак эди. Шу тиргакка таянишим керакми, йўқми? Энди шуни билишим шарт эди. Шуни аниқламасдан бошқа нарсага қўлим бормади қолган эди. Шунча нарса ёзганим билан бирон асаримни бирон тан олгани йўқ. Менда талант борлигини тан олишган, холос. Наҳотки, мен ҳеч қачон тузукроқ ёза олмасам? Ҳикояларим қўзимга туппа-тузук кўринарди. Билишимча, газета-журналларда чиқаётган ҳикояларнинг аксарияти меникидан ортиқ эмасди. Баъзан жуда расволарини ҳам эълон қилишгаётгандай туюларди менга. Шуларни Ҳабибга айтганимда:

— Нима, сиз ҳам шу ҳикояларни чиқарган ижодкорлар қаторида юрмоқчимисиз? Бундан кўра ҳеч нарса эълон қилмаган маъқул, — дерди.

Назаримда у ҳақ эди. Унинг ҳақлиги ҳам менга бугунга қадар таскин бериб келаётган эди. Аммо энди... Назаримда Одил ака мени тушуниши керак эди, чунки...

— Одил ака ёшларнинг ғамхўри эди. Буни мақолалари, телевизорларда чиқишлари исботларди.

— Мен ҳам Одил акадек "қишлоқчи" эдим. Қишлоқчи қишлоқини тушуниши керак-да!

— Мен ҳам Одил акадек, 5 ёшимда отадан етим қолганман. Дардимиз бир.

— Мен ҳам рус филологияси факультетини битирганман.

— Одил ака асарларида психологик анализга урғу берарди. Мен ҳам. "Танқидчиларим" менинг бу ҳаракатимни эзмаликка йўйишарди.

*1981 йил 22 январ.* Тўғриси, жоним халқумимга келганди.

*1981 йил 26 январ.* Одил акани излаб, яна нашриётга бордим. Яна тополмадим. Шу бинода, фақат учинчи қаватда "Ёш гвардия" нашриёти жойлашганди. У ерда Ҳабибнинг курсдош дўсти, шоир Мирза Кенжабоев ишларди. Ҳабибнинг уйланиш тўйида Мирза билан бирга бўлганмиз. Кўп гаплашмаганмиз. У пайтлари Тошкентда, нашриётда ишлайдиган одамлар мен учун осмон қадар одамлар эди. Уларга етиш учун қўлимни чўзишга-да истиҳола қилардим. Шеърлари марказий матбуотда босилиб турарди. Мен эса... Одил ака яна йўқ. Мирзага учрасам-чи! Ҳеч бўлмаса, нима қилишим кераклиги тўғрисида бирор жўяли маслаҳат берар. (Тўғриси, ўз ҳикояларимдан унчалик кўнглим тўқ эмасди!) Умуман, Одил акага шу ҳикояларни олиб кирсам бўладими, йўқми? Шуни менга айтар!

Бирон "танқидчим" шу вақтгача: "шу асаринг тайёр бўлипти, энди уни бемалол нашрга тавсия қилаверса бўлади", деган эмас. Нуқул у ерини ундоқ қилиш керак, бу ерини бундоқ ўзгартиш керак, дейишган. Агар Одил ака ҳам шунақа дейдиган бўлса, "Абулқосим — тамом!!!" дегани шу-да! Ҳабиб билан Олимжон акам мендан нуқул яхши ҳикоя талаб қилишади. Тўғри, шу вақтгача ёзганларим у қадар зўр эмас, аммо ошкора ёмон ҳам эмас-да! Улар талаб қилган гениал асарни ёзишга уринардим, аммо... уриниш бошқа, гениал асарни ёзиш бошқа.

Ишингнинг натижасини кўрмасанг — ёмон экан.

Ҳикояларимдан бирини ўзим ишлаётган "Бустон" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Абдураҳим Ражабқуловга берганимда роса уч ой ғаладонида сақлади. Кейин:

— Ҳикоянгиз ҳаётнинг айнан ўзи бўлиб қолипти, — деди. Кейин ўз гаплари ўзига таъсир қилди, шекилли, кескин кайфиятда, — тўғриси, биз газетада ҳикоянгизни чиқара олмаймиз, — дея ҳикоямни қайтариб берди.

"Суюнчи" номли ҳикоямни ғаладонда ўн ой сақлашди. Вилоят газетасида! Кейин Тошкентга, санаторийга кетишимдан сал олдин "ҳаваскор ижодкорлар асарларига обзор"да бериб юборишди. Унда мени роса танқид қилишган. Ҳикоя ёзишни мутлақо билмайдиган одамга чиқаришган. Ана холо-ос! Бу менга роса алам қилди. Бу мен учун ҳақорат эди. Аниқ билардимки, обзор муаллифи ҳикоямни тузук-қуруқ ўқимаган, ҳатто гап нима ҳақда кетишини англаб етмаган-у, танқид найзасига олган. Тушунмаган нарсангни нега танқид қиласан, номард?! Ёшларнинг асарларига енгил-елпи назар кўп нашрларда мавжуд. "Ёшлар бизнинг келажакимиз!" дея ҳайқирадию, амалда...

Шу тахлит ўйлар билан "Ёш гвардия"га бордим.





Мирзани топдим. Мени эслай олмади. Мен ўзимни танитдим, мақсадимни айтиб, тўртта ҳикоямни қўлига тутқиздим.

**1981 йил 28 январ.**

Мирзанинг олдига бордим. Бу сафар у мени жойидан туриб келиб қарши олди. Биз анча суҳбатлашдик. Мирзага ҳикояларим ёқипти. Ёқипти! Худога шукур! Ва ниҳоят шунақа гапни эшитадиган кун ҳам келар экан! "Ҳикояларингиз жуда яхши. Жудаям яхши!" деди Мирза. Қулоқларимга ишонгим келмасди. Мирза ҳамма ҳикояларимга ўз фикрини айтди. Унга айниқса, "Армон" ёқипти. "Суюнчи" ҳам яхши экан. Аммо унга "ҳажвий ҳикоя" деб ном қўйганимни маъқулламади: "Менинг шофёрга раҳмим келди. Ҳаёт уни шундай яшашга мажбур қилган. Бунинг ҳеч қандай кулгили жойи йўқ", деди Мирза. "Ўғрини қароқчи урди" ҳикоямнинг сарлавҳасини танқид қилди: "Сийқаси чиқиб кетган гап. Бошқа сарлавҳа топиш керак", деди. "Ҳикоянинг ўзи яхши, ўқувчини қамраб олади, унда кўтарилган муаммо ҳам яхши, аммо адабиётда бунга ҳозир эътибор кам. "Тўй" ҳикоясида эса муаллиф позицияси номаълум. Умуман олганда ҳамма ҳикояларда ҳам ҳикоя қилиш услуби яхши. Яхшигина тажрибангиз борлиги билиниб турипти. Одил Ёқубовга "Армон" билан "Суюнчи"ни олиб кирганингиз маъқул. Қолган иккитаси ҳам ёмон эмас, аммо зўр ҳам эмас. Биринчи бор қираётиб Одил акада зўр таасурот қолдириш керак. Ана ўшанда натижа бўлади. Кейин "Ўғрини қароқчи урди" билан "Тўй"ни бемалол иккинчи ёки учинчи китобга қўшиб юборса бўлаверади".

Эътибор қияспизми, мен гўё ҳикояларим чиқиб, танилиб улгурдим, ва иккинчи, учинчи китобларимга асарларимни тўплайман. Бундан чиқадиган маъно: демак, энди китоб чиқараверсам ҳам бўладиган даражага етибман.

Мен учун, менинг дардларим учун сўз билан ифодалаб бўлмас даражадаги малҳам эди Мирзанинг гаплари! Кўзларимга ёш қадалди. Ўзимни зўрга тутиб турардим.

— Шошмаслик керак, — дея давом этди Мирза. — Менга қолса, "Армон" даражасидаги ҳикоядан беш, олти, еттита қилиб, битта папкага жойлаб, Одил аканинг столига "тайлаб" кетаверинг. Кейин кўнглингиз тўқ бўлаверсин. Ёқса, Одил ака, ҳам газета-журналларда чиқартиради, ҳам китоб қилиб чиқартиради. Одил Ёқубов шунақа одам. Яхши асар ерда қолмайди. Одил ака, албатта, ёрдам беради. Фақат шошмаслик керак.

Менинг англаганим шу бўлдики, "Армон" даражасидаги ҳикояларни еттитага етказишим керак. Мирзанинг маслаҳати менга маъқул тушди. Ахир Тошкентда ҳали уч-тўрт ой бўламан. Бемалол улгуришим мумкин. Мирза учинчи қаватдан пастга тушиб, мени автобус бекатига қадар кузатиб қўйди. Яна бир бор ҳурматимни жойига қўйиб, кўнглимни тоғдай кўтарди. Мен санаторийга қанот боғлаб учиб келдим. Бир нарсани билардим: "7 та ҳикоя ёзишим керак! Ҳозирча иккитаси бор. Яна бешта ёзсам, еттита бўлади".

Одам боласи бир яхши гапнинг гадоси-да!

Ишга киришдим. Ҳикояга сюжет кўп. Бу томондан ҳам смайман. Романни ҳам, қиссани ҳам бир четга сурдим. "Армон"да кампир ўлади. Бу таъсирли. Энди ёзадиганларим ҳам шундай таъсирли бўлиши шарт. Наҳотки бунинг учун ҳамма ҳикояларимга ўлимни аралаштиришим керак? Бундай қилмаслигим кераклигини тушуниб турардим, аммо... шундан сўнг биринчи ёзган ҳикоям "Мақсад" яна бошқа бир

кампирнинг ўлими билан тугади. Ундан кейинги ҳикояларим эса енгилроқ кўча бошлади: "Бир дона нон", "Яшашнинг йўли", "Йўловчи", "Биринчи муҳаббат".

**1981 йил 6 феврал.**

Янги тўртта ҳикоямни кўрсатиш учун Мирзага топширдим.

**1981 йил 8 феврал.**

Мирза мени уйига чақирди. Меҳмон бўлдим. Суҳбатимиз жуда қовушди. "Мақсад"ни тан олмади. "Бир дона нон"ни ҳали давом эттириш мумкин. Бугдой ўрими қийинчиликлари кўрсатиб берилса, яхши бўлади. Қолган иккита ҳикоя ҳам яхши. Фақат айрим жойларини юмшатиш керак. Кескинлик жуда кучайиб кетган. "Биринчи муҳаббат" сарлавҳаси ҳикоя талабига жавоб бермайди. Сарлавҳани алмаштириш керак. Умуман барча ҳикояларнинг, шунингдек, "Мақсад"нинг ҳам ёзилиш услуби яхши. Техник жиҳатдан нуқсон йўқ", деди.

Тўғри, Мирза ҳам танқид қилаётганди, аммо шу билан биргаликда у ижодкорни руҳлантириш, меҳнатга чорлашни-да биларди. Бу ҳар қандай танқидчининг қўлидан келавермайди ахир!

**1981 йил 23 феврал.**

Мирзага яна тўртта ҳикоя топширганман. Бундан ташқари "Йўловчи", "Биринчи қор", "Йигитликнинг кўчаси" ва "Бир дона нон"ни бутунлай қайта ишладим. "Бир дона нон" илгари 6 варақ бўлса, энди 16 варақ бўлди. Ҳатто "Бир дона нон" ва "Йўловчи"ни ёзаётганимда қаҳрамонларга раҳмим келганидан кўзларимга ёш қадалиб қолди. Хўрлигим келади. "Биринчи қор"ни эса ўзим қайта-қайта ўқийман. Тўймайман. Яна ва яна ўқийвераман. Шунақаям ширин ҳикоя эдики! Тўрт йилдан бери ижод қилиб, эндигина ўз ёзганларимдан ўзим қониқаётган эдим. Қувониб боряпман. Мақтов эшитиш истагидаман. Бу ҳикояларни ўқигандан кейин — мақтов нақд! Мен ҳикояларни уч кун олдин ташлаб кетгандим. Ҳисобим бўйича бугун ўқиб қўйган бўлиши керак. Ўзимнинг кун тартибим бор: кундуз дам оламан. Кеч соат бешдан еттигача ва тўққиздан ўн биргача ёзаман. Эрталаб калла тоза пайти таҳрир билан шуғулланаман. Ҳикоялар сони ҳар сафар тўрттага етганда машинкалайман. Атайлаб, санаторийга машинкамни ҳам олиб борганман.

Афсуски, баъзи сабабларга кўра Мирза янги ҳикояларимни ўқимапти. Мақтов эшитолмай қайтдим. Бари бир кайфиятим чоқ. Ҳикояларимдан кўнглим тўқ.

**1981 йил 27 феврал.**

Беш кун ётиб олиб, мазза қилиб китоб ўқидим. Келсам, Мирза яна ишхонасида йўқ. Аммо ҳикояларимни ўзи билан бирга ишлайдиган бир қизга топшириб кетипти: "Мен яна шошилинич иш билан кетяпман. "Биринчи қор"ни ўқишга улгурмадим. Пала-партиш ўқишни ёмон кўраман. Ҳикояларингизда қаҳрамонларингизнинг яхши томонларига ҳам кўпроқ эътибор беринг, ўшанда ёмон томони ўз-ўзидан юзага чиқиб қолади. Салом билан Мирза", деб бир парча қоғоз қолдириб кетипти. Ҳикояларни варақладим. "Бир дона нон"нинг охирига "Мана энди ҳикоя бўлипти, Абулқосим", деган жумла қаламда битилган. Тўлқинланиб кетдим. Ахир тўрт йилдан бери ана шу жумлани эшитишни истаган ва эшита олмаётган эдим. Яна қайта кўз югуртаман: "Мана энди ҳикоя бўлипти, Абулқосим".

Абулқосимнинг ҳам ёруғликка чиқадиган кунлари яқин, шекилли.

"Йўловчи"нинг охирига: "Яхши ҳикоя. Психологик таҳлил жойида", деб ёзилган.

Бошим осмонга етди. Ўзимни қўйгани жой тополмайман. Мирзанинг сўзларини қайта-қайта ўқийман. Қувонаман. "Йигитликнинг кўчаси"га фикр билдирмапти. Тўртганинг иккитасини тан олипти-ку. "Энди ҳикояларни яхшилаб ўзбекча машинкада оққа кўчириш керак. Ўзбекча машинка бўлиши шарт", деб ёзипти. Санаторийда ётганимга икки ой бўлиб қолди Бемалол уйга бориб келиш мумкин. Эртага — шанба, индин — якшанба, санаторийда текшириш бўлмайди. Навбатчи ҳамширани огоҳлантириб, кетаверса бўлади. Ахир кичик "Москва" машинкасига қаноат қилмай, (таниш-билиш қилиб) катта, ўзбекча "Украина" сотиб олганман. Ҳозир уйда чанг босиб ётипти. Ўшани опкеламаман.

Худди шундай қилдим. Бу орада "Сомон ўғрилари" деган яна бир ҳикоя ёздим. Ҳикоя ўзимга жуда ёқди.

### 1981 йил 9 март.

Мирза айтган еттита ҳикоя тайёр. "Сомон ўғрилари", "Олишув", ("Биринчи муҳаббат"нинг номини шундай ўзгартдим. Кейинчалик Одил ака уни "Алибек" деб номлади, газетада эса "Фаришта" номи билан эълон қилинди.), "Бир дона нон", "Йўловчи", "Суянчи", "Армон", "Яшашнинг йўли". Одил аканинг ҳузурига боряпман. Ҳар эҳтимолга қарши яна бир кўрсатиб ўтиш ниятида Мирзанинг ишхонасига борсам, йўқ экан. Қалтираяпман. Ҳаяжонланаяпман. Хаёлимда минг бир ўй. Сен билан гаплашишга вақтим йўқ, деса-я? Саволлар... саволлар... миямда гужғон ўйнайди. "Бош муҳаррир ўринбосари" хонаси қулфлоглик экан. Паришонхотир бўлиб, пастга тушдим. Нима қилишни билмайман: О бу ҳаёт! Қанчалар чигал! Қанчалар мураккаб! Ташвишларга кўмиб ташлайди одамни... ташвишларга бой... Кираверишда дераза раҳига суяниб, ёзганларимни яна бир кўздан кечириётгандим, Мирза келиб қолди. Қувониб кетдим. Мирза шунақа! Доим қийинчиликка учраганимда ҳамдам бўлади. Оққа кўчирганларимнинг барини кўздан кечирди. "Сомон ўғрилари" яхшими?" деб сўради. Мен бунга кафилик беришимни айтдим. Қайси ҳикояни қай бирдан олдинга, қай бирини кейинга қўйиш керак? Одил аканинг диққатини тортиш учун, албатта. Шунини муҳокама қилдик. Бошда санаб ўтганимдай қилиб жойлаштирдик.

— "Армон"ни олиб ташлаш керак. Қолган олти ҳикоя қошида жуда ғариблашиб қоляпти, — деди Мирза. — Одил акага энг зўр ҳикояларни олиб кириш керак. Қолган олтитаси ҳам етади.

Шу вақтгача ёзган ҳикояларим ичида мени тутиб тургани — "Армон" эди. Озод Шарафиддинов ҳам, Олимжон акам ҳам, бошқалар ҳам фақат "Армон"ни тан олишаётган эди. Энди янгилари қошида у ғариб! Демак, шунча кўп нарса ёзганим билан бари ғариб бўлган экан-да!

Соат иккига яқин яна Одил аканинг хонасига мўраладим. Тўрда, эшикнинг тўғрисида Одил ака ўтирарди. Биров билан шахмат ўйнаётти. Учинчи бир киши ўйинни томоша қиляпти. Салом бериб ичкарига кирдим. Бурчакда Иброҳим Ғафуров креслога чўкиб, хаёл суриб ўтирган экан. (Гарчи танқидий мақолаларини ўқиган бўлсам-да, Иброҳим аканинг ўзини ҳам кўрмаганман, у кишининг Иброҳим Ғафуров эканини менга Мирза айтди. Тошкентдай шаҳри азимда таниганим ёлғиз Мирза эди-да!)

— Хўш?! — сўради Одил ака, ўзига умидвор тикилиб турганимни билиб, ўзи шахмат ўйнашда давом этаркан.

— Ҳикоялар олиб келгандим.

— Ҳикоялар?! — Одил ака яна бир шахмат донасини олға сургандан сўнг менга қаради. — Қаердансиз?

— Жиззахдан келгандим.

— Жиззахданмисиз? — Одил ака яна бир дона сурди.

— Сиз бу ерга адашиб келганга ўхшайсиз. Ёзувчилар союзига борсангиз яхши бўларди. Ўша ерда ёшлар билан шуғулланадиган бўлим бор. Биласизми союзнинг қаердалигини?

Фикрларим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ерга қарадим.

— Пединститутданмисиз? — сўради Одил ака.

— Йўқ, редакцияда ишлайман.

— Редакциядами?... Ҳм-м... — Одил ака шахмат тахтасига қараб ўйланди. Рақибини нотўғри юрганликда айблаб, доналарни жойига қайтарди.

Улар ўз-ўзлари билан бўлиб қолишди. Назаримда менинг чиқиб кетишимни кутишаётганди. Мен нима қилишимни билмай қолдим. Шумиди ахир умидим?! Тўрт йиллик орзу-армонларим шу қадар саробмиди? Одил аканинг мен ўқиган, мен эшитган ёшлар ҳақидаги фикрлари шумиди? Мен шу тўрт йил ичида нималарни ўйламадим, нималар қилмадим, не қийинчиликларга дуч келмадим, аммо ҳар сафар "Ҳали Одил акага бораман, менга ёрдам беради. Ҳамма қийинчиликлар орда қолади", дея ўзимни ишонтириб юргандим. Энди... Ёшлар ҳақида куйиб-пишиб гапирадиган Одил аканинг ёшларга муносабати шу бўлса, союзи менга нима қилиб беради! Агар ҳозир индамай чиқиб кетадиган бўлсам, шу билан тамом...

Нима қилишим керак?... Кайфиятим тамом бузилиб, иккиланиб турганим-да бурчакдаги Иброҳим Ғафуров мени гапга тутди:

— Жиззах бензоколонкасида танишларингиз борми?

— Йў-ўқ!

— Қайси куни келаётиб, бензинга кирсам, биттаси ўтирган экан, бензин йўқ деб туриб олди. Охири дўқлашга тўғри келди.

— Йўқ, танишларим йўқ. Жиззахда икки йилдан бери ишлаяпман. Университетни битиргандан кейин йўлланма билан Жиззахга юборишган.

— Қайси университетни?

— Самарқанд университетини! Рус филологияси факультетини 1979 йили битирганман. Оиламиз Булунғурда яшайди.

— Ҳа-а, Булунғурданмисиз?

— Ҳа.

— Булунғур нима деганини биласизми?

Мен энциклопедияда ўқиганимни эсладим: "лойқа сув". Шунини айтдим.

— Амир Темур лашкарини бир неча қисмларга бўлган, шулардан бири булғор, яъни қўшиннинг бу томони. Сизнинг булунғурингиз маъноси ана шундан келиб чиққан, — деди Иброҳим ака вазмин.

Мен эътироз билдира олмадим.

— Ойбекнинг "Навойи"сини ўқиганмисиз? — қўққисдан сўраб қолди Иброҳим ака.

Тўғриси, мен Ойбекнинг жуда кўп асарларини ўқисам-да, "Навойи"ни ҳали ўқимагандим. Кўп излаганман, аммо куллубхоналардан тополмаганман. Аммо ҳозир "ўқимаганман" дейишим мумкинмиди!

— Ўқиганман, — дедим. Қалтираб турипман, тагин шу романдан савол бериб қолмасин деб.

— Мотсиз! — Одил аканинг тантанавор овози жаранглади. — Сиздақаларни, ҳар қанча хийтирлик қилсангиз ҳам эзиб ташлаймиз. Эҳ-ҳе! — деди Одил ака кафтларини кафтларига ишқалаб, хурсанд кайфиятда. Демак, боя аҳволи оғир бўлган, шу сабабли мен билан



гаплашгиси ҳам келмаган, энди... — Биласизми, союзнинг қаердалигини? — сўради Одил ака яна мenden, иккиланиброк.

Мен Одил аканинг овозидан менга кескин гапириб юборганидан энди афсусланаётганини англадим.

— Одил ака! — дедим. — Мен атайлаб сизга келганман!

— Менга? — Одил ака тирсақларини столга тираб бир зум ўйланди. — Ҳа яхши, опкелинг бўлмаса.

Менинг жоним кириб, юзимга қизил югуриб, газетга ўроғлиқ олгита ҳикоямни қўшқўлаб тутдим.

— Нечта? — сўради Одил ака, варақларнинг у ёқ-бу ёғига шунчаки кўз югуртаркан.

— Олгита.

— Бўлмаса, бир ҳафталардан кейин келинг, ўқиб қўяман, — деди-да, Одил ака стол ғаладонини тортиб, ҳикояларимни ташлади ва яна шахмат доналарини тера бошлади.

— Қаттиқ танқид эшитишингиз мумкин, — деди Иброҳим ака огоҳлантириб, далдали кулимсираб, — тайёрланиб келинг.

— Танқидларга ўрганиб кетганман, — дедим хурсандлигимни яширолмай ва даҳлизга чиқдим.

Юрагим ҳаприкиб боряпти. Сал қолди-я! Янаям Худо ўнглади, бурчакдаги одам мени гапга солмаганда чиқиб кетишим аниқ эди. Кейин нима бўларди? Безбетлик билан чиқмай туриб олганим учун ўзимдан хурсанд бўлиб қўйдим. Мирзага бордим. Бўлган воқеаларни айтдим.

— Яхши бўлипти, — деди Мирза хурсанд бўлиб, — кейинроқ бу ҳақда эсдаликлар ёзасиз. Энди иложи борича ҳамма нарсани унутинг. Бир ҳафта деган бўлса жуда яхши. Ҳар эҳтимолга қарши икки ҳафта ўтказиб, ҳеч бўлмаганда ўн кун ўтказиб, кейин келинг. Одил ака катта киши, бир ҳафтада ўқишга вақти бўлмай қолиши мумкин. Кейинроқ келсангиз, ҳаммасини ўқиб қўйган бўлади. Сиз барини унутинг-да, яна янги ҳикоялар ёзинг. Иложи бўлса, бу келишингизда яна тўрт-бешта янги ҳикоя ёзиб келинг. (Мирза менинг янги ҳикоя ёзаверадиган темир аппарат эканимга ишониб бўлган эди, шекилли). Топширган олти тангиз билан чегараланманг. Балки сизнинг бошқа имкониятларингизни ҳам билгиси келар. Лекин шошманг. Янги ҳикояларингиз топширганларингиздан зўр бўлса бўлсин, паст бўлмасин. Ҳар бир янги ҳикоянгиз сизнинг янги-янги қирраларингизни очиб беравериши керак...

### 1981 йил 19 март.

Бу орада "Уч сўм пул" ва "Бахт" номли ҳикоялар ёздим. "Биринчи қор"ни қайта ишладим. Учта янги ҳикоя қилиб, Одил аканинг ҳузурига бордим. Орадан роса ўн кун ўтган.

Эшикни очишим билан шу томонга қараб ўтирган Иброҳим ака Фафуров: "Ана, ўзи келди!", деб юборди. Ҳайрон бўлдим. Одил ака алақандай қўлёмани ёзиб-чизиб ўтирган экан. Бош кўтариб, мени кўрди-да, "Э, келинг, келинг", деб ўрнидан туриб, столни айланиб ўтиб, мен билан қўл бериб кўришди. "Ечининг" деб, мен то пальтомни ечиб, илгакка илганимча, қараб турди, кейин ёнига ўтиргизди.

Нимасини айтасиз. Ана муносабат, мана муносабат! Ўн кун аввал ва ўн кун кейин!.. Нафасимни ичимга ютдим. Одил ака яна таржимаи ҳолимни суриштирди, биринчи сафар ҳам сўраган эди, аммо эсидан чиқариб юборган. Мен айтдим.

— Ёшингиз нечада?

— 1958 йили туғилганман. Йигирма учтаман.

Жавобим Одил акани қониқтирди, шекилли, Иброҳим ака билан кўз уриштириб олди.

— Китоблар ўқиб турасизми? — савол берди Иброҳим ака.

— Ҳа-а, — дея ажабландим мен. — Ахир китоб ўқимасдан ёзиб бўлмайдик-ку!

— Йўқ, сиз тўғри тушунинг, — деди Иброҳим ака, — баъзи ёш ижодкорлар бор-да, улар бошқаларнинг асарини ўқиб ўрганишдан кўра ўзлари янгисини ёзишни афзал билишади. Шу маънода сўраган эдим.

— Шукшинни ўқиганмисиз? — сўради Одил ака бехосдан.

— Ҳа, ҳозир ҳам ўқияпман, — дея тўрхалтамдан Шукшиннинг катта тўпламини олиб кўрсатдим. Доим ўзим билан китоб олиб юрадиган одатим бор. Автобусларда, бировни кутаётганда, бекорчи бўлиб қолган пайтларда шартта ўқишга тушаман.

Одил ака бир зум менга меҳр билан тикилиб қолди. Иброҳим ака ҳам хурсанд, ҳар замонда менга қараб қўяди. Хуллас, муомала тамоман бошқача. Мен уларнинг қўлига ногоҳ тушиб қолган тилладай эдим, агар алашмасам. Одил ака менинг олгита ҳикоямни столнинг олти жойига алоҳида-алоҳида териб чиқди. Кейин бир чеккадан ҳаммасига ўз фикрини айтиб чиқди:

— Ҳаммаси ҳам яхши, бўладиган, бемалол газета-журналларда чиқариб юборишга арзийдиган ҳикоялар. "Сомон ўғрилари" эмас, "Сомончилар" деб қўяйлик. Майлими? Ниёзмат яхши одам. Чудак-да бу, чудак. Сомон ўғирлаши бор нарсаси. Ўғирликка кирмайди. Вақтида бизлар ҳам сомон ўғирлик қилганмиз.

— Мен ҳам сомон ўғирлик қилганман, — дедим жонланиб.

— Жуда яхши. Мана буни "Олишув" эмас, "Алибек" деб атасак тўғри бўлади. Қарши эмасмисиз?

Нияям дердим. Дамимни ичимга ютиб, маъқул тарзда бош иргаяпман. Тўғриси, сарлавҳага уста эмасман. Одатда кўп ижодкорлар аввал сарлавҳа қўйиб, кейин ёзадилар. Мен аввал ҳикояни ёзиб бўлиб, кейин унга сарлавҳа ахтараман. Кўплар буни қоралашади. Начора! Менинг бўлганим шу. Кўпинча ҳикоя ёзаётганимда қаҳрамонининг тақдири нима билан тугашини ҳам билмайман. Илҳом билан ёзаётиб, асарга шунақа шўнғиб кетаманки, ҳамма нарсани унутаман. Воқеалар ривожини кузатиб, қоғозга тушириб боравераман. Ишга киришганимдан сўнг қаҳрамонлар менинг измимдан чиқиб, мустақил ҳаракат бошлайдилар, мен бор-йўғи кузатувчига айланаман. Масалан, "Йўловчи"да қамоқдан чиққан Тўлқин дастлабки режамга кўра ишга кириши керак эди. Аммо у яшаётган жойда қандайдир ҳодиса юз бериб, дарров буни Тўлқиндан қўришиб, айбсиз одамни қамаб қўйишлари керак эди. Ёзишни бошлагандан кейин эса мутлақо бошқа вазиятга дуч келдим. Қачон, қандай қамалганини эслаб кетди. Изтиробга тушди. Хотини, ўғлини соғинганини англади. Қорни очиқди. Ва ҳоказо... Мен мутлақо холис киши сифатида ҳолатларни, воқеаларни қоғозга туширавердим, холос.

— Алибек, Ниёзматлар чудаклар. Биласизми, Шукшиннинг ҳамма қаҳрамонлари чудаклар — ғалати одамлар. Айнан бизнинг ўзбек адабиётимизда шунақа образлар кам. Йўқ даражада кам. Сиз нимани қандай ёзиш кераклигини тушунисиз. Бу жуда яхши. Сизга ўргатиш, йўл кўрсатишнинг ҳождати йўқ. Сиз нима қилиш кераклигини яхши биласиз. Бизлар айнан сиз ҳозир тушунган нарсани — нимани ёзиш кераклигини тушунганимизча кўп йиллар ўтиб кетди. Кўп кучимиз сарфланди. Сочларимиз оқарди. Бизлар адабиётга кирганимизда "конфликтсизлик назарияси" ҳукм сурарди. Бўш, олди-қочди асар бўлса ҳам мавзуси, кўтарилган

муаммоси фаол бўлса, — шунинг ўзи кифоя эди. Осмонларга кўтариларарди. Мақталарарди. Ана шунақа асар ёзилиши керак, дейишарди. Жуда ёмон давр эди. Биз ҳам "шундай ёзиш керак экан", деб юрарганмиз. То тушуниб етганимизча ёшимиз ҳам бир жойга етиб қўйди. Сиз эса ҳозирдан тушунисиз.

Одил аканинг гапларини тингларканман, ҳатто нафас олишга-да чўчирдим. Биронта сўзини эшитмай қолишдан қўрқардим.

— Яқинда, 1 апрелдан бошлаб "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" деган газета чиқа бошлайди. "Ўзбекистон маданияти"нинг ўрнига. Муҳаррир — Асқад Мухтор. Биласизми, у кишини?

— У киши "Гулистон"да эди-ку, — дедим.

— Ҳозир янги газетани ташкиллаштираяпти. Биз у киши билан гаплашдик. Сизни биринчи сонга чиқармоқчи бўляпмиз. Душанба куни телефон қилиб, шундай гап, келади, кутинглар, дегандим. Ҳар куни кутамиз — келмайсиз. Улар ҳам "қачон келади?" деб сўрайди. Сиз йўқсиз. На адрес қолдиргансиз, на таржимаи ҳол! Сиз тез боришингиз керак. "Алибек"ни чиқарамиз. Қайтадан машинкалаш керак. Машинкалашга пулингиз борми? Ё берайми?

— Ўзимнинг машинкам бор, — дедим. Лол эдим. Ҳатто қувониш эсимга ҳам келмасди. Ногоҳ кетма-кет бир зумда қуюлиб келаётган галабаларим барча кутганларимдан зиёда эди.

— Жуда яхши, — деди Одил ака. — Энди қачон редакцияга бора оласиз?

— Эртага.

— Биласизми? Редакция қаердалигини?

Тўғриси, билмасдим.

— Ўша, ҳамма редакциялар йиғилган бинодами?

— Ҳа, ўша ерда. Ҳали пропуск олиш керак. Ҳозир, — дея Одил ака қаергадир телефон қилди. Кейин билсам янги газета бош муҳаррир ўринбосари Ҳабиб Каримовни чақирган экан. — Ҳабиб, сизларга айтган йигит — Абулқосим келди. Эртага олдиларингизга боради. У Жиззахдан, Тошкентнинг қонун-қоидаларини билмайди. Эртага боришига соат... — Одил ака мендан нечада бора олишимни сўраб олиб айтди. — Ҳа, соат 11-12ларда. Абулқосим Мамарасулов, ҳа. — Одил ака телефон трубкасини жойига қўйди. — Ана, бу ёғини ҳам ҳал қилдик. Энди биринчи сонда чиқасиз! — деди Одил ака сўзига ургу бериб, бундан ўзи ҳузур қилиб.

Мен ҳамон бу чексиз бахтлардан қарахт эдим.

— Биринчи ҳикоя чиққандан кейин бир ҳафтала ўтказиб, "Суюнчи"ни олиб борасиз. Айтгамиз. Чиқаришади. Мен бир-икки ойга Москвага баъзи бир ишлар билан бориб келаман. Унғача сиз мана бу — "Бир дона нон"ни қайтадан машинкалаб, мана, Иброҳим акангизга опкелиб берасиз. У киши ҳикояни Ойдин опангизга беради. Биласизми, Ойдин Ҳожиевани? У киши "Саодат"да ишлайди. "Бир дона нон" "Саодат"боп ҳикоя экан. — Одил ака Иброҳим акага ўтирилди. — Шундай қилинг, Иброҳимжон. Яхши ҳикоя. Жуда яхши ҳикоя! — Одил ака яна бир бор таъкидлади. — Қолган ҳикояларингизни ҳам кейин журналларда чиқарамиз. "Гулистон"га, "Шарқ юлдузи"га берамиз. Ҳаммаси яхши ҳикоялар. Энди, асарларингиз ҳаммаси шуми?

Шу топда мен Мирзанинг топқирлигига, нима қилиш кераклигини билганига қойиб қолдим.

— Ҳа, ҳозир ҳам янги тўртта ҳикоя олиб келганман, — дея тўрхалтамдан ҳикояларни чиқардим.

— Жуда яхши, — деди Одил ака қаноатланиб. — Сиз янги ҳикояларингизни ҳозирча менга берманг. Ўзингизда тура турсин. Мен Москвага бориб келай. Кейин

биргалашиб, редакцияларга тарқатиб чиқамиз. То келганимча сиз бу олтита ҳикояни яна бир марта яхшилаб оққа кўчиринг. 1982 йил бўлар, 83 бўлар, китобга топширамиз. Айтгандай, нега исмингиз Абулқосим эмас, Абдулқосим? "Абдул" кўпроқ татарларда бўларди?

— "Тугилганлик ҳақидаги гувоҳнома"га шундай ёзиб қўйишган экан. Шундан Абдулқосим бўлиб қолганман.

— Ҳа, майли. Энди, ҳикояларингизни олинг, мана буни ҳам олинг. — Одил ака бир варақ қозғони кўлимга тутди. Кўз югуртиб, тушундимки, Одил аканинг менга тилаётган "оқ йўли". — Демак, эртага машинкалаб, олиб бориб берасиз. Сизни уч-тўрт кундан бери кутишяпти.

Одил ака коридорга мени кузатиб чиқди. Пиллапоялардан пастга тушганимча кузатиб турди. Учинчи қаватга тушдим, "Ёш гвардия"га, Мирзанинг ҳузурига шошилдим. Мирза хонасида йўқ. Ўша, бирга ишлайдиган қизча ўтирипти. Шу қизча орқали — бир-биримизни тополмаганимизда алоқа қилавериб, анча қадрдонлашиб қолгандик. Оғзим қулоғимда, кириб бордим. Дарров қозғ сўраб олиб, Мирзага хат ёза бошладим. Кўтаринки кайфиятимдан қизча ҳам хурсанд бўлиб, сабабини сўради. Мен "Оқ йўл"ни олдига ташлаб, "ўқинг" дедим. Ҳали ўзим ўқиганим йўқ. Ўқишга журъатим етишмайди. Қалтирайман. Одил аканинг гапларини боя шунчаки эшитиб ўтиргандай эдим. Бу сўзларнинг маъносини, кучини, менга қанчалар мадад бўлишини энди ҳис эта бошлаган, эндигина қарахтликдан чиқиб, қалбимда ухлаб қолган шодлик галаёни сиртга уфуриб чиқаятганди.

"Мирза! — деб ёздим. — Мени табриклан! Одил аканинг "Оқ йўли" билан янги, апрел ойидан чиқадиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" деган газетанинг биринчи сонда ҳикоям босилар эмиш. Абулқосим. Имзо ўзимники".

Бу орада қизча қувонганча тушуниши анча қийин бўлган Одил аканинг ёзувини ҳижжалаб ўқиш билан овора эди. Биргалашиб ўқидик:

*"Ҳар сафар бирор ёш адиб асар олиб келганда бироз чўчиб турасан киши. Асар пишиқ бўлса-ку, нур устига ағло нур. Бўш бўлса-чи? Дунёда ёш ижодкорнинг кўнглини ўқитишдан ёмон нарса йўқ. Шу маънода мен ёш адиб Абулқосим Мамарасуловнинг ҳикояларини сал чўчинқираб қўлга олган эдим... Бироқ ҳикояларни ўқий бошладиму, шубҳаларим тарқаб кетди.*

*Абулқосим ҳикояларининг иккита фазилати бор: Биринчиси, ҳаётийлик, иккинчиси — юмор. Ёш адиб ўз қаҳрамонларини яхши билади, улар ҳақида меҳр билан, лабда табассум билан ҳикоя қилади. Шояд Абулқосим келгусида қунт билан ижод қилиб, ўз қаламининг бу жиҳатларига сайқал берса.*

**Одил ЁҚУБОВ.**  
**Тошкент".**

Икковлашиб яна бир марта ўқиб чиқдик. Қизча мени табриклади. Ўзимда йўқ, мен ҳам уни табриклардим. (Нимага? Ўзим билмайман.) Мирзага ёзган хатимни топшириб қўйиш учун унга топширдиму, кўчага чиқдим. Ҳаёт гўзал! Ҳаёт яхши! Борган сари қувончим ичимга сифмай кетяпти.

Одил Ёқубов мен я тан олди!!! Жуда катта ёрдамлар ваъда қилди!!! Мени ёнида бир соат олиб ўтирди! То пиллапояларга қадар кузатиб чиқди. "Оқ йўл"да "ёш адиб" жумласини уч марта такрорлаган. "Ҳаваскор" демаган, "бошловчи" демаган. Мен энди Одил аканинг бу ишончини оқлашим керак!



Китоб чиқариш жуда қийинлигини, бунинг учун ижодкорлар тўрт-беш йиллаб навбатда туришларини эшитгандим. Демак, менинг китобим бир-икки йилда чиқиши мумкин!!!

Ҳар қалай тўрт йиллик меҳнатимнинг самараси бу! Одил Ёқубовга нисбатан ишончимнинг натижаси бу!!!

Ҳатто ўзим ишлайдиган кичкинагина кўптиражли газетада ҳам ҳикояларимни чиқаришмаган. Энди эса, осмондан тушгандай... Одил ака "Алибек" деб ном қўйиб берган ҳикояни биринчи марта ёзганда ўзим тан олмаган, ҳатто Мирзага кўрсатгим ҳам келмаганди. Еттига ҳикоя қилсам, демак битта тўплам бўлади. Кўпгина тўпламларни ўқиганда ичида албатта битта севги ҳақида ҳикоя бўлади. Шунини ҳисобга олиб, "Алибек"ни ёздим. Мирзага ўқишга бераётганда ҳам "энг кучсиз ҳикоя" деб, ҳикояларнинг тагига ташлагандим. Мирзага эса айнан ўша ҳикоя жуда ёққанди. Ҳаяжонланиб, қайта-қайта шу ҳикоя ҳақида гапирган, Алибекнинг арига таланиши, ҳамма-ҳамма воқеалар жуда табиий, ҳаётий эканини такрорлаганди. Мен эса ҳайрон бўлган, у ҳикоядан ўзим учун тузукроқ нарса тополмагандим. Шунчаки, севги ҳақида битта ҳикоя бўлиши шартлигини ҳисобга олгандим... Одил акага ҳам айнан шу ҳикоя ёқипти. Шу ҳикоя Абулқосимнинг юзини биринчи бор ўқувчиларга намоиш этиши керак. Менинг ўзимга кўпроқ "Бир дона нон" билан "Йўловчи" ёқарди. Айниқса, "Йўловчи"ни тугатгандан кейин Жиззахга Ҳабибга, Олимжон акамга хат ёзиб, гениал, ўлмайдиган асарни дунёга келтирганимни, бу ҳикоя менга шуҳрат келтириши тайин эканини ярим ҳазил, ярим чин тарзда баён қилгандим. Ҳар қалай Шарофат билан Тўлқиннинг кечмишларини қоғозга тушираётганда ўзим ҳам неча бор йиғлаб олганман. Кўзларимга ёш қадалиб қолган ҳолда ёзаверганман.

#### 1981 йил 20 март.

Ҳикоя ва "Оқ йўл"ни машинкалаб келсам, кеча тайинлангандек, "пропуск" мени кутиб турарди. Одил ака айтгандай, Ҳабиб Каримовни излаб топиб бордим. Мени Одил ака юборганини айтиб, ҳикоя билан "Оқ йўл"ни топширдим. Ҳабиб ака хурсанд бўлиб кетиб, мени дарров масъул котиб Маматқул Ҳазратқулов ҳузурига етаклаб борди. Таржимаи ҳолимни ёздириб олишди. Ҳамма ходимлар мен билан жуда яхши муомала қилишарди. Ҳаммаси Одил ака туфайли.

— Ўҳ-хў, сизни уч марта "адиб" деб атапти. Шу сўзни ўзгартамиз-да, сиз ҳали адиб бўлганингизча йўқ-ку, тўғрими? — деди улардан бири, Одил аканинг "Оқ йўл"ини ўқиркан.

Мен нима ҳам дердим: "Ўзларингиз биласизлар. Ҳаммаси Одил аканинг гаплари".

\* \* \*

Кувончимни ўртоқлашиш учун яна Мирзанинг олдига шошилдим. У мени кучоқ очиб кутиб олди. Ўзида йўқ хурсанд. Мендан кўра у кўпроқ хурсанд. Кеча мен ташлаб кетган хатни ўқиб кўриб, ўзини қўйгани жой тополмай қолипти. "Кўзларимга ишонмайман, — дейди Мирза, — ўқийман, кўзларимга ишонмайман. Шодлигимни сифдиrolмай, коридорга чиқдим. У ёқ-бу ёққа бир-икки айландим".

Мен кечаги ва бугунги воқеаларни батафсил айтиб бердим. Мирзанинг айтишича Одил аканинг ҳузурига жуда кўп ёшлар келармиш. Аммо уларнинг аксарияти хом-хатала асарини тутқизади-да, чиқариб беринг, деб хиралик қилиб туриб олармиш. Бундан Одил аканинг ўзи ҳам чўчиб қолган. "Оқ йўл"да айтган гаплари ана шу сабабли. "Сиздай, ҳамма ҳикоялари бир текис, тайёр

ёзувчи камдан-кам учрайди. Шунчалар қилиптими, энди Одил аканинг этагини маҳкам тутинг. Энг асосийси, энди сиз у кишининг сиз ҳақингиздаги тасаввурини алдаб кўйманг. Янги асарларингиз Одил ака ўқиганларидан-да кучлироқ бўлиши шарт."

Кечга томон санаторийга қайтиб келиб, кувончимни ичимга сифдиrolмай, Жиззахга — Пединститут профессори, адабиётчи, акам Олимжон Жўраевга, дўстим Ҳабибга, уйга — Барлос қишлоғига — онамга, Булунғурдаги болалик дўстларим Алибек ва Тоштемирларга бўлажак воқеа ҳақида хат ёздим. Газетани кутиб, сотиб олишлари лозимлигини таъкидладим.

\* \* \*

Шундан сўнг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1981 йил 3 апрелдаги биринчи сониди менинг "Алибек" ҳикоям "Фаришта" номи остида суратим ва таржимаи ҳолим қўшилган тарзда Одил Ёқубовнинг "оқ йўл"и билан нашр этилди. Шу йил июн ойида шу газетанинг № 6 сониди "Суюнчи" номли ҳикоям ҳам дунё юзини кўрди. "Саодат"нинг 1981 йил ноябр №11 сониди "Бир дона нон", "Шарқ юлдузи" журнали 1982 йил №1 сониди "Йўловчи", "Гулистон" журнали 1982 йил №1 сониди "Уч сўм пул" ҳикоям "Ота меҳри" номи билан эълон этилди.

Кунлардан бир кун Одил ака билан ҳангома қилиб ўтирганимизда Одил ака анча ранжиб:

— Бўлмапти, қирқиб ташлашипти. — деди.

— Ҳар ҳолда чиқди-ку, — дедим мен.

— "Бир дона нон"ингни биринчи марта ўқиганимда кўзларимдан ёш чиқиб кетганди. Ҳаммаси рост гаплар эди. Журнал вариантыда ана шу "титратиб юборадиган ўринлар" олиб ташланган, — деди Одил ака.

"Уч сўм пул" тақдири ҳам ана шу тахлит кечган, журналда аёвсиз таҳрирга йўлиқиб, чўлтоқ бир нарса эълон этилганди.

#### 1982 йил 26 март.

Ўша пайтлари, "Ёшлик" альманахи ўрнида янги журнал чиқиши режалаштирилиб, Одил ака янги журнал раҳбарлари билан ҳам гаплашиб, менга яна "оқ йўл" тилаб, "Сомончилар" ва "Ёр-ёр" номли ҳикояларимни янги журнал идорасига ўз иши билан бораётган Аҳмад Аъзам орқали бериб юборган экан. Мен бу воқеалардан беҳабар, Жиззахда ишлаб юрганман. "8 ноябр 1981 йил Тез етиб кел Ҳикояларинг нашр этиляпти Салом билан Одил". Мазкур телеграммани олишим билан Тошкентга, Одил аканинг ҳузурига учдим. Одил ака бўлган воқеаларни айтиб, мени янги журналга жўнатди. У ерда мени янги журнал наср бўлими мудирини Эркин Аъзамов билан бўлим муҳаррири Хайридин Султоновлар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Хайридин "Сомончилар"имни таҳрирдан ўтказиб, биринчи сонга тайёрлапти. "Ёр-ёр" номли ҳикоям қолдирилипти. "Унда анча эзмаланипсиз", — деди Эркин Аъзамов. Кейинги кунларда кўплар менга шу ҳақда айтаётган бўлса-да, дастлабки мислсиз ғалабалар оғушида мен бу тўғрида фикр юритишни мутлақо истамас, ёки ўз эзмалигимни кўра билмас эдим. Мени янги журналнинг бош муҳаррири Эркин Воҳидовга дуч қилишди. Эркин ака ҳам менинг "Сомончилар"им Одил Ёқубовнинг "сўз боши"си билан янги журналнинг биринчи сониди чиқишини айтди. Мен қайтиб келиб, Одил акага бўлган воқеаларни айтиб, "Ёр-ёр" қилиб кетаётганига ургу бердим.

— "Сомончилар"ни чиқариб олаверинг-чи, — деди Одил ака мийиғида кулимсираб, — кейин

Абулқосим Мамарасулов бўлиб кетсангиз, ўзлари илтимос қилиб чиқаришади. Ушанда бу ҳикояни уларга чиқаришга берасизми, йўқми, ўйлаб кўрасиз.

Кейин 1982 йил январида бирин-кетин "Гулистон" ва "Шарқ юлдузи"нинг янги йил сонларида ҳикояларим эълон қилинди.

\* \* \*

1981 йил ёзида Жиззахдан Тошкентга борганимда Одил ака Жиззахда Нормурод Холмуродов деган совхоз директори борлигини, у киши ҳақида кўп нарсалар ёзиш мумкинлигини айтган, кейин мен Нормурод Холмуродовни топган, у киши билан бир кун бирга юрган, Нормурод ака фахр билан Одил Ёқубов "Диёнат"да исмидан ҳам, фамилиясидан ҳам фойдаланганини айтган, кейин мен шу киши ҳақда очерк ёзиб, Одил акага етказган эдим. Ва бундан ташқари неча йиллар ижод дунёсида заҳмат чекканларим тўғрисида хат ҳам ёзган эдим. Шунга жавобан Одил аканинг мактуби:

*"Дўстим Абулқосим!*

*Очеркингни ўқиб чиқдим. Жуда шошиб ёзибсиз. Мен "бир кечада ёздим", деганингниздаёқ чўчиган эдим. Фикр йўқ, бошдан оёқ ҳамду-санолардан иборатким, бунга на Нормурод ака муҳтож, на китобхон.*

*Бундан кейин жиддий бўлинг, масъулият туйғуси ҳамиша қаламингиз устида ҳоким бўлсин!*

*Ҳикояларингиз вақтида босилмаганидан кўп ўкинманг. Ҳаммаси босилади, мақталади, пул деган "сен же, мен же", бўлиб, шон-шухрат таида қолиб кетасиз ҳали!*

*1-нчи январдан (борингки февралдан дейлик) ёшлар журнали чиқадиган бўлди. Эҳтимол бир қатор ҳикояларингни ўша журналга тавсия қилармиз.*

*Очеркни танқид қилганга ранжиманг. Ака деган қаттиққўл бўлмаса ука деган талтайиб кетиши мумкин.*

**Салом билан Одил Ёқубов**  
1981 йил 6 сентябр.

Айрим ижодий давраларда мен "Одил Ёқубов устозим" дея гапирганимда ҳатто менинг ўзимга, юзимга ҳам "Одил Ёқубов устозинг эмас, у киши шунчаки сенга йўл очиб бераётган одам. Ҳолбуки, бу йўлни сал қийинчилик билан бўлса-да, ўзинг ҳам очиб олишинг мумкин эди" деганлар бўлган, улар билан неча бор баҳслашган эдим. Улар балким ҳақдир, балким ноҳақдир, лекин нима бўлганда ҳам мен ҳамиша — ўша, "Ота изидан"ни ўқиб таъсирланган 4-5 синф ўқувчиси эканлигимдан бошлаб — Одил акани устозим деб билганман ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

*Куйидаги хат Одил аканинг менга биринчи жавоб хати:*  
*"Дўстим Абулқосим!*

*Хатларингни олдим. Раҳмат. Мен съезддан сўнг бир оз Москвада, тўғрироғи Москва яқинидаги бир жойда ётиб ишладим. Тошкентга кеча келдим, бугун ишга чиқиб, хатларингни олдим.*

*Албатта, яхши сўзларингиз учун раҳмат. Биринчи мактубингизда қийинчиликлар ҳақида анча гапирингиз. Шунини биллиб қўйингки, ёзувчи қийинчиликлар воситасида одам бўлади. Яъни кишини ёзувчи қиладиган омиллардан бири ўзи қийинчиликлардир. Ҳаётда бошига ташвиш тушмаган, таралло-ялло қилиб юрган одамдан ёзувчи чиқиши мумкин эмас. Нега? Чунки ёзувчи деган сўз биринчи навбатда дард ва ҳамбардлик деган сўздир.*

*Сизнинг ижодингиз, ишларингиз яхши. Журналларга берилган нарсалар чиқсин, яна ҳам яхши бўлиб кетади.*

*Биз 82 йилга кичик бир китобчангизни чиқариш ниятидамиз. Кейин 83-84 йиллари каттароқ тўплам-*

*ларингизни чиқаришга ҳаракат қиламиз. Сиз фақат шошманг. Шукшин, Вампилов (ҳам драматург, ҳам ҳикоянавис), В.Белов, Б.Можжаев каби истеъдодларни кўпроқ ўқинг. Дунёда ғалат одамлар кўп (чудақлар), шулар ҳаёти билан кўпроқ қизиқинг. Чунки чудақлар — ҳамиша яхши одамлардан чиқади. Бизнинг ёзувчиларимиз (Фафур Фуломдан бошқа) бу ҳақиқатни ҳали яхши тушунишгани йўқ.*

**Ойингиз саломат бўлсинлар. Салом айтинг.**

**Энг яхши тилаклар билан Одил Ёқубов**  
1981 йил 30 июль  
Ана шунақа гаплар.

\* \* \*

1982 йил кузида Фафур Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти менинг "Суюнчи" номли китобчамни "АБК" (Авторнинг биринчи китоби) серияси остида нашр этди. Нашриётга, Одил аканинг олдида борганларимнинг бирида Одил ака мени хоналарга етаклаб бориб, мени таништирган, улар менинг манзилимни ёзиб олиб, шартномаларга қўл қўйдириб олган, шу тахлит китобчани қўлимга олганимга қадар ҳам унда қайси ҳикояларим босилаптию, ҳажми қанча, ранги қанақа, билмаганман. Ҳаммасини Одил ака ҳал қилган. Қўлида қолдирган ҳикояларимдан ўзи танлаб, ажратиб берган. Китобчам нашр этилган кунлари Одил ака "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига бош муҳаррир бўлиб ўтди.

Мен ҳамон барча редакцияларни қайтадан забт этишга беҳуда уринар, беҳуда уриниш натижасими, тайинли бир нарса ёза олмасдим. Кейинги вақтларда редакциядагиларнинг талабларини ўзимча ўрганиб, янги нарсаларимни ўзимча уларнинг талабларига мослаб, қайтадан ёзардим. Натижада янги вариант аввалгидан баттар бўлиб, ёзганимдан — бир вақтлардагидай — ўзимнинг кўнглим тўлмасди. Шундай бўлса-да, — мослашиш илинжида! — яна журнал эшигини тақиллатардим. Ва табиийки...

Шундай кунларда Одил акадан яна хат олдим:

*"Дўстим Абулқосим!*

*Батафсил ва самимий хатингиз учун раҳмат. Берган, биласизки, ёзувчи тугул худога ҳам ёққан, демак, мактубингиз фақир-ҳақирга ҳам ёқди.*

*Кўп гапларингиз ўринли. Лекин ўринсизлари ҳам йўқ эмас. "Нигилистлар" нима дейишса дейишаверишсин. Асар беш-ўнта жумланинг ундай ёки бундай таҳрир қилиниши билан баркамол бўлиб ҳам қолмайди, ерга ҳам кириб кетмайди. Шахсан мен ҳақиқий асар ёзиб, умумхалқ муҳаббатига сазовор бўлган нигилистларнигина тан оламан, қолган нигилистлар менга қолса осмонга қараб, ит бўлиб ҳуришсин.*

*Сизнинг китобингиз ҳақида келганингизда гаплашамиз. Бир келиб кетинг!*

**Салом билан Одил Ёқубов.**  
1983 йил 6 март"

1984 йили 14-24 май кунлари Москвада Бутуниттифоқ ёш ижодкорлар семинар-кўриги ўтказилиши мўлжалланиб, унга Ўзбекистондан 12 нафар ижодкор, шу жумладан икки ёш ёзувчи бориши керак бўлган. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси наср кенгаши раиси Одил Ёқубовнинг тавсияси билан иккинчи номзод қилиб мен танланганман. Семинарга етиб боришимнинг ўзи саргузаштга айланди. 8-9 май кунлари менинг уйланиш тўйим бўлди. Москвага 13 май куни тонг азонда самолётда учиб кетамиз, етиб келинг, деган хабар бор эди. Янги куёв бир кунни қизганиб, 13 май куни эрталаб соат тўққизларда Тошкентга аэропортга етиб борсам, бизнинг



гуруҳ тонг азон соат бешдаги самолёт билан учиб кетган экан. Орқаларидан етиб борай деб кейинги рейсга билет олдим, Москвага тунги соат бирда етиб бордик. Москвани мутлақо билмайман. Қасрга боришимни ҳам мутлақо билмайман. Бир танишим "семинар қатнашчилари ё Марказий Ленин номли футбол стадиони ёнидаги меҳмонхонада, ё "Юность" меҳмонхонасида бўлади. Аэропортдан таксига эмас, автобусга ўтириб метрогача бор, метродан Ленин стадионида чиқ" деганди. Шу тахлит стадион ёнидаги меҳмонхонага чиқиб борсам, ҳамма ёқ тақа-тақ берк. Семинар қатнашчиларидан ном-нишон йўқ. Соат тунги уч. Кўчада нима қилишимни билмай турган эдим, такси ўтиб қолди. "Юность" меҳмонхонасига олиб боришини илтимос қилгандим, кўнмай жўнаб кетдию, сал наридан яна қайтиб, "агар беш сўм берсанг олиб бораман", дея шарт қўйди. Мен шу топда йигирма беш сўм сўраса ҳам беришга рози эдим. "Юность" узоқ эмас экан. Борсам, меҳмонхона эшикларини ланг очиб, одам гавжум, эшик посбонидан ёш ижодкорлар шу ердами деб сўрагандим, дарҳол бири етаклаб, регистрация хонасига олиб борди. У ердаги рўйхатдан менинг номимни, қайси хонага жойлашим кераклигини аниқлаб, дарҳол хонагача олиб бориб қўйишди. Кун билан не азобларда юрганиму, нақадар осонлик билан семинар жойини топиб келганимга қувонишга ҳам ҳолим бўлмай, ётиб ухладим.

Семинарда барча ўн беш республикадан вакиллар бўлиб, наср, назм, драматургия, адабий танқидчилик, болалар адабиёти ва ҳоказо соҳаларга бўлинган, ўз навбатида ҳар бир соҳа бўйича ҳам бир неча гуруҳлар мавжуд бўлиб, мен асосан Москвалик ва Ленинградлик ёш ижодкорлар ўрин олган Даниил Гранин, Алес Адамович каби забардаст ёзувчилар, Евгений Сидоров, Всеволод Сахаров каби танқидчилар раҳбарлик қилган гуруҳга тушиб қолган эканман. Семинарда "Ёр-ёр", "Сомончилар", "Йўловчи", "Бир дона нон", "Яшашнинг йўли" ва бошқа ўнтача ҳикояларимни ўзим қоралама таржима (подстрочник) қилиб жўнатган эдим. Семинарнинг учинчи кунини 16 май менинг ҳикояларим муҳокамаси билан бошланди. Семинар ўтаётган хоналарда барча марказий газеталарнинг муҳбирлари семинар ишини ёритиш, бирон янгилик топилиб қолса биринчи бўлиб овоза этишга шай туришар, журналлар ва нашриётларнинг муҳаррирлари эса ана шундай асарлар топилиб қолса, биринчи бўлиб қўлга киритиш ниятида хонама-хона юришарди. Даниил Гранин энг таниқли устозлардан бўлгани учун бунақалар айниқса бизнинг хонада кўпроқ эдилар. Семинар бошлангандан бери негадир мени москваликлар кўпроқ ўраб олишган эди, менинг муҳокамамда ҳам улар биринчи бўлиб мени мақтай кетишди. Бири олиб, бири қўйиб. Ниҳоят навбат Даниил Гранинга келди. У мийиғида кулиб, ҳамманинг фикрларини жим эшитди ва ниҳоят:

— Тематика рассказов Абдулкасима много раз повторенная, пройденная, много раз сказанная. Но оказывается, дело не в том, о чем пишут, а в том, кто пишет! И как пишет! В этом плане всех рассказов Абдулкасима, которых я читал, можно включить в число новинок нашего семинара...", дея "Ёр-ёр", "Яшашнинг йўли" ва "Сомончилар"ни эринмай бирма-бир таҳлил қилиб чиқди. "Самое главное в рассказах все персонажи — живые люди, ошибаются, спотыкаются, пускаются во всякие глупости. По сути человек таков!

Таких естественным их и ввел автор в свои рассказы, Именно в этом успех Абдулкасима".

Мен тамом бўлган эдим. Мени томоғимдан қандайдир хўрлик бўғиб келарди. Менга сўз беришди. Телекамералар менга тўғриланди, микрофонлар бурнимнинг учига етиб келди. Аммо менинг гапирадиган аҳволим йўқ эди. Айнан мана шу ҳикоялар ҳақида ўзимизда "мутлоқ зўр ҳикоя" ва "мутлақо ҳеч нарсага арзимайдиган ҳикоя" деган мутлақо қарама-қарши фикрлар билдирилган эди. Мени, менинг ҳикояларимни тушунганларингиз учун, ҳаммаси учун сизларга раҳмат!" дея олдим, холос. Бўғзимдан йиғи отилиб чиқмаслик учун гапимни тугатиб, ўтириб олдим. Танаффус эълон қилинди. Мени муҳбирлар, муҳаррирлар ўраб олишди. Улар билан мулоқотга киришадиган аҳволда эмасдим. Уларга москвалик Светлана Василенко ва бошқа москваликлар мен ва менинг асарларим тўғрисида сўзлаб беришпти. Ҳикояларимни "Советский писатель", "Художественная литература", "Молодая гвардия" каби нашриётлар, "Знамя" ва бошқа шу каби журналларнинг муҳаррирларига Света тарқатишти. Мен бу пайтда меҳмонхонадаги хонамга кириб олиб, маза қилиб йиғлаётган эдим..

Кейин мени Света излаб топди. Унинг айтишига қараганда бугун Даниил Гранин сўзидан кейин мен бир неча дақиқа ичида машхур бўлиб кетган эмишман. Асарларим нашриётлар орасида талаш бўлиб кетганмиш ва ҳ.к. Москваликлар уларга менинг асарларим уларда қандай қизиқиш уйғотгани, Даниил Гранин нималар дегани тўғрисида айтиб беришганмиш. Кейин биз Марина Цветаеванинг отаси қурдирган Пушкин номли бадийий санъат музейини томоша қилгани кетдик. Кечқурун меҳмонхонага қайтсам, танқидчи Раҳимжон Отаев мени Одил Ёкубов-излатганини айтди. Кейин мен Одил акани изладим, аммо Одил ака аллақачон чет элга кетиб қолган экан

"Дўстим, Абулқосим!

Салом!

Хатингиз негадир жуда кечикиб келди. Мен сизни Москвада қидирганимнинг боиси — бир-иккита журнал ("Дружба народов" ва бошқалар) муҳаррирлари билан таништириб кетмоқчи эдим. Бу ишни Даниил Гранин қилган бўлса — жуда яхши бўлипти. Сизнинг бошингиздан ўтган воқеа шунини кўрсатадики, биз ҳақиқий адабиётни яхши тушунмаймиз, чунки ҳануз китобийлик ва чучмаллик дардидан қутила олганимиз йўқ..

Майли, йигит кишининг бошига нелар келиб, нелар кетмас, депти халқимиз.

Бугун мен Ж.Жабборов билан гаплашдим (Ф.Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти директори). Ёрдан қилиб, китобингизни 85 йили чиқариб беришга ваъда қилди. Яна кўрармиз.

Тўйга боролмадик, лекин яхши ўтди, деб эшитдик. Келинни олиб бир келинг.

Уй ичи, ёру-биродарларга салом. Келинга алоҳида.

Салом билан Одил Ёкубов.  
20.06. 84 йил."

"Ёшлик"нинг 1985 йил май сонидан "Барлос қишлоғининг зумрад тонглари" номли ҳикояларим дунё юзини кўрди. Ва 1990 йилгача "Характерлар", "Мен сени севаман, Бувиражаб!" номли туркум ҳикояларим, Александр Солженициннинг "Архипелаг ГУЛАГ" асаридан таржимам кетма-кет эълон қилинди...

Шунисига шукр! Кўрсатганига шукр! Шу кунларга етказганига минг бора шукр!





Гулчехра ШАҶОБИДДИН қизи

## Тар кетсам кет- майман шунчаки...

### ЧАҚМОҚ БҮЛДИ СҮЗЛАРИМ

Сенинг ўзгалардан ортиқ жойинг йўқ,  
Ёки бошда танҳо юлдуз, ойинг йўқ,  
Сен ҳам бир пивда, саман тойинг йўқ,  
Мен нечун ишқингда девона бўлдим?!

Бу кун номинг айтиб чарчамас юрак,  
Ҳеч нарса тиламас васлингдан бўлак.  
Азизим, ўйлама, шунчаки эрмак -  
Мен тамом ўзимдан бегона бўлдим...

Мен ҳам бир гул эдим, тўкилди кўнглим,  
Ушбу кун дилимда аламлар лим-лим.  
О, фалак ўйнига келмайди кўнгим  
Бунчалар ўзингга парвона бўлдим...

Гурурим букилди, сўзим тўкилди,  
Юракнинг чоклари бир-бир сўкилди.  
"Биров"нинг дастидан кўнглим юкунди  
Бунчалар кўзимга ягона бўлдинг...

Юракка буюриб бўлмаса нетай?  
Кўнглим ўзга билан тўлмаса нетай?  
Дилим фақат сени қўмсаса нетай?  
Муштоқ қалб ўзгага кўнмаса нетай?  
Шунчалар ичида якдона бўлдинг...

\* \* \*

Ўлтирибсан, давраларнинг гули бўлиб,  
Кимга ёқиб, кимнинг жони-дили бўлиб.  
Мен юрибман нигоҳингни қули бўлиб,  
Сени севиб ё етолмай, ё кечолмай.

Лол қоламан, алп келбатли қоматингга,  
Омад қўшсин Аллоҳ яна омадингга.  
Сўзим урса кечиргину, гар баъдингга,  
Юрак ёнар ё етолмай, ё кечолмай.

Бу қаддимга кимлар қадди эгилмади,  
Кимнинг асил, шоҳ сўзлари тўкилмади.  
Бу мард кўнглим ҳеч кимсага енгилмади,  
Мағлуб бўлдим, ё етолмай, ё кечолмай.

Лол қилганман, йигитларнинг энг зўри-  
ни,  
Кўрмаганман сендек мағрур ҳам ўрини,  
Берган эдим юрагимнинг энг тўрини,  
Ёнар юрак ё етолмай, ё кечолмай.

### КУТИШ... ЁКИ ТАН ОЛИШ

Эшик, содиқлигинг бугун керакмас,  
Содиқлигинг бугун ортиқча!..  
Очила қол, зориқиб кетдим -  
Қайта дунё этгил "тортиқ"ча.

Ўзим бориб очмоққа, нетай,  
Гурур қўймас, журъат ҳам етмас.  
Билиб-билмай берган озорин,  
Билки жабри юракдан кетмас.

Оҳ, нетайким севиб қолганман  
Жабрдийда ул зулҳуморни.  
Очила қол, интиқиб кетдим,  
Бўйни синсин ёлғон инкорни!

Севги агар бир "қасам" бўлса,  
Ичиб қўйдим минг бора уни...  
Заҳрин билиб тотиб қўйганман,  
Ақлим олган ўшал "оғу"ни.

Эшик, содиқлигинг бугун керакмас,  
Бўзламаган юрак юракмас.  
Бир бор эшик ёпанга ҳам ўзим,  
Ошиқлик, бил, ахир эрмакмас!..

Эшик, очила қол, мен очолмайман...

### КЕЛМАДИНГИЗ

Келмадингиз, кундузим қаро бўлди,  
Васлингиз истагида бир кўнглим яро бўлди.  
Шубҳалар панжасида умидим адо бўлди,  
Келмадингиз сиз нечун?

Келмадингиз, мағрур юрак тиз чўкди,  
Чақмоқ бўлиб сўзларим  
ашкнинг чокини сўкди,  
Музлар ёғди, нажот йўқ,  
чўлпон кўзлар дур тўкди,

Келмадингиз сиз нечун?  
Келмадингиз, қуёшим ботди қайта,  
Дардларимни топишдим  
ҳазин навога, найга,  
Кўнглимни тошга урдим  
қарамайин "ҳай-ҳай"га,  
Келмадингиз сиз нечун?

\* \* \*

Тун қаро, йўл қаро, қошлар қоп-қаро,  
Қарашлар жабридан кўнгилар яро,  
Чанқасам, муҳаббат чашмаси яқин,  
Ва лекин жонимга кирмагай аро.

Ўнда тош, сўлда тош, юракларда тош,  
Тошларнинг зарбига ким беролар дош?  
Умр ёш, гўдак ёш, кўзлар тўла ёш,  
Мингбир ўй комида чатнаб кетар бош...

### ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Соғинганман елкангизга бошим қўйиб,  
Сийпаласам сочларингиз суйиб-суйиб,  
Юзингиздан, кўзингиздан ўтсам тўйиб,  
Менга деса кетмайдими дунё куйиб...


\* \* \*

Тим қора, қоп-қора кўзингни севдим  
Қадрдон, шу нурли юзингни севдим,  
Шевада сўзловчи сўзингни севдим,  
Қўйсанг-чи, бош-оёқ ўзингни севдим.

\* \* \*

Сизга етмоқ васлида  
ёнар вужудим, юзим,  
Кўнглим деган балога мунча  
қул бўлмоқдаман.  
Сизни севган ўзимман,  
танҳо тилингни ўзим —  
Ўзим ёққан оловдан  
қуйиб қул бўлмоқдаман.





### ИШОНМАДИНГ

Кўз-кўзга тушиди-ю, сўзломмаган кун,  
Юраклар тўлди-ю, бўзломмаган кун,  
Армонлар эсдилар - буйларин узун,  
Орият - қалбларга боғланган тугун,  
Ишонмадинг сен нечун муҳаббатимга?

Беҳуда ўй-алам қалбим оғритди,  
Дунёнинг камлиги чунон ҳоритди.  
Умидлар ой бўлиб йўлим ёритди,  
Бир қатра меҳрга интизор этди,  
Ишонмадинг сен нечун муҳаббатимга?

Ўзга бир гулханда қалблар кабобми,  
Топталган ул ишққа шунча тавобми?  
Сен учун талтиниб, сен учун ёнган,  
Бир банди зоринга шунча азобми,  
Ишонмадинг сен нечун муҳаббатимга.

### ҒУРУРГА

Буйларинг бунчалар узун-ей,  
Узатсам қўлларим етмайди.  
Дилдаги нолам ҳам маҳзун-ей,  
Энди кеч, жароҳат битмайди.

Биласан, не мардлар тиз чўкиб,  
Маликам бўл деди ёлвориб...  
Минг бора ён бердим, қўймадинг -  
Умидим йўлини ёлвориб...

Мен сенга ишониб ютқазиб,  
Қўйибман умримнинг борини.  
Энди мен аламкаш, ғамбода,  
Бераман ғуруринг додини!..

Йўлимга гов бўлма, қоч ахир,

Бўлмаса кўзингни уяман.  
Ортиқча ғурурдан не фойда?!  
Биласан, мен уни... суяман!

Сиртдан-да, боқсалар ғолибман,  
Тақдирнинг ўйнидан мағлубман.  
Ул узун бўйинингга осилиб,  
Тўғриси, кўр бўлиб қолибман...

Ёлворди, тан олмай кетгандим,  
Ён бердим, чап бериб кетди у.  
Мен сени тошларга бостириб  
Кетаман муродга етгани...

### МЕН КЕТСАМ

Мен кетсам шунчаки кетмайман,  
Хувуллаб қолади бу дунёнг.  
Хаёлинг, ўйингдан кетмайман,  
Сен учун отмайди гўё тонг.

Зарра тонг келарми тоғларга,  
Сен билан олишмоқ менга ҳайф.  
Куним ҳеч қолмасин зоғларга,  
Чақмоқдан осмонга қандай наф?

Ваъда ҳам қилмайман сен учун -  
ҳаловат, хотиржам яшашим,  
Ё менсиз кенг қолган дунёнда -  
Сен менсиз насиба ошашни.

Мен кетсам қолар-ку, илдимиз,  
Осмонда энг ёруғ юлдузим.  
Қолар-ку, жуфт ўғлим ва қизим,  
Отамдан қолганим "ШЕР" изим.

Кетсам ҳам кетаман мард бўлиб,

Кўксингни куйдирар дард бўлиб.  
Қолмасан сен каби гард бўлиб,  
Кетаман бир ёвқур аҳд бўлиб...

Кетишим оловли, ҳисобли,  
Қайтсам ҳам дениздек қайтаман...  
Сўзим ҳам, шаҳдим ҳам шитобли,  
Хулоса-сўнг сўзни айтаман:

### СЕВГИМНИ АЙТМАБМАН

Ичдан эзилсам-да, тўкилиб, сўлиб,  
Меҳрингга интизор ўкиниб, тўлиб.  
Ҳажрингда бир кун ийқилиб, ўлиб -  
Қолсам-да, айтмасан севгимни ошкор.

Бормадим ёнингга ғурурим букиб,  
Бормабман оҳ чекиб, кўз ёшим тўкиб.  
Соғинчлар қалбимнинг чокини сўкиб,  
Кетса-да, айтмасан ошиқлигимни...

Кутдим, севардим, чидадим фақат,  
Тиландим ишқимга лойиқ муҳаббат.  
Ў, сенга етмоқчун қанча уқубат,  
Кўрсам-да, айтмасан севгимни ошкор.

Васлингга етмоққа фурсат ҳам битмас,  
Балки бу аламнинг доғи ҳеч кетмас.  
Ишқим ўлдирмоққа журъатинг етмас -  
Ёнсам-да, айтмасан ошиқлигимни.

Фожиам аёндир — ҳислар ўжар,  
Бу фоний дунёдан номим ҳам ўчар.  
Сийратим бир гулга, ё нурга кўчар,  
Сен шунда англаб ет ошиқлигимни.

Беҳзод ФАЗЛИДИН

## ТОНГЛАРНИНГ ЮЗИГА ҚАНДАЙ ҚАРАЙМАН

\* \* \*

Қайси гуноҳимнинг тавбаси бу шеър?  
Қайси дардлар билан оғрийман бугун?  
Баҳор, уйғотишни мандан бошлайвер,  
Юрагимда тугун - умримда тугун.

Кимларнинг умрини такрорлаб қўйдим,  
Кимларнинг айбига бошим эзилган?  
Мен уни ҳаётдан ортиқроқ суйдим,  
Қара, кўзларимга ғамлар экилган...

Тилимни сўзларда қирқиб олганман,  
Наҳот, кўксимда гул очилмайдиган?  
Кўкка қарашга ҳам кўрқиб қолганман,  
Юлдуз борми кўзга санчилмайдиган?

Йиллар ўзи гувоҳ, қанча қийналдим,  
Ўзимни ўзимга тушунтиргани.  
О, етар шундоқ ҳам узоқ чайналдим,  
Дард қани Худони ишонтиргани?

\* \* \*

Юролмайман, оёғимда лойларим кўп,  
Кучуқчалар тишлаб олган жойларим кўп.  
Осмонларга даъвогарлар бисёр экан,  
Чап кўксимда чиқмай ётган ойлари кўп.

Юрагимни кемиради минг битта ўй,  
Наҳот энди ялпизларим сочмайди буй?!  
Мен банданнинг қўлларига ишонмайман,  
Тангерим, энди Ўзинг мени турғазиб қўй!

\* \* \*

Сўзингни манзилга етказганим йўқ,  
Қачон кўнгиллари Шеърга ўрайман?  
Тунларимни ҳалол ўтказганим йўқ,  
Тонгларнинг юзига қандай қарайман?

Покланиб олгани Нур керак менга,  
Шайтоннинг қўлида чирманда қилма.  
Худойим, энг гўзал Шеър керак менга,  
Тонгларнинг олдида шарманда қилма!

ШОИР

Ҳамма сўзлар Сеники эди,  
Сочдинг, териб олавердим жим.  
Бу олтинлар меники энди,  
Мен энг бахтли ўғриман, Тангерим!

\* \* \*

Ҳаволарга ишонмай қўйдим,  
Ҳар лаҳзада кетиш хавфи бор.  
Мен ҳеч кимни тушунмай қўйдим,  
Юрагимнинг кимга нафи бор?

Яшай дедим - куним ўтмади,  
Чарчамадим рўшнолик сўраб.  
Кўзларимдан итлар кетмади,  
Йиғлайвердим Қуёшга қараб.

Ҳали сендан кўнглим ўлмаган,  
Бер ўзимга ўзимдан нажот.  
Борадиган жойим қолмаган,  
Мени бошқа ҳайдама, Ҳаёт!

Наргиза АСАДБЕК қизи

# Ишқ остонаси



## Чаман ичинда бир гул

"Ишқ остонаси" — Наргизанинг биринчи назмий туркуми. Муҳаббат ва садоқат — туркумнинг бош мавзуи. У кўпроқ рамзлар асосига қурилган бўлиб, Боғ, Остона, Куз, Ёмғир, Шамол асардаги асосий образлардир. Улар гоҳ суюнадилар, гоҳида изтиробга тушадилар. Икки ошиқ (Сен ва Мен)нинг ҳолатларига қараб ўзгариб, эврилиб борадилар.

Туркум армонга айланган Муҳаббат кўшиғи, Севгидаги бахт ва бахтсизлик инкишофи.

Мен ёш шоиранинг шеърларини кузатиб бораётган ижодкор сифатида айта оламанки, Наргиза нозиктаъб шоира. Унинг шеърларида туйгулар табиат манзараларидек ранг-баранг ва жозибадор. Айни дамда мен уни шеърят оламидаги чаман ичида ўз атри ва тароватига эга бўлган нафис Гулга ўхшатаман.

Эркин САМАНДАР

### Туркум

1

Ҳозир боғда авжи шодёна,  
Куй чалади шамол сўрида.  
Маъқул, дея қимирлатиб бош,  
Куз ўтирар боғнинг тўрида.  
Атлас рангли япроқлар раққос,  
Хиромида каму кўсти йўқ.  
Туришидан биздан, азизим,  
Назаримда, кузнинг кўнгли тўқ...

2

Тангим уни жўнатганмиди,  
Келганмиди ошиқиб, чопиб.  
Бир кўришида суйиб қолдимиз,  
Остонада турган тасодиф.

3

Бу хонанинг дарди ичида,  
Деразадан боқар ой парча.  
Ичкарида беҳабар гўё,  
Ташиқарига кулган шу дарча.  
Назаримда шифтдаги чироқ,  
Ўз тафтига бормоқда ёниб.  
Ақлу ҳушим жойида десам,  
Ҳушлар мендан кетмоқда тониб.  
Девор қўйган менга тўрт соқчи,  
Эшик турар калитни пойлаб.  
Чиқолмайман, тушунгин, жоним,  
Гумон қўйган йўлимни пойлаб.  
Кўзгу тутар гўё саволга,  
Жавоб кутар кўзгу ичра Мен.

Наҳот! Энди севилдингми, қалб,  
Наҳот, яна севилдингми, Сен?

4

Замин бўлган худди тўйхона,  
Кув мисол ухлар ётар тун.  
Саҳар туриб сепгани шудринг,  
Пешайвондан чиқиб келар кун.  
Бунда қотиб ухлар деворлар,  
Босинқирар дарпарда сағал.  
Юрак ютиб чиқиб кетаман,  
Тонгда эшик эснаган маҳал...

5

Кўк юзини ювганда сойга,  
Қушлар учар ненидир излаб.  
Сен ўтганда нигоҳинг ўйчан,  
Соянг юрар, ортингдан "сиз"лаб.  
Пешвоз чиқар йўлингга боғлар,  
Хазонларни ташлайди сочиб.  
Елга қўйиб аста шивирлаб,  
Куз туради дўконин очиб.  
Беҳолдирсан, бемажол, бекас,  
Шамол тегиб жимирлар тананг,  
"Нима бўлди, ўзи Сенга?" деб,  
Қарши олар яна ишхонанг.

6

Остонада турибман, мана,  
Кутмоқлардан бездингмикин ё.  
Одимларинг эшитиб шу он,  
Чопиб кетдим, сездингмикин ё...  
Остонада турибсан, мана,  
Деразадан боқиб ҳайрона.

Сен-ла кутиб, Сенсиз кузатди,  
Сукут сақлаб қолди остона.

7

Андухларга нени айтишим,  
Кўнглим сезар толейимда чин,  
Бир кун бордир Сенга қайтишим.  
Сўзларимни англадингму, ёр,  
Кўзларингда айланди бир нам,  
"Унда балки кеч бўлар..." дединг,  
Қайтишимга ишонмасанг ҳам.

8


Ҳар кунгидек кутмайсан бу кеч,  
Кечолмайин кетасан мендан,  
Пиқ-пиқ этиб йиғлайди ёмғир,  
Дарахтларга осилиб олиб.  
Сен кетасан кўчада ёлғиз,  
Ёмғирпўшинг уйингда қолиб.

9

Келдим...  
Бу дамларни қанча кутиб, кутдириб,  
Боқ, мени ростмана енгди ичкиши.  
Шунда зулумотга мени ютдириб,  
Сенмас, пешвоз чиқди куюк Кечикши!

10

Иккимиз ҳам ёлғиз етдик ёр,  
Муҳаббатнинг нишонасига.  
Қисматимиз ёзиб қўйилмиш,  
Остонанинг пешонасига...





Маҳмуда ВАЛИЕВА,  
халқ таълими аълочиси

# Муаллим десалар қанийдиги мени

*Илм устози — ота мақомида,  
Хунар устози — она мақомида.*

Ҳақиқатан, доно халқимиз кўп йиллик кузатишлардан келиб чиқиб илм-хунар ўргатувчи мураббийларни ота-оналар мукаррам, азиз инсонлар қаторига қўшган. Устозлар доим эъзозлаб келинган. Зеро, мурғак болакайни покиза ниётлар ила комилликка ундовчи, унда ижобий фазилатларни шакллантирувчи, “Она, Ватан” сўзларини ёздириб, садоқатли ўқувчилар тарбияловчи, чексиз илм уммонидан баҳраманд қилувчи муаллимларимизни қанча эъзозласак ҳам оз.

Мустақиллик йилларида муаллим ва билим масканларига эътибор ошди. Кўплаб замонавий мактаб ва академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари қурилди. Биология, кимё, тасвирий санъат, информатика, физика ўқув кабинетлари лаборатория жиҳозлари, сўнгги русумдаги компьютерлар, ярақлаб турган стол-стул, жавонлар билан таъминланди. Мактаб кутубхоналари ахборот ресурс марказига айлантирилиб, интернетга уланди. Фанлар бўйича бир неча сайтлар яратилди. Узоққа бормайлик, 2006 ўқув йилида бизнинг Юнусобод туманидаги 70 йил аввал қурилган, эски бир қаватли мактаб биноси бузиб ташланди. Оз муддат — беш ойда янги, уч қаватли 945 ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди. Ўқувчи ва ўқитувчилар мамнун, кенг, ёруғ ўқув кабинетларида дарслар олиб борилмоқда.

Муаллимларга ҳам синов даври келди. Энди улар иш тажрибаси неча йиллигига қараб эмас, айни дамдаги фаолиятига қараб ҳақ олмоқда. Бир вақтлар олий тоифага эга бўлган, давлат мукофотларига сазовор бўлган ўқитувчи ҳам “сийланмайди”. Негаки ўқувчилар тақдири, келажаги унинг қўлида. Неча ёшда бўлишига қарамай, у билим масканида ишлаяпти, ҳар уч йилда малака ошириши, ҳар беш йилда аттестациядан ўтиши керак. Аттестациядан ўтиб олий ёки 1-тоифали ўқитувчи бўлса, ойлик маоши

ҳам ошиб бораверади. Ҳар бир мактабда “Директор жамғармаси” фаолият олиб боради. Комиссия аъзолари ҳар бир ўқитувчининг касбий маҳорати ва синфдан ташқари олиб бораётган ишларини таҳлил қилиб, ойликка 40 фоиз устама ҳақ белгилайди, мукофот пули ажратади. Бу жамғарма 50 фоизгача ўқитувчига белгиланади. Демак, ҳар ким меҳнатига қараб рағбатлантирилади. Рағбат бор экан, рақобат бор экан, муваффақият, изланиш ҳам бўлади.

Мустақиллик шарофати туфайли юртбошимиз эътибори билан олти нафар Халқ таълими ходими Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. “Йил ўқитувчиси” республика танлови голиби Ирода Ҳамидова Японияда бўлиб қайтди, Дилфуза Фаниева 3 хонали квартира билан тақдирланди. Тошкент вилояти голиби эса “Тико” эгаси бўлди. Албатта, бундай ютуқлар саноғига етиб бўлмайди. Аммо айрим муаммолар ҳам борки, ажабмас, вақти келиб ҳал бўлса.

1998-99 ўқув йилларида ўқув адабиётидан янги Давлат Таълим Стандарти ва дастур яратилди. Адабиёт дарсликларига сара ёзувчилар ижодидан намуналар киритилди. Дастур муаллифларидан бири педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев унвонли ёзувчиларни эмас, ҳақиқий ижод намунасини ўқувчиларга ҳавола этди. Шу кунгача бу дастур мукамаллашиб бир неча бор ўзгариб борди. 2005 йилда 5-синф дастурига Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев, Нормурод Норқобилов, Ҳамза Имомбердиевлар киритилди. Уларнинг асарларидан намуна ва парчалар “Маърифат” газетасида ўқитувчиларга ёрдам тарзида босилди. 2006 йилда эса филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов бошчилигидаги дастур муаллифлари болаларнинг сеvimли ёзувчилари А.Обиджон, Т.Адашбоев, Ҳ.Имомбердиев, Н.Норқобилов ҳамда Х.Даврон асарларини дастурдан чиқариб, М.Каримнинг “Қалдирғочлар баҳорда келади”, Шукруллонинг “Умр ҳақида эртақ” асарлари ҳамда Эзоп масалларини киритдилар. Биз “1966 йил зилзиласи вақтида тошкентликлар бошига тушган

офатнинг ёш бола руҳияти орқали ифодалангани" ҳақидаги ҳикоя ёки "саёҳатчининг марҳумларнинг қабр тошларидаги ёзувларни кўриб, ҳайратга тушиши" ҳақидаги эртақ (қўштирноқ ичидаги изоҳ 5-синф ўқув дастуридан олинган) ўрганилишига қарши эмасмиз. Назаримизда фалсафий руҳдаги кичик бир асар ҳам 12-13 ёшдаги ўқувчиларга ўргатилиши керак. Эртақлар оламидан сўнг 11 ёшли ўқувчини юқоридаги асарлар руҳига олиб кириш қийин. Қолаверса, яна дарслик ўзгаради. 8-синф адабиёти дастуридан эса Р. Парфи, Ҳ. Худойбердиева, Ш. Бошбеков, Х. Султонов ижоди чиқариб ташланганини, улар ўрнига "шахсий" ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан ўқувчиларга ўрناк бўла оладиган ёзувчилар киритилганини қандай баҳолаш мумкин? Биз ёзувчи ёки шоир таржимаи ҳоли, шахсий ҳаётининг икир-чикирларини ўрганамизми ёки ўқувчи қизиқиши, психологиясига мос сара асарними? Ўқувчини унвонли, обрўли ёзувчи эмас, унвони бўлмаса-да етук асар яратган ёзувчи қизиқтиради. Бу катта ёзувчи, ўқишга мажбурсан деб ўқитолмаймиз. Қолаверса, ўқитувчи ҳозир ўқитмайди, ўқишга ўргатади.

Ўқитувчи қўлига ҳар йили янги дастур берилаверса, дастур муаллифлари жим ўтираверса, "Алкимёгар" асарини 7-синфда ўрганиш режалаштирилган бўлса муаллим дардини кимга айтсин? Биз филолог олимлар тайёрламаймиз-ку! Ўқувчи бир ўқув йилида 16-17 фан ўрганишини ҳисобга олиш керак-ку! Истардикки, мутасадди идоралар яна бир марта дастурни кўриб чиқишса. Токи, бир дастур ва дарслик ҳеч бўлмаса 5 йилгача ўзгармасин.

Муаммолардан яна бири — тозалик ва ободонлаштириш ишларига ўқитувчиларнинг кўп жалб қилинишидир. Тўғри, ҳар ким ўз мактаби ва унинг атрофини тоза, озода сақламоғи керак. Зеро, поклик бор жойда барака, тарбия бўлади. Ўқувчилар меҳнатга бўйин беради. Лекин кўп қаватли уйлар атрофини ўн-ўн беш чақирим жойга бориб тозалаб келиш ўқитувчининг вазифасими? Нега қонун ҳимоячиси, солиқчи, шифокор эмас, айнан ўқитувчи бу ишга жалб қилинади? Сайлов жараёнида эса рўйхатга олувчи, таклифнома тарқатувчи-ўқитувчи. Назаримизда, ҳокимият масаланинг бу жиҳатини ўйлаб кўриши керак.

Президентимиз "1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни"ни байрам сифатида дам олиш кунига айлантирган. Бу бошқа мамлакатларда йўқ. Ўқитувчи шарафли касби савобини, меҳнати натижасини, ўқувчилари камолини кўриб юрсин, дейман.

Севимли шоиримиз А.Ориповнинг бир мисраси бор: "Муаллим десалар қанийди мени". Бу орзуга етишган, муаллим номига сазовор бўлган минглаб устозлар доим бор бўлишсин.



Мурод ЧОВУШ



## Қуёшнинг нурини ўнмоқ бўламан

НЕГА УНИ ТЎХТАТМАЙСАН

*Ичимда бир уста темир қиздирар,  
Ёнида ёрдамчи Хумор қизлари,  
Кўкрагимда бақирқнинг излари.*

*Темирнинг устидан шароб қуяман,  
Парлари қизиган юзимни титар,  
Зулхумор намланган кўзин беркитар.*

*Кўкрагимда бақирқнинг излари,  
Бир бола югуриб кетмоқда ундан,  
Нега уни тўхтатмайсан, Зулхумор.*

\* \* \*

*Мен сафарга кетгандим  
Анча вақт ўтди. Келсам,  
Ёримнинг қабрида йиғлаб-йиғлаб  
Кул бўлибди дунёнинг энг гўзал шоири.  
Мен энди ёмғирнинг бир томчисидан  
Куяман,  
Унда униб чиққай қасосгул.*

\* \* \*

*Денгиз ва осмоннинг туташган жойи,  
Юрагимнинг лаби чиройли бунча.  
Мен ўпичман ҳали ўпмаган ўпич,  
Ҳавонинг бағрини қучиб йиғлари.*


*Чунки мен дунёнинг энг маст хаёли,  
Қуёшнинг нурини ўнмоқ бўламан.  
Бирдан руҳ пардаси денгиз шамоли,  
Қақраган лабимга тузин тиллари.*

МЕН БОРАЯМАН, ОЧИНГ ДЕРАЗАНГИЗНИ

*Тун. Китоб ўқияпсиз кўзойнак тақиб,  
Бирд. н чақин чақар. Шунда нега, а  
Ухлаб ётган суратга жилмаясиз?*

*Чарсиллаб ёнмоқда-ку хаёлларим,  
Нега ишонмайсиз. Ҳайро' қарайсиз,  
Қаҳримни зардобдай сочмайман сизга.*

*Кўзингизни артинг йиғингиз билан  
Ойнинг товушида мени ўчиринг,  
Тиним билмай чақин чаққанам учун,  
Меҳрибоним, Гулҳл орим, кечиринг.*



Тоғай МУРОД

# Ёш қаламкашларга тилакларим

## Кундаликда қолган қайдлар\*



Биродар, сизга айтажак уч оғиз гапим бор.

1. Биродар, фақат ёлғиз одам асар излайди. Фақат ёлғиз одам асар топади. Фақат ёлғиз одам асар яратади.

Ана шу ёлғиз одам Ёзувчилар уюшмаси остонасидан кириб келади.

У зот ўйчан ҳам ғамгин бўлади. Мағрур ҳам димоғдор бўлади. Салом — нима, алик нима — билмайди.

Ўзи, қайси бир юртдан поездга осилиб келган бўлади. Ҳатто, яшаш учун турар-жойи бўлмайди.

Ёлғиз одамни бир қўлтиғида Кафка бўлади, бир қўлтиғида Камю бўлади. У зот фақат қўлтиғидаги қаламкашларни ва... ёлғиз ўзини тан олади!

"Адабиётни қайтатдан яратиш керак", деб қўяди. "Чингиз Айтматов ҳам ёмон эмас", деб қўяди.

Ёлғиз одам Ёзувчилар уюшмасига кириш учун учта йўлланма олиб келади. Йўлланмалар мана бундай бўлади: "Ўз дунёси бор, ўз йўли бор, ўз тили бор..."

Гўё, у зот бу сайёрадан эмас, ўзга сайёрадан. Гўё, у зот ер фарзанди эмас, само фарзанди. Хуллас... буюк!

Бундай қаралса — ушбу йўлланмалар кулгилидай туюлади. Аслида, йўлланмаларда зиғирдай жон бўлади. Ёлғиз одамни илк китоби ана шу жондан нишона беради.

Ёлғиз одам ана шундай йўлланмалар билан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлади-ю... ёлғиз одам бўлмайди.

У энди "дўст" орттиради, "дўстлар давраси" орттиради. "Авалло одам бўлиш керак", "Граждан бўлиш керак", "Шоирлик тақдир — ҳаммамиз ҳам бир дарвеш".

"Дўстлар" ана шундай шоир остида "ижод" қилади. У "дўстлар" билан наҳорда ошга боради, пешинда ошга боради, оқшомда ошга боради.

У энди... "аввало одам бўлади", "граждан бўлади", "бир дарвеш" бўлади. Қўли кўксидан — тутун чиққан жойдан қолмайди.

У кўнса кўнди, кўнмаса — бадном бўлади. Биров устоз бўлиб уни ўнга етаклайди. Биров ака бўлиб, уни чапга етаклайди. Биров муҳаррир бўлиб, бошқа бир ёққа етаклайди.

У энди... "кўп қатори бўлади", "ўзимиз қатори" бўлади. "Катта бир нима деганда хўп денг", "Сиз айтганни қилинг, кам бўлмайсиз", "Акаларингизни маҳкам ушласангиз, одам бўласиз".

У ана шундай устозона маслаҳатлар остида "ижод" қилади.

У кўнса кўнди, кўнмаса — ишга киролмайди, уй ололмайди, машина ололмайди.

У энди гуруҳлар манфаати йўлида бўзчининг мокси бўлади. Фракциялар мақсади йўлида халқ дилидагини айтувчи халқларвар бўлади. Фракциялар фойдаси йўлида ватанини ўйловчи ватанпарвар бўлади.

У энди ҳақиқатпарвар қиёфасида муқаддас даргоҳларни алғов-далғов этади. Поқдомон дилларни яра этади. Мажлисларда дунёни бошига кўтаради.

Охир-оқибат — яланғоч қирол бўлиб қолади.

Биродар, эзулик йўлида гуруҳ тузмайдилар. Ватан йўлида фракция тузмайдилар. Халқ йўлида фракция тузмайдилар.

"Гуруҳ — бир-иккита зот манфаати йўлида бир тўда оломон телбалигидир".

Жонатан Свифт ана шундай деб эди.

Биродар, сиз "мустақил Ўзбекистон", деб ҳайқирасиз. Чин, Ўзбекистон мустақил бўлди. Чин, Ўзбекистон уч йилдан буён мустақиллик гаштини суриб яшамоқда.

Энди... сиз ўзингизга бир... ойна олиб қаранг: сиз-чи, сиз ўзингиз-чи?

Биродар, мен сиз-да Ўзбекистон юртингиздай мустақил бўлсангиз дейман. Мен сизга-да мустақиллик тилайман.

Биродар, жаҳонда бир қатор халқаро ташкилотлар бор. Барчаси-да оламжаҳон ташкилот, барчаси-да нуфузли ташкилот. Жаҳон мамлакатлари бировга қўшилмайдиган халқаро ташкилоти ана шулар жумласидан. Қанақа ташкилот экани исмидан аён — бировга қўшилмайдиган давлатлар ташкилоти.

Биродар, Ўзбекистон юртингиз ана шу халқаро ташкилот аъзоси бўлди, Ўзбекистон юртингиз бировга қўшилмайдиган жаҳон давлатлари сафидан жой олди.

Энди... сиз-да ўзингизга бир... ойна олиб қаранг: сиз-чи, сиз ўзингиз-чи?

Биродар, мен сизни бировга қўшилмайдиган Ўзбекистон юртингиздан намуна олсангиз, дейман. Мен сизга мустақиллик тилайман.

Биродар, Ўзбекистон юртингиз ўз гербига эга бўлди. Герб — давлат юзи, демакдир. Герб — эл юзи, демакдир.

Ана энди Ўзбекистон давлатингизни ўз юзи бор давлат, деса бўлади. Ана энди ўзбек элингизни ўз юзи бор эл, деса бўлади.

Энди... сиз ўзингизга-да бир... ойна олиб қаранг: ўзларида-чи, ўзларида?

Биродар, мен сизни Ўзбекистон давлатингиз йўлидан борсангиз, дейман. Мен сизни ўзбек элингиздан намуна олсангиз, дейман.

Биродар, мен сизда шахсий герб — ўз юзингиз бўлса, дейман. Мен сизга шахсий герб — шахсий юз тилайман.

Биродар, Ўзбекистон юртингиз ўз гимнига эга бўлди. Гимн — давлат сўзи, демакдир. Гимн — эл сўзи, демакдир.

Ана энди Ўзбекистон давлатингизни ўз сўзи бор давлат, деса бўлади. Ана энди ўзбек элингизни ўз сўзи бор эл, деса бўлади.

Биродар, сиз ўзингизга тагин бир... ойна олиб қаранг: ўзларини-чи, ўзларини?

Биродар, мен сизда-да шахсий гимн — ўз сўзингиз бўлса, дейман. Мен сизга-да шахсий гимн — шахсий сўз тилайман.

2. Дастхат нима?

Дастхат — бармоқ. Дастхат — қўл. Дастхат — имзо. Ана шу тамғалардан инсон зоти ким — билиб олса

\* Тўплаб нашрга тайёрловчи: Маъсума АҲМЕДОВА

бўлади.

Шу боис, имзо — ҳужжат, имзо — дастхат.

Ҳаётда дастхатлар кўп: олим дастхати, қаҳрамон дастхати, санъаткор дастхати...

Аммо қаламқаш дастхати — дастхатлар дастхати. Қаламқаш дастхати — табаррук дастхат. Қаламқаш дастхати — тарихий дастхат.

Мен Абдулла Ориповдан дастхат олиш учун... нонга навбатда тургандай туриб эдим. Мен Чингиз Айтматовдан дастхат олиш учун... аэропорт бориб пойлаб эдим.

Уйимда ана шу зотлар дастхати бор. Мен ушбу дастхатларга қараб-қараб яшайман. Мен ҳаёлимда... Орипов билан ёнма-ён яшайман. Мен ҳаёлимда... Айтматов билан қўшни яшайман.

Мен ушбу дастхатларга қараб-қараб... ўзимни дадил ҳам улугвор чоғлайман!

Биродар, кимдир лидер бўлмоқчи бўлади. Аммо лидер бўлолмайди. Ожиз бўлади.

Аслида, инсон учун ер яхши. Боиси, инсон ер фарзанди.

Аммо у зот ерга қаноат қилмайди. У юксакларни кўзлайди. У фазога талпинади.

У зот кўтарилиш учун нарвон излайди. Нарвон дея, ватанпарвар қиёфасида ватанфурушлик қилади, халқпарвар қиёфасида халқфурушлик қилади. Нарвон дея, мол-дунё тарқатади, жон куйдиради.

Охир-оқибат, нарвон топади. Узун-узун нарвон. Йигирма-ўттиз зинапояли нарвон.

У зот ана шу нарвондан юқори кўтарилади. У теваракка димоғи билан қарайди. У улугвор-улугвор қарайди. У буюкона-буюкона қарайди.

Гўё, у чўққи, барча — ер. Гўё, у улуг, барча — фақир. Гўё, у буюк, барча — чивин.

Биродар, ана шу нарвон... сиз йиғажак имзолар! Ана шу нарвон... сиз қўяжак имзолар!

Узун-узун. Қават-қават. Бир имзо — бир зина, бир зина — бир имзо. Бир, икки, уч... йигирма бешта имзо. Демак, йигирма бешта зина!

Лидер ана шу нарвон зиналар — имзоларингизга оёқ тираб мансабга кўтарилади. Лидер нарвон зиналар - имзоларингизга оёқ қўйиб шон-шухрат чўққисига юқорилайди. Лидер нарвон зиналар -имзоларингизга оёқ тираб ғанимларидан ўч олади.

Сиз... зинапоя бўласиз!

Ахир, бир имзо остида бир шоир елкаси ётади. Бир имзо остида бир адиб боши ётади. Бир имзо остида бир олим кўкраги ётади.

Лидер... шоирона елкангизга оёғини қўйиб кўтарилади. Лидер... адибона бошингизга оёғини босиб юқорилайди. Лидер олимона кўкрагингизга оёғини тираб кўтарилади.

Шундай, сиз зинапоя бўласиз.

Имзолар — зиналар, зиналар — имзолар...

Матбуотларда Зина-зина шоирона имзолар, Зина-зина адибона имзолар! Юқори идораларда қатор-қатор шоирона имзолар, қатор-қатор адибона имзолар! Архивларда қават-қават шоирона имзолар, қават-қават адибона имзолар!

Биродар, адабиёт имзо санъати эмас, йўқ, адабиёт имзо санъати эмас!

Сиз имзо эмас, сиз - сўз йиғинг. Сиз аризага эмас, сиз — асарга имзо қўйинг.

Ана шу асарингизни нарвон қилиб - юқори кўтарилинг. Оёқларингиз остида имзонгиз эмас - асарингиз бўлсин!

Эл-юртда қачон қайта қуриш бўлади?

Ҳар банда ўз аравасини ўзи тортса — эл-юртда ислоҳот бўлади. Ҳар банда ўз аравасини ўзи тортса — эл-юрт бой ҳам обод бўлади.

Биродар, сизнинг аврангиз — адабиёт!

Биродар, шоир имзоси кулги бўлмиш ушбу кунда

сиз ўз имзонгизни авайланг.

Эл сизни бир кўриш учун ёғилиб келсин. Эл сиздан дастхат олиш учун навбатда турсин. Эл дастхатингиз билан фахрлансин.

Биродар, адиб имзоси шармисор бўлмиш ушбу кунда сиз ўз имзонгизни қадрланг.

Эл сизни кутиб олиш учун пешвоз чиқсин. Эл сиздан дастхат сўрасин. Эл дастхатингизни уйи тўрига қуйсин.

Биродар, қаламқаш имзоси оёқ ости бўлмиш ушбу кунда сиз ўз имзонгизни кўз қорачиғингизда олиб юринг.

3. Самарқанд миноралари олисдан чўп мисол кўринади. Гўё, ушласа қафтга сиғади. Яқинроқдан эса каллакланган тут мисол кўринади. Гўё, кучоқласа кучоққа сиғади.

Олдидан баҳайбатдан-баҳайбат минора бўлиб кўринади. Қафт тугул, ақлга сиғмайди. Кучоқ тугул, ҳаёлга сиғмайди.

Минора учидан ер сайин кенгайиб келади. Ерга келиб йўғонлашади. Минора жойи улкан гумбаз бўлади. Инсон гумбаз пойида бир ушоқ бўлиб қолади.

Ана шу гумбаз пойдевор минораларни асрлар оша кўтариб келди. Умр ато этиб келди.

Бадиий асар-да мисоли бир минора. Асарни-да ўз пойдевори бўлади. Асар умри ана шу пойдевордан бино бўлади.

Асар пойдевори — тил.

Тагин бир тил бор. Бу — оғиз тил. Гўдак қафтидай лаҳим эт. Суяксиз эт,

Ижод оламида бир тоифа қаламқашлар бўлади. Улар асари... ҳарфлардан иборат бўлади. Тузсиз сўзлардан иборат бўлади. Бетайин сўзлардан иборат бўлади.

Бу қаламқашларни оғиз тили эса... асфальт йўлдай бўлади. Оғиз тили асфальт йўлдай узун ҳам чексиз бўлади. Оғиз тили асфальт йўлдай қоп-қора ҳам қўланса бўлади.

Биродар, тил — дил, дил — тил. Фарқи — бир ҳарф, биттагина ҳарф.

Бундай қаламқашлар умриям асфальт йўлдай эзилиб ўтади. Умри қишда музлаб ўтади. Умри ёзда қуйиб ўтади.

Бундай қаламқашларда тан-соғлик бўлмайди. Бет-бош бўлмайди. Ранг-рўй бўлмайди. Уст-бош бўлмайди.

Биродар, ёмон тил ё жонга уради, ё имонга уради!

Бундайлар ҳар сўзини оилаб ўйлайди. Ҳар сўзини ҳафталаб ўйлайди. Ҳар сўзини кунлаб ўйлайди. Ўйлаб-ўйлаб гап тарқатади, гап сотади, гап сасийди.

Гапи айланиб ўзига келса — у без бўлиб тура беради, у тониб тура беради. "Қанақа гап?" дейди. "Мен билмайман", дейди. "Тилни суяги борми, гапираверади-да", дейди.

Бундайлар ижодини жамласа бир жилд бўлади, иғвосини жамласа — ўн жилд бўлади!

Бундайлар мақсадларига қандай эришади? Бундайлар... салом-аликка оташнафас бўлади. Муомалада "одамни жони" бўлади. Улфатчиликни қотиради. "Дўстим", "ўртоқ", дея ўпишиб кўришади. Дуои фотиҳани боппайди. "Жаноб", "тақсир", дея сўзамол бўлади.

Биродар, сену менлар нимадан бошланади? Бир оғиз иғвондан бошланади. Бир-бирлари аро тиш қайрашлар нимадан бошланади? Бир оғиз фисқ-фасоддан бошланади. Ўзаро ғанимлик нимадан бошланади? Бир оғиз фитнадан бошланади.

Таёқ этдан ўтади, сўз суякдан ўтади.

Биродар, жаҳон урушлариям... фитнадан бошланиб эди!

Ҳаёт тил билан бошланади, ҳаёт тил билан адо бўлади. Шу боис, ҳаётга келажак инсонни "тили чиқибди", дейди. Ҳаётдан кетажак инсонни тилдан қолибди", дейди.

Биродар, қаламқашни суйдирадиган — асари тили, қаламқашни куйдирадиган — оғиз тили!

1993 йил.





Зебо ҚУТЛИЕВА

Ахтамқул КАРИМ

Анги ғазэл

Қаро хол оразинг четлаб,  
нега зулф ёнига тушиди?  
У холнинг сояси ҳатлаб,  
кўзим осмонига тушиди.

Қарочиклар аро қолиб,  
кўзимда мангу жой олиб,  
Анинг илдизлари бориб,  
дилим уммонига тушиди.

Адо айлаб жудоликлар,  
тамоми бенаволиклар,  
Ҳама холдек қароликлар,  
умр поёнига тушиди.

Нигоҳлар оташи ўқдай,  
ёниб кетмоқдаман чўғдай,  
Юрак ўз ўрнида йўқдай, тиғи  
пайкониға тушиди.

Дарахтдай сарғайиб боққан,  
йўлимда дилмикан ёққан,  
Узилган сўнги япроқдан,  
бири домонига тушиди.

Югурдим ой билан бўзлаб,  
йўқотган изларин излаб,  
Кейин ой бизни ёлғизлаб,  
унинг айвонига тушиди.

Яшайман толмаган толдай,  
ғаму соғинчларим қолгай,  
Улар дунё юзин олгай,  
бу кун майдонига тушиди.

Куйиб Ахтамқули, сендек,  
жаҳонда қанча хону бек,  
Бу савдога қўёлмай чек,  
қиёмат жонига тушиди.



## Айни илҳом оғушида дил

ТАШРИФ

Жўяклар бағрига оқиб ётар бол,  
Сахий кўк сувидан замин хўп тўйди.  
Савалай-савалай бу қайсар шамол,  
Бобомнинг полизин қуришиб кўйди.  
Куриган палаклар бир четда даста,  
Бобом ғазабланар, иши бўлар суест.  
Қовоғини уйиб, сўзғалиб аста,  
Чопонини кия бошлайди Август.  
Келинлар бошига рўмолин илиб,  
Тонг саҳар супуриб кўчаларини.  
Излаб қоладилар илгичларидан,  
Момолари тиккан нимчаларини.  
Кўёшининг нурига қўлини қўйиб,  
Салқин ўрмалайди сўлим боғларга.  
Август изланувчан ўғил-қизларин,  
Кузата бошлайди олийгоҳларга.  
Бобом йўқлаб борар яна даласин,  
Майдалай деб ернинг суякларини.  
Эркалаб қўяди бошини эгиб,  
Августнинг етилган кўсакларини.  
Опаси келар пайт ариқдан чиқиб,  
Болалар уйига қайтади бирга.  
Сувлар оқиб борар энди энтиқиб,  
Сентябрнинг салқин қучоқларига.

МЕН СИЗНИ ИЗЛАБМАН

Мен сизни излабман субҳидан,  
Шамоли ўйнаган тоғлардан.  
Дилимда соғинчим хижолат,  
Гулига ўранган чоғлардан.

Мен сизни излабман оқишомнинг,  
Дард билан куйлаган мунгидан.  
Болиш-ла дардлашиб наҳорда,  
Ул сирли тушимнинг ўнгидан.

Мен сизни излабман боғимнинг,  
Кўз ёшга ювинган гулидан.  
Қўлида рўмолча, эгнида,  
Оқ кийган омаднинг қўлидан.

Мен сизни излабман ёмғирнинг,  
Томчиси қолдирган намлардан.  
Кўзларим термулиб уятдан,  
Юзларим қизарган дамлардан.

Мен сизни излабман соялар,  
Ўтганда энг оғир излардан.  
Меҳрла боққан у нигоҳу,  
Интизор термулган кўзлардан.

Мен сизни излабман шарпалар,  
Кўрқинчли, ёқимли унидан.  
Кўзларга алданган дилимда,  
Муҳаббат туғилган кунидан.

Сиз эса мени хўб кузатиб,  
Қувониб йиғлаган онимда.  
Билдирмай жим кулар эдингиз,  
Ҳар саҳар, ҳар оқишом ёнимда.

ТУНДАГИ ОРОМ

Кўзларимда ухлаяпти ой,  
Алла айтиб суяр юрагим.  
Тоғларнинг шўх қизлари каби,  
Хув кенгликда овоз берган ким?

Ким у туннинг тинчини бузиб,  
Қулоғига отаётган тош.  
Нима бўлар табиат менинг,  
Қучоғимга қўйиб ётса бош.

Жим эй, туннинг тинчимас қуши,  
Рашикнинг кўзгаб турар ҳойна-ҳой.  
Айни илҳом оғушида дил,  
Кўзларимда ухлаяпти ой.

Симёғочда қўриқчи мисол,  
Туриб олсанг дил кетар ийиб.  
Меҳр билан кўзларим тиксам,  
Сен қарайсан нега хўмрайиб?

Суйиклиги бўлиб оқишомнинг,  
Суйгим келар ошиқдек ҳар дам.  
Эй, тинчимас туннинг ҳуштаги,  
Мен ҳилолга вафоли ҳамдам.

Аллеси ҳам тугар юракнинг,  
Тун келиндек очади чирой.  
Мен ухлайман ҳуштак унига,  
Кўзларимни уйғотади ой.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat ATABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'afhor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqib boshlagan.

© "Yoshlik" № 5 (210) 2006 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

**MUNDARIJA****IJTIMOYIY ONG. DUNYOQARASH. YOSHLAR**

Said-Abdulaziz YUSUPOV. Jasorat — taraqqiyot tayanchi .... 1

**NAZM**

Mirzo KENJABEK. Vatan, qalblardasen, qaroqlardasen ..... 7

Murodxon NIYOZXONIY. Sevsang ..... 26

Gulchehra SHAHOBIDDIN qizi. Gar ketsam, ketmayman shunchaki ..... 40

Behzod FAZLIDDIN. Tonglarning yuziga qanday qarayman ... 41

Nargiza ASADBEK qizi. Ishq ostonasi ..... 42

Murod CHOYUSH. Quyoshning nurini o'pmoq bo'laman ... 44

**NASR**

Abduqayum YO'LDOSHEV. Yolg'on va haqiqat ..... 9

**BIRINCHI UCHRASHUV**

Kamola SHARAFIDDINOVA. Bobomning boqiy dunyosi ... 3

Zebo QUTLIYEVA. Ayni muhabbat og'ushida dil ..... 47

**ODIL YOQUBOVNING 80 YILLIGIGA**

Abulqosim MAMARASULOV. Men qanday yozuvchi bo'lgan edim ..... 27

**MULOHAZA**

Mahmuda VALIYEVA. Muallim desalar qaniydi meni ..... 43

**USTOZLAR SABOG'I**

Tog'ay MUROD. Yosh qalamkashlarga tilaklarim ..... 45

**MUHABBAT GULSHANI**

Axtamqul KARIM. Yangi g'azal ..... 47

**Muqovalarimizda**

1-betda: Poshsholik davrim

2-betda: «Kamolot» hayoti

3-betda: Atoqli shoira Umida ABDUAZIMOVA

4-betda: Xushovoz xonanda Alijon ISOQOV

Manzillimiz: 700000, Toshkent, Javoharlar' Neru, 1-uy,  
Telefon: 133-40-83  
Bosishga 20. 10. 2006 yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.  
Indeks 822 ISSN 0207-9137  
Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi  
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 172

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.